Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний бобомиз айтганидек, тил – миллат руҳини юксалтирувчи буюк кучдир.

Шу маънода, Она Ватанга муҳаббат ва садоқат – она тилига муҳаббат ва садоқатдан бошланади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мен мана шундай қараш ва тушунча ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётий эътиқодига айланади, бу борада муҳтарам зиёлиларимиз, фаол ёшларимиз, кенг жамоатчилигимиз барчага ўрнак ва намуна бўладилар, деб ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
Ўзбек тили байрами муносабати билан
халқимизга йўллаган байрам табригидан.

МУНДАРИЖА

4. Хушхабар

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди — дунё эътиборида

5. Талқин

Отабек ЖЎРАБОЕВ.
Ҳазрат Бобур меросининг жаҳоний ва миллий кўлами



8. Тилшунослик


Дилафруз МУҲАММАДИЕВА.
“Бобурнома”да ифодаланган фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари

11. Тилсим

Ҳ. ЖЎРАЕВ, Г. ҚОСИМОВА.
Бир мактуб тарихи

14. Улуғлар изидан

Буробия РАЖАБОВА.
"Бобурнома"да Навоий сиймоси



19. Манбашунослик

Маҳмуд ҲАСАНИЙ.
Вақтдан ўзган китоблар



26. Илмий тадқиқот

Азизжон ШАРИПОВ.
Амир Темур ва темурийлар даврида кутубхоналар фаолияти тарихидан

35. Бобурий маликалар

Шаҳноза АҲМЕДОВА.
Гулбаданбегимнинг умр дафтари



37. Ноёб қўлёзмалар

Абдувоҳид ЎРОЗОВ.
Бурҳониддин Марғиноний ва унинг ўғиллари – илм йўлида

42. Савол-жавоб

Мирзо КЕНЖАБЕК.
Бобур мирзо асари номи "Мубаййин"ми, "Мубайян"ми?..



44. Халқаро ҳамкорлик

Барно ИСОҚОВА.
Увайсий шеъриятида фақру фано



47. Адабиётшунослик

Барно БЎРОНОВА.
Тарихий ҳақиқат билан уйғунлашган юксак бадиият талқини хусусида

51. Фикр

Роза ХОЛНАЗАРОВА.
Китоб ўқиётган одам – бахтли одам



53. Ҳикоя

Ҳаким САТТОРИЙ.
Зайтун унмас жойларда

64. Бобомерос

Исмоилжон ИКРОМОВ.
Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва "Олтин Бешик"

68. Таҳлил

С.АКОБИРОВА.
Хэролд Лэмбнинг "Бобур – йўлбарс" (Babur the tiger) асарида З. М. Бобур шахси

72. Эл хазинаси

Й. РАҲМАТОВ. "Ойчинор" достонида халқ мақолларининг ўрни

77. Рассом нигоҳи

Эркин ОРОЛОВ.
Кенгликларга талпинар кўнгил

79. Латиф лутфлар

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ.
Музга айланган хазина

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди – дунё эътиборида



Хабарингиз бор, шу йил 28 февраль куни Россия федерациясининг пойтахти — Москва шаҳрида “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий мероси ва ҳозирги замон” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди. Унда дунёнинг кўплаб давлатларидан бобуршунос олимлар, адабиёт ва тарих фидоийлари ва ёш тадқиқотчилар иштирок этишган эди. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов ҳам асосий маърузачи сифатида қатнашиб, нутқ сўзлаган эди.

Яқинда ушбу конференция сабаб тўпланган мақолалар жамланган китоб чоп этилгани ҳақида хабардор бўлдик. М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ташаббуси билан чоп этилган ушбу тўплам қарийб 660 саҳифадан иборат. Унда дунёнинг турли давлатларида истиқомат қилувчи олимлар, жумладан, Россия, Озарбайжон, Покистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Туркияда яшовчи илм аҳлининг мақолалари жой олган. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, кўплаб ҳамюртларимизнинг теран мазмунли мақолаларининг ҳам ушбу китобдан салмоқли ўрин олганини кўриб, беҳад қувондик.

Энг муҳими эса бизнинг буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди нафақат биз, авлодлар, балки бутун дунё томонидан ўрганилаётгани, эътироф этилаётганидир. Зотан, уларнинг вориси бўлишнинг ўзи биз учун фахрдир.

Таҳририят.

Азим бошкентимизнинг марказида ташкил этилган “Адиблар хиёбони” кўп жиҳатдан халқимиз, жумладан миллатимиз фарзандларига муносиб ҳадя бўлди, десак муболаға эмас. Бу масканга қадам босган киши борки адабиётимиз ривожи учун улкан хизматлар қилган бир қатор улуғ сиймоларнинг ҳайкаллари оралаб борар экан, ҳақиқатан уларнинг бу жабҳадаги хизматлари кўз олдида гавдаланади. Улардан бири жаҳонга танилган улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ (1483-1530) ҳаёти, фаолияти ва қолдирган илмий-адабий мероси нафақат халқимиз балки умумдунё тамаддунига қўшилган муносиб ҳисса эканлигидан ҳам фахр туямиз.



Отабек ЖЎРАБОЕВ,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директор ўринбосари, филология фанлари номзоди, доцент.

Ҳазрат Бобур меросининг жаҳоний ва миллий қўлами

Бу борада сўз кетганда, биринчи галда, унинг “Бобурнома” асари тилга олинади. Шубҳасиз, Бобур асарларининг энг машҳури ва дунё бўйича кўп бора тадқиқ этилгани ҳам ушбу асардир. Гарчанд, муаллифнинг ўзи уни “Вақойеъ” (Воқеалар) деб атаган ва асар саҳифалари оша бот-бот бу номни такрор этган бўлса-да, у “Бобурнома” номи билан танилган. Бунга сабаб, Бобуршоҳнинг набираси Акбаршоҳнинг кўрсатмаси билан форс тилига қилинган илк таржима шундай аталган бўлиб, кейинча дунёга ҳам кўпроқ ушбу форс тилидаги таржималари ёйилиб кетгани боис, мазкур ном билан асар машҳур бўлиб қолган. Кейинги изланишлар шуни кўрсатдики, айнан форс тилидаги “Бобурнома” қўлёзмалари дунё фондларида ўттиздан ортиқ бўлгани ҳолда, аслият – туркий (ўзбек) тилдаги нусхалар 17 адад.

Умуман олганда Бобурнинг фанга маълум беш асари (“Вақойеъ”, “Девон”, “Аруз рисоласи”, “Мубаййин” ва “Волидия рисоласи”) қўлёзмалари дунёнинг Лондон, Париж, Истанбул, Элфинстон, Нью-Йорк, Вашингтон, Санкт-Петербург, Теҳрон, Ҳайдаробод, Исломобод, Тошкент, Боку, Душанбе каби шаҳарларидаги китоб хазиналарида сақланмоқда.

Қизиғи шуки, “Вақойеъ”нинг ўндан ортиқ, “Девон” ўн, “Волидия рисоласи”нинг тўрт қўлёзмаси етиб келгани ҳолда “Аруз рисоласи”нинг қўлёзма-

си биргина эканлиги ҳануз ҳайратланарли бўлиб қолмоқда (Париж Миллий кутубхонаси).

Шубҳасиз, дунё олимлари Бобурни ўз даврининг катта сиёсий арбоби ва улкан империя асосчиси бўлгани учунгина эмас балки, мазкур асарлари сабаб кенг миқёсдаги — қомусий аллома сифатида тан олмоқдалар.

“Вақойеъ” — XV аср охирлари ва XVI аср ўттиз йиллигидаги Мовароуннаҳр, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихига оид энг муҳим фактларни берувчи тарихий асар бўлиши билан бирга, ўша давр ва халқлар этнографияси, маданияти, адабиёти, мамлакатларнинг жуғрофияси, ҳайвонот ва наботот (ўсимликлар) олами ҳақида ҳам муфассал маълумот берувчи уникал ёдгорлик сифатида эътироф этилиши маълум. Эндиликда эса ушбу асар ўз даври сиёсатшунослиги, жамиятшунослиги ва ҳатто психологиясини кузатишга доир муҳим манба ўлароқ ҳам фанда ном қозонмоқда. Шу кунга қадар у жаҳоннинг йигирмадан ортиқ тилига таржима қилинди. Илмий зарурат тақозосига кўра асар инглиз тилига тўрт бора, француз тилига икки бора, форс тилига уч бора таржима этилди. Эндиликда юқоридагидай илмий кўлами боис таржима ареали ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ёки, Бобурни хассос шоир сифатидаги қиёфасини лирик шеърлари жамланмаси “Девон” кўрсатиб берса, унинг улкан адабиётшунос-назариётчи олимлигини “Аруз рисоласи” исбот этади. Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг насрий битилган “Волидия рисоласи”нинг Бобур тарафидан назмда эркин қилинган таржимаси эса унинг нафақат моҳир таржимон, балки тасаввуф илмидан чуқур хабардор эканлигини ҳам акс эттириб туради.

Нисбатан кам ўрганилган “Мубаййин” (Нурлар) асари эса Бобурни энди улкан фақиҳ — мусулмон қонуншунослигининг билимдони сифатида кашф этишга сабаб бўладиган мутлақо нодир асардир. Ушбу асарнинг тўлиқ номи “Мубаййин дар фиқҳ” бўлиб, Ислом динининг беш рукнини мукаммал суръатда бадиий йўл билан назмий усулда шарҳлаб берилгани билан ажралиб туради. Бобургача ва ундан сўнг ҳам айнан шундай асар туркий адабиётда бошқа яратилган эмас. Уни муаллиф икки катта фарзанди — Ҳумоюн ва Комрон Мирзога бағишлаган. Аслида ўзидан кейин мамлакатни бошқарувчи ушбу икки валиаҳди мисолида Бобур бутун миллатнинг эътиқоди соф, ақидаси рост, иймони мукаммал бўлишини мазкур асар орқали орзу қилган эди.

Шу ўринда бир қизиқ жиҳат. Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида сақланувчи Бобур девонининг кичик қўлёзма нусхаси шоир ижодий меросини ўрганишда жуда муҳим ҳисобланади. У тўлиқ девон шаклида ҳам эмас, лекин шу манбанинг айрим саҳифаларида Бобурнинг тузатма-таҳрирлари ва унинг ўз ёзуви (автографи) бор. Буни эса қўлёзманинг дастлабки саҳифасида Байрамхон ва охирги варақ ҳошиясида (Бобурнинг авлоди) Шоҳ Жаҳон тасдиқлайди. Бундан бошқа бирорта Бобур дастхати маълум эмас. Унда

“Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни
Сўзумни ўқуб соғинғасен ўзумни…”

мисраларини муаллиф ўғли Муҳаммад Ҳумоюнга атаб ёзиб қўйган. Фарзанди ҳар сафар шу битикларни кўрганда отасини эслаши ва айни дамда уларга бағишлаб ёзилган асарларида васф этган улуғ ғояларни ўз ҳаётларига сингдириши кераклигини Бобур Мирзо истамаяптими?!

Маълум бўладики, Бобур таъкидланган асарларини тор манфаатлар ва шахсий омиллар учунгина битмаган. Унинг асарларидаги бош ғоя фарзанд, миллат ва Ватан равнақидир.

Бобур ўта иқтидорли ва салоҳиятли ижодкор бўлгани боис асарларида

улкан истакларни мавзу сифатида акс эттирган ва уларни ўз бадиий жозибасига мувофиқ жанрлар қолипида кўрсата олган. Айтайлик, “Вақойеъ” (“Бобурнома”) асари бир қараганда муаллифнинг бошидан кечирганлари, хотиралари ва шоҳиди бўлган тарихий воқеаларни акс эттирган. Бироқ, унинг баёни, услуби, тили, воқеаларнинг тартибий жойлашуви, ёзилаётган ҳодисанинг кўлами, тасвир этилаётган қаҳрамоннинг тасвири ва яна бошқа жиҳатлардан қаралса ушбу асар тарихий-мемуар жанрдаги буткул оригинал (ўзига хос) асар эканлиги маълум бўлади.

Биринчи галда, Бобур ушбу асари билан ўзигача бўлган Шарқ тарихнавислигини қатъий ва қолиплашган стеротипларини бузиб ташлади, бошқа йўналишда янгича услубда ижод қилди. Устига-устак, асарнинг тили бадиий ёзма туркий тил билан, халқ тилининг гўзал синтезидан иборатки, бу жиҳат асарга янада кўрк бағишлаган. Қолаверса, муаллиф дунёқарашининг кенглиги, зийрак кузатувчи эканлиги, шоирона қалби ва юксак истеъдодидан ташқари жамиятдаги мавқеи (ҳукмдор – мирзо) ҳам катта омил бўлди. Албатта, Бобурнинг ижоддаги бу уриниши муваффаққиятли чиқди. Афсуски, Бобурдан сўнг туркий адабиётда, “Мубаййин” каби, “Вақойеъ” (“Бобурнома”) типи ва даражасида бошқа асар яратилмади.

Албатта, Бобур ижодиётидаги муаллиф шахсияти билан боғлиқ ўринлар доимо ўзига жалб этиб келади. У қатъиятли, жасур ва ҳақиқатпаноҳ инсон бўлган. Худди шу жиҳатлар бу нодир шахснинг нафақат “Вақойеъ” (“Бобурнома”)сида балки, бир қанча лирик шеърларида ҳам ўз аксини топган. Шундай асарларидан бири унинг 1528 йилда ёзилган “Қилиптур” радифли ғазалидир. Ғазал матлаъси шундай:

Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир қилиптур,
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилиптур —

Яъни, мусофирчиликнинг ғариблигида ўшал қамарсиймо (ой)нинг ҳажри шоирни қаритди; у ўзини жуда сабрли ва иродали ҳисобларди-ю, лекин ҳижрон ва ғурбатда ўтган йиллар унга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Ғазал мақтаъси эса қуйидагича:

Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёр, ки тақсир қилиптур —

Яъни, Бобур шунча йил давомида сендан йироқларда қолди-ю, ўлмади; эй ёр, уни маъзур тутгинки, худди шу иши сенинг олдингда айбдир.

Хўш, Бобуршоҳ бутун умри давомида интилиб, жангу жадалларда шижоат кўрсатиб, фитнаю балоларни енгиб, дилдан куйиб, ёдлаб эслаган ва охирида узр сураётган бу “ёр” ким бўлди экан?


Албаттаки, иймонли бир мўъмин сифатида Бобур Мирзо Тангри таоло висолидан ноумид бўлмаган ва уни кўп васф этган. Қолаверса, реал маҳбубага қарата битилган ошиқона тизмалари ҳам кўп. Лекин юқорида зикри кечган шеърдаги “ҳажри пир” қилган “ЁР”ни эса биз бу ўринда камоли қониқиш билан – ВАТАН, дея оламиз. Бу эътироф, ахир катта бир давлатнинг ҳукмдори ва улуғ ишларни амалга оширган шахс – Бобур Мирзонинг кўнгил изҳори эмасми?! Фақат ўз-ўзига талабчан ва танқидий ёндашувчи одамгина бу тахлит “ёрила” олади.

Демак, ижодкорнинг мавқеи ва унинг улуғ манфаатларни – аниқроқ қилиб айтганда миллий ҳамда умуминсоний ғояларни кўзда тутиб ижод этган битиклари бир нуқтада бирлашганда чин маънодаги жаҳоний тамаддунга ҳисса бўла оладиган асарлар пайдо бўлишини Бобур каби буюк шахслар ижодиёти орқали кўришимиз мумкин.

“Бобурнома” йирик ҳажмли етук асар бўлганлиги сабабли унинг тилини фраземаларсиз тасаввур қилиш қийин. Асарда қўлланган фраземаларни тузилиши, семантикаси, таркибий қисмларига кўра маълум гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Дилафруз МУҲАММАДИЕВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти.

“БОБУРНОМА”ДА ИФОДАЛАНГАН ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ



“Бобурнома”да қўлланилган фраземаларни семантик жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Вақт семали фраземалар: бир сут пишими-бир сут пишгунча бўлган вақт (Яна Жаҳонгир мирзони бир сут пишими бурунроқ қавлаб чақириб-турлар. 96-б); икки намоз ораси (Икки намоз орасида Каланурға келиб туштук.188-б), ражаб ойининг ғурраси-ражаб ойининг боши (биринчи куни)да (Ул юрттин чаҳоршанба куни, ражаб ойининг ғуррасида кўчуб, Алварнинг икки кўруҳисида келдук. 230-б), офтоб ҳануз ўлтурмай-кун ботмасдан (Офтоб ҳануз ўлтурмайдур эдиким, дарёдин кечилди. 246-б); ушбу сўзнинг устида — шу пайт (Ушбу сўзнинг устида эрдиким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди. 100-б); завол вақти — кун ботиш пайти(Завол вақтиғача бунда ичилди.179-б), туш қотила — туш пайти (Андин эрта кўчуб, Качакот сувини ўтуб, туш қотила Сандаки кўталини ошиб тушулди. 165-б.) фарз вақтида (Фарз вақтида ғаним устиға етарлар. 190-б.), туш қайта (Сешанба куни, ойнинг ўн тўққузида туш қайта хожа Сеёрон сариға отланилди.172-б.)

2. Ўлим семали фраземалар: қиличқа борди (Қони тутулғон бадбахт сумжта экандур, булар бориб тутун қўюб етмиш-сексон ҳазорани олдилар, кўпраки қиличқа борди. 127-б.), оламдин нақл қилди (Фосиқ ва бебок эди, фисқнинг шоматидин обила маразиға гирифтор бўлуб, илик-оёғидан қолиб, неча йил турлук-турлук азоб ва машаққатлар тортиб, ушбу балийя била-ўқ оламдин нақл қилди. 135-б.), охир аҳди (Султон Шиҳобиддин Гурийдин сўнг Султон Ферузшоҳнинг охир аҳдиғача аксар Ҳиндустон Деҳли салотинининг тах-

ти забтида экандур. 196-б), бошини қўлига олиб дунёдин чиқар (Ул бахти қайтқон эшиттиким, черик таъйин бўлубтур, бошини қўлиға олиб, дунёдин чиқар. 265-б.),тенгри ҳукмини буткармиш (Чандерийни муҳосара қилғонда хабар келдиким, Кобулда Тенгри ҳукмини буткармиш. 131-б.), гарди фаноға кетмоқ (Ва Ҳасанхон Меватийга милтиқ тегиб, гарди фаноға кетти. 264-б). Булардан ташқари "ўлим" семали фраземаларнинг тенгри раҳматига борди, жувонмарг бўлди, ажал етти, оламдин кечти, шунқор бўлди, шаҳид бўлди, тенгри раҳматига борди, оламдин кечди, ажал етди, ўққа, қиличқа, сувға борди, қиличқа борди,оламдин сафар қилди, қора олдурмай каби шаклари ҳам учрайди.

Ўлим семали фраземаларни нутқида ифодалашга қадимдан халқимизда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Сабаби, ҳар бир инсонга нохуш хабар айтилганда ёки етказилганда эшитувчи инсон томонидан доим ҳам босиқлиқ билан қабул қилинавермаган. Шунинг учун ҳам халқимизда "ўлди" маъносини берувчи бир неча сўз ёки бирикмалар мавжуд бўлган. "Бобурнома" матнида "ўлим" семасини ифодаловчи 20 дан ортиқ фраземанинг борлиги бизнинг ушбу фикримизга яққол далилдир.


3. Жазо семали фраземалар: қатли ом қилмоқ-барчани ўлдирмоқ (Элни тамом қатлиом қилди. 82-б.), қоратаёқ қилмоқ — урмоқ (Ахсининг бир пора лаванд ва авбошни барин қилиб, қоратаёқ қилиб, Ахсининг тош қўрғонидагиларни зарби рост аркка тиқиб..., 68-б.), калла минора қўпормоқ — калладан минора тиклаш, бўйниға урдурмоқ-ўлдирмоқ (Шайбоқхон Самарқанднинг Чорсуйида бўйниға урдурди. 105-б.), ясоққа етти — жазо тури (Баъзи султонлари ва саркашлариким, иликка тушиб эди, ясоққа етти. 162-б.) ясоққа еткурди, бурнини тешди-жазо тури (Кишилар йибориб бесарлиқ қилғон элнинг баъзисини ясоққа еткуруб, баъзисини бурнини тешиб, ўрдадин эврурдилар. 166-б.)

4. Муомала семали фраземалар: ёмон маош қилмоқ — ёмон муомала қилмоқ (Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал вилоят элига бисёр зулмлар ўткариб, ёмон маош қилиб эдилар. 68-б.), яхши маош қилмоқ-хушмуомала бўлмоқ (Бу жиҳаттин бу тоғ эли бирла яхши маош қилмоқ вожиб ва лозим эди.166-б), зиддона маош қилмоқ-келишмаслик — (Чун Устод Алиқули зиддона маош қилур эди, бу жиҳаттин Мустафони буронғорда Хумоюннинг олида таъйин қилилди), мусолаҳа ораға солиб — сулҳ таклиф қилиш (Чун элчи йибориб, қадимдан туркка алоқадор вилоятларни тилаб, мусолаҳа ораға солилиб эди, тавжиҳ қилғон ярмоқлар аксар иликка тушти. 169-б).

5. Ҳарбий тушунчаларни ифодаловчи фраземалар: тил тута йиборилди — айғоқчиликка юбормоқ (Хожа Калоннинг навкари Ҳайдарқулини тил тута йиборилди. 191-б.), қочмоққа юз қўйди-чекинмоқ (Бу ҳолатни кўруб мўлжор тўғрисидағи қалин бангалий кемалари сув қуйи қочмоққа юз қўйдилар.258-б), илик қўшмоқ — қўшилмоқ (Султонларға киши чоптурдумким, ўтганларни яхши йиғиб, ул ўтрудағи фаржға ёвуқ ета ёнидин юруб, ғанимға илик қўшунг,..258-б.), қўлға олмоқ-тутмоқ (Анинг хизонасини осонлиғ била қўлға олдук.264-б), аҳдға турмай-хиёнат қилмоқ (Тусни секкиз ой қабаб, судҳ била олиб, аҳдға турмай, тамом эл атоғларини қириб, хотинларини асир қилдилар.214-б), ғалаба бош йиборди-исёнчиларнинг бошини олиб жўнатмоқ (Бориб, йироқдин илғоб, бу афғонларни яхши босиб, қалин кишисини қириб, ғалаба бошлар йиборди.217-б), банд қилди — асир олмоқ (Рустамхон деган бир мардак Миёни дуобдағи таркашбандларни йиғуштуруб, келиб Кўйилни олиб, Кичик Алини банд қилди. 223-б), оғиз сўзлари, бош кўтариб — исён қилиб (...Икки сувни орасиға бош кўтариб, Кўйил қасабасини урушуб олиб эди.264-б),

"Бобурнома"да хилма-хил фразе-

малар турли маъноларни ташиш учун қўлланилади. Улардан баъзиларигина замонавий лексикамиз таркибида сақланиб қолган, аксарият қисми бугунги авлод учун тушунарсиз. Фраземаларни семантик таҳлилида асарда энг кўп учрайдиган фраземалар таҳлилга тортилди. Юқоридаги мисоллардан шунқор бўлди, ажал етти, тенгри раҳматиға олди, оламдин кечти каби фраземалар шунчаки “ўлди” сўзига синоним сифатида қўлланган. Қиличқа борди, бошини қўлиға олиб дунёдин чиқар, ўтқа, сувға, қиличқа борди бирликлари ўлимнинг пайти ва ҳолатини ҳам ифодалашга хизмат қилади, шаҳид



бўлди бирикмаси мусулмон кишининг дин ҳимояси йўлида қурбон бўлиши маъносини англатса, жувонмарг бўлди фраземаси ёш кетди деган тушунчани ҳам ўзида акс эттиради.

Туш қайта, туш қотила, завол вақти, офтоб ҳануз ўлтурмай каби фраземалардан куннинг қайси қисмида иш-ҳаракат бажарилаётганлигини очиқлашда фойдаланилади. Икки намоз ўртаси, фарз вақтида каби бирликларда намозга боғлаган ҳолда вақтни ифодалаш кўзга ташланади. Сафар ойининг ғурраси, ражаб ойининг ғурраси каби фраземалар ойга нисбатан вақтни ифодалашга хизмат қилади.

“Бобурнома” асари, энг аввало, Бобурнинг ҳарбий фаолияти ва юришлари ҳақида маълумот берувчи асар. Шунинг учун ҳам ўша давр ҳарбий терминлари ва қўлланган жазо турлари унда акс этиши табиий. Асарда келаётган ҳарбий терминларнинг аксарияти кўчма маънога асосланган ва улар ўша давр лексикасини ўзида намоён қилади (қатлиом қилмоқ, қоратаёқ қилмоқ, ясоққа еткурмоқ, бурнини тештурмак,бўйниға урдурмак каби). Қўлға киритмоқ, даст берди, илик қўшмоқ, моли омон солиб, қочмоққа юз қўйдилар, черик тортқон, оғиз сўзлари каби фраземалар бугунги тилимизда ишлатилмайди, аксарияти сўз ҳолида қўлланилади. Қўлға киритмоқ — эгалламоқ, қочмоққа юз қўйдилар — қоча бошлади, оғиз сўзлари — оғзаки, қўлға олмоқ — тутмоқ каби.

Юқорида келтирилган фраземаларнинг аксарияти бугунги кунда қўлланилмайди (жон ваҳми, сўзга мунги йўқ, бўйи оғир, риоят қобили, калла хушк каби), аммо улардаги мажозийлик ва нозик ифода тилимизнинг нақадар бойлигига далил бўла олади.

Бобуршоҳ Самарқанд тахтини Шайбонийхондан тортиб олганда 18 ёшли ўспирин эди. Ўз даври учун ноёб бўлган бу ҳарбий ҳодиса улуғ мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбоби бўлмиш Алишер Навоийнинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Шу заҳоти ёш ҳукмдор ва навқирон саркардани эришилган зафар билан қутлаб, унга мактуб йўллади.

Ҳ. ЖЎРАЕВ,
ФарДУ профессори,
филология
фанлари доктори,
Г.ҚОСИМОВА,
ФарДУ
факультетлараро
чет тиллар
кафедраси
ўқитувчиси.

БИР МАКТУБ ТАРИХИ



"Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати (мактуби) ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди".

Муборак мактуб ҳақидаги бор гап шу. Қизиқ, нега бу мактуб ҳақида, унинг мазмуни борасида бирор гап айтилмаган? Наҳотки Бобур мирзо бу табаррук номани сақламаган бўлса? Дарвоқе, "Бобурнома" муаллифи бир ўринда Алишер Навоийнинг ижодий мероси ҳақида гапирар экан, унинг турли мактубларини йиғиб, тўплам ҳолига келтирганини унча маъқулламайди: "Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларға боқа пастроқ ва сустроқ воқе бўлубтур. Ул жумладин, иншо (мактуб)ларини Мавлоно Абдураҳмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосила калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштирубтур". Эҳтимол, шу туфайли ҳам муборак мактуб бизгача етиб келмагандир.

Юқорида айтганимиздек, Бобурнинг бу улкан зафари умрини темурийлар салтанатини мустаҳкамлаш ишларига бағишлаган Навоийни мамнун қилгани аниқ. Улуғ шоирнинг "Тарихи мулуки Ажам" асарида Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтини эгаллаб олган Ёдгор мирзони қандай тор-мор этганлиги афсонавий шоҳ Баҳромнинг ҳоқонни маҳв этишига ўхшаб кетиши ҳақида шундай қайдлар бор: "...Аммо Баҳром Озарбойжондин Гуржистон била Дашти Қифчоқдин чиқиб, Хоразм бостуриб, Журжон навоҳисида ҳоқонға шабохун уриб, оз киши била уч юз минг черикни бузуб, ҳоқонни дастгир қилиб, ўз илки била бошин чопти. Ва бу бир иш эдиким, ондин бурун ҳеч подшоҳ қилмайдур эрди ва ондин сўнгра даҳи ҳеч кишига даст бермайдур эрди, магарким Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳаллада Оллоҳу мулкаҳуға муяссар бўлдиким, бу навъ иш қилди".

Алишер Навоий Бобур мирзога йўллаган мактубида ана шу воқеани яна бир бор эсга олиб, оз киши билан кўпчиликни енгиш борасида унинг учинчи саркарда сифатида тарихга кирганлигини таъкидлагани аниқ. Чунки Бобур мирзо Самарқанднинг фатҳ этилиш тарихини эслар экан, ўз зафарини Ҳусайн Бойқаро муваффақияти билан таққосланишига эътироз билдиради:

"Султон Ҳусайн мирзо ҳам Ҳирийни ушбу йўсунлиқ ғофиллиқта олибтур.

Вале иш билур киши олида равшан ва инсофлиқ эл қошида мубайяндурким, бу иш била ул иш орасида кўп фарқ бордур. Аввал буким, Султон Ҳусайн мирзо кўп ишлар кўрган, бисёр тажрибалар кечурган улуғ ёшлиқ подшоҳ эди. Иккинчи буким, ғаними Ёдгор Муҳаммад мирзо эди, ўн етти-ўн секкиз ёшлиқ бетажриба ўғлон эди. Учунчи буким, ғанимнинг ичидин кайфиёт ва ҳолотни билган киши Мир Али мирохур мирзога (Ҳусайн Бойқарога) кишилар юбориб, ғофиллиқта ғаним

устига келтурди. Тўртунчи буким, ғаними қўрғонда эмас эди, Боғи Зоғонда эди. Султон Ҳусайн мирзо олғон маҳалда Ёдгор Муҳаммад мирзо ва тавобеи андоқ ичкулукка тушган экандурларким, ул кеча Ёдгор Муҳаммад мирзонинг эшигида уч киши экандур, алар ҳам маст. Бешинчи буким, ул мартаба ғофиллиқта-ўқ келди ва олди.

Мен Самарқанд олғонда ўн тўққиз ёшта эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлуб эди.Иккинчи буким, менинг ғанимим Шайбонийхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуғ ёшлиқ киши эди. Учинчи буким, бизга Самарқанддин ҳеч киши келмайдур эди. Агарчи шаҳр эли манга кўнгуллук эди, вале Шайбоқхоннинг қўрқунчидин ҳеч киши бу хаёлни қила олмас эди. Тўртинчи буким, менинг ғанимим қўрғонда эди, ҳам қўрғонни олилди, ҳам ғанимни қочурулди. Бешинчи буким, бир мартаба Самарқанд қасдиға келиб, ғанимға туйдуруб (душман сезиб қолиб), иккинчи мартаба келганда тенгри рост келтурди. Самарқанд фатҳ бўлди".

Бобур мирзонинг батафсил шарҳларидан маълум бўладики, у Навоийнинг мактубида зикр этилган воқеалар тарихини кейинроқ чуқур ўрганиб чиққан. Гарчи Мир Алишерга эътирозларини ёзмаган бўлса-да, бу борадаги фикр-мулоҳазаларини ўзининг умр китобига киритган.

Меҳр кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим,

Жон басе қилдим фидо оромижоне топмадим.

Алишер Навоийнинг мазкур шоҳ сатрлари шоир ҳаётлигидаёқ жуда машҳур бўлган. Бинобарин, ёшлигидан шеърият ихлосманди бўлган, адабий давраларда ўсган Бобур ғазални ёд билгани тайин. Айниқса, бошига жуда эрта салтанат юки тушган, атрофидаги муҳитдан безиб қолган, кетма-кет тақдир зарбаларини бошидан кечирган Бобур юқоридаги матлаъни кўнгил кечинмаларининг ёркин изҳори сифатида такрорлаб юрган. Бу пайтда "Мажолис-ун нафоис"нинг тўлдирилган нусхаси устида ишлаётган Алишер Навоий ёш ҳукмдорга мактубида адабиёт ва санъат хусусида ҳам сўз юритган, Бобурнинг табъи назми билан қизиққан, ижоди намуналаридан юборишини сўраган. Шу маҳалгача "бирор-иккирор байт айтиб" юрган, уларни ниҳоясига етказишга қунт қилмаган Бобур бадиий ижод ҳақида жиддий ўйлаб қолган. Жавоб мактубида эса улуғ шоир ва мутафаккирга эҳтиром маъносида, татаббу йўлида "биргина туркий байт айтиб" юборади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,

Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

"Бобурнома"нинг 1501 йил воқеаларида ана шу байтнинг ғазал сифатида тугалланган ҳақида маълумот бор: "Ул ғазалеким, тугаттим, ушбу кун ушбу юртта (Тошкент яқинидаги Сом сийрак навоҳисида) тугаттим... Бу ғазал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар ғазалеким туганди, ушбу тартиб била-ўқ битилди".

Алишер Навоийнинг бирорта ғазали етти байтдан кам бўлмаган. Демак, Бобур ғазал ҳажмини белгилашда ҳам улуғ устоз анъаналарига амал қилишга ҳаракат қилган.

Ёш Бобур ҳаётида Навоий билан ёзишмалардан сўнг жиддий бурилишлар кўзга ташланади. "Бобурнома"нинг шундан кейинги воқелари тасвирида адабий муҳит, бадиий ижод, илм-фан, касб-ҳунарга оид маълумотлар кенгая боради. Муаллиф, шунингдек, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид ҳар бир муҳим тафсилотга ўрин ажратади. Унинг туркий ҳамда форсий тилдаги асарларини таҳлил этади, илмий филологик асарларига ҳам муносабат билдиради. Ҳатто шоирнинг тўсатдан вафот этиши манзараларини ҳам ўзи гувоҳ бўлгандек таъсирли тасвирлайди. Шунинг учун ҳам "Бобурнома" Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли, адабий мероси, амалий фаолияти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитувчи мўътабар манбалардан бирига айланади.

Андижон "... эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элнинг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер На-

воийнинг мусаннафоти (асарлари) бовужудким, Ҳиндийда нашъу намо топибтур, бу тил биладур". Албатта бу сатрларни битаётганда Мирзо Бобур Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилига асос солганлиги, "мамлакатни якқалам" қилганлигини англашдан ҳали ожиз бўлган. Шунинг учун ҳам болаларча беғубор ифтихор билан Навоийдек даҳо ижодкор ўз асарларини "Андижонликлар тили" да ёзганлигини қайд этади.

Бора-бора ўзи ҳам забардаст сўз устаси бўлиб етишгач, тил бойликларини намоён қилиш, керак бўлса она тилининг камситилишига қарши курашиш зарурлигини ҳис қилади. Тил Ватаннинг таркибий қисми, миллатнинг қиёфасини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини тушунади.

Туркий тилни шеърият осмонига кўтариш Алишер Навоий учун осон бўлмаган. Эски ўзбек тилини дағал, ижод учун ярамайди, дея таҳқирловчиларнинг аксарияти ўзи туркий бўлатуриб, форс-тожик тилида ижод қилувчилар эди. Камолиддин Биноий ана шундайлар тоифасидан бўлиб, бу ҳақда ҳатто Навоий билан юзма-юз тортишишдан ҳам тоймаган. Биргина мисол: Биноий туркман ҳукмдори Ёқуббек ҳузурида бир неча вақт бўлиб, қайтиб келгач, Навоий ундан Ёқуббекнинг яхши фазилатларидан сўзлаб беришини сўрайди. Шунда Биноий: "Унинг энг яхши фазилати шуки, бирорта ҳам ўзбекча сўзни оғзига олмас экан", — дея жавоб беради.

Бобур шунга ўхшаш можаролардан яхши хабардор бўлган. Самарқанд тахтига иккинчи бор ўтирган кезлари, тақдир тақозоси билан Бобур ҳузурига келиб қолган Биноий ўзининг қашшоқ ҳолга тушиб қолганлиги, ейишга нону, кийишга кийими йўқлигини форс-тожик тилидаги рубоийси орқали баён қилади. Шунда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўта зукколик билан бир вақтлар ўзбек тилини камситган Биноийга танбеҳ беришнинг ўзига хос йўлини тутади. Яъни унинг форс-тожик тилидаги рубоийсига туркий тилда қуйидаги шеър билан жавоб беради.

Ишлар бори кўнглунгдагидек бўлғусидур,

Инъому вазифа бори буйрулғусидур.

Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг бердим,

Муҳмалға бўю, ғалладин уй тўлғусидур.

Бобурнинг зимдан қилган нозик ишорасини фаҳмлаган Биноий, хижолат чекиб, ўз миннатдорчилигини туркий тилда жавоб рубоийсини айтиш билан билдиради.

Шунга ўхшаш воқеа Ҳиндистонда ҳам бўлиб ўтади. Бобурнинг энг яқин дўстларидан бири Хожа Калон Ҳиндистон жазирамаларига чидай олмасдан, рухсат олиб, Ғазнига кўчади. Кетаётганида ўзи яшаган уй деворига форс-тожик тилида "Ҳиндни яна кўришни истасам юзим қаро бўлсин" мазмунидаги мисраларни ёзиб қолдиради:

Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,

Сиёҳ рўй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам.

Бобур бу зарофатга қарши она тилининг ўткир ва тагмаъноли хусусиятини ишга солиб, қуйидаги рубоийсини битади ва Хожа Калонга юборади:

Юз шукур де, Бобурки, кариму ғаффор Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр. Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат, Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор!

Бунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Муддао шуки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур туркий тилнинг бой имкониятларини намоён этиш, бу тилнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишига эришиш учун улуғ устоднинг ғоявий маслагидан умр бўйи оғишмади. Шу тариқа, Алишер Навоий даҳосининг сўз санъати майдонида пайдо бўлиши тасодифий эмаслигини, балки тарихий қонуният ва зарурат эканлигини амалда исботлади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий Заҳириддин Муҳаммад Бобурдаги олмос истеъдодни олис Ҳиротда туриб пайқаган, шогирдида адабиёт ва санъатга, яратувчиликка чексиз иштиёқ уйғотган, уни улуғ мақсадлар сари руҳлантиришга муяссар бўлган мўътабар сиймо ва улуғ устод эди.


«БОБУРНОМА»ДА НАВОИЙ СИЙМОСИ

Буробия РАЖАБОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Аннотация
Мақола Алишер Навоийнинг забардаст сўз санъаткори ва йирик давлат арбоби сифатидаги ўзига хос бетакрор сиймосининг шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" мемуарида кенг ва ҳаққоний ёритилиши таҳлилига бағишланган.
Таянч сўз ва иборалар: Навоий, Бобур, "Бобурнома", лавҳа, тасвир, услуб, маҳорат.

Аннотация
Статья посвящена анализу широкого и объективного освещения неповторимого образа великого гения слова и крупного государственного деятеля Алишера Навои в мемуарах поэта и правителя Захириддина Мухаммада Бабура "Бабур-наме".
Ключевые слова и выражения: Навои, Бабур, "Бабур-наме", фрагмент, описание, стиль, мастерство.

Annotation
The article is devoted to the analysis of the wide and truthful coverage of Alisher Navoi's unique image as a great artist and statesman in the memoir "Boburnoma" by the king and poet Zahiriddin Muhammad Babur.
Key words and word expressions: Navoi, Bobur, "Boburnoma", plaque, image, style, skill.




Темурийлар Ренессансининг улуғ шоири, буюк мутафаккири, таниқли давлат ҳамда жамоат арбоби, "ўз даврининг энг маданий кишиси" бўлмиш Алишер Навоий шоҳ ва шоир Бобурнинг ҳаёт ҳамда ижод йўлида алоҳида ўрин тутади. "Бобурнома"да у ҳақда келтирилган ўн тўртта битик фикримизнинг ёрқин далили. Биринчидан, муаллиф ўз китобида даҳо сўз санъаткори билан мактуб орқали мулоқот қилганини фахр билан эслаган. Иккинчидан, Ҳиротда маълум муддат бўлган даврда унинг "Унсия" номи билан машҳур бўлган уйида йигирма кун яшаганини ва у ерда жамланган бой архив фонди, кутубхонаси орқали гениал шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишганини, мақбарасини зиёрат қилганини, улуғ амирнинг йирик мулкдор сифатида ўз маблағлари ҳисобига қурдирган монументал ва ижтимоий характердаги биноларни бориб кўргани-

ни айтиб, "Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай", деб тўлқинланиб эътироф этган. Учинчидан эса қаҳрамон шоир (Султон Ҳусайн Бойқаро "Рисола" асарида Алишер Навоийни қаҳрамон, соҳибқирон дея шарафлаб алоҳида шеър ёзган — Б.Р.) ҳақида мемуарида Мир Алишер Навоий, Алишербек, Алишер Навоий номлари ва бек нисбаси билан келтирилган ўн тўртта қимматли маълумот ва тарихий лавҳа, чизгиларда ҳайратини изҳор қилиб, айрим адабий асарлари юзасидан маълум маънода ўзининг адабий-танқидий фикрларини ҳам ёзиб қолдирган. Тўртинчидан, асарда Бобур Алишер Навоий ижодини вақти-вақти билан мутолаа қилиб турганига доир чизгилар ҳам берилган. Бешинчидан, "Бобурнома"да Алишер Навоий ҳақидаги маълумотларда унинг тақдири туташган манзиллар сифатида асосан Ҳирот, Самарқанд, Марв, Астробод шаҳарлари топонимлари сифатида тилга олинган. Маълум маънода бу шаҳарлар тасвирида темурийлар Уйғониш даврининг ўзига хос бунёдкорлик, шаҳарсозлик маданияти, илмий, ижодий муҳит билан боғлиқ манзаралар ҳам яхши ёритилган.

Маълумки, Шоҳрух Мирзо вафотидан кейин мамлакатда ҳукмдор алмашуви рўй беради ва пойтахт Ҳиротда ҳукумат алмашиши билан боғлиқ сиёсий жараёнда маълум маънода нотинчлик, беқарорлик бошланади. Бу сиёсий жараён тўғрисида Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг "Шарафиддин Али Яздий" фиқрасида битиб қолдирган. Алишерлар оиласи карвон билан маълум муддатга Ҳиротдан чиқиб кетади. Улуғ шоирнинг бу ҳақда ўзининг асарларида ёзишича, карвон йўл-йўлакай Тафт шаҳрининг карвонсаройларидан бирида тўхтайди. Шунда бола Алишер билан темурийлар Уйғониш даврининг мумтоз муаррихи Шарафиддин Али Яздий билан мароқли, бир умр эсида қоладиган ибратли суҳбат бўлиб ўтган . Айтмоқчи бўлганимиз бу суҳбат сабаб Тафт шаҳри ҳам унинг умр манзилларидан бирига айланган. Аммо, Тафт шаҳри билан боғлиқ бу воқеа "Бобурнома"да акс этмаган. Хуллас, Алишерлар оиласи карвон аҳли билан маълум муддат қайси шаҳарда истиқомат қилгани ҳам ҳамон навоийшуносликда ўз жавобини топган эмас.

"Бобурнома"да Алишер Навоий сиймосининг ёритилишини илк марта қаламга олган атоқли шоир, адиб, драматург, етук навоийшунос олим Мақсуд Шайхзода бўлади. У 1940 йилда "Бобурнома"нинг Қозон босмасини ўқиб-ўрганиб "Бобур ва Навоий" номли хабар характеридаги мақола ёзган ва у шу йили "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 26 декабрь сонида нашр қилинган.



Ушбу мақоламизда биз "Бобурнома"да ёдга олинган темурийлар Уйғониш даврининг улуғ сиймоси, адабиёт, маданият оламида, темурийлар давлат бошқарувида, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш масаласида, дипломатик муносабатлар ривожида катта таъсир ва мавқега эга бўлган йирик мулкдор, улуғ амир, гениал шоир, "маданий кўтаринкилик чўққиларидан" бири улуғ амир Алишер Навоий ҳақида сўз юритамиз.

Қизиғи шундаки, мемуарни варақласак, унда биринчи бўлиб Алишер Навоийнинг табаррук номини ўқиймиз ва беихтиёр "Бобурнома" Алишер Навоийнинг улуғ номи билан бошланган, деган фикрга келамиз. Агар асарнинг мемуар асарларга хос тузилиши, сюжет чизиғи, воқеалар баёни, образлар оламига диққат қилсак, у ўз даври

анъаналарига кўра вожиб ул-тасниф одобига биноан қисқа характердаги басмала, Оллоҳга ҳамд, Муҳаммад с.а.в.га наът каби анъанавий қисмлар билан бошланган. Шундан кейин Фарғона вилояти таърифи келтирилган. Фарғона вилоятининг пойтахти ҳисобланган Андижон шаҳри (қасабаси) тўғрисида, хусусан, эли, тили ҳақида муаллиф бебаҳо маълумотларни битар экан, улуғ шоир асарларининг тили хусусида гап бошлаган ва унинг шарафли номини эсга олган. Демак, муаллиф муҳташам асарида илк қаламга олган атоқли шахс, темурийлар Уйғониш даврининг улуғ сиймоси Алишер Навоий номи бўлиб чиқади. Яъни: "Эли туркдур. Шаҳри ва бозорида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Анинг учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур" (34).

Алишер Навоийнинг шарафли номи билан бошланган муҳташам "Бобурнома"-ни завқ билан мутолаа қилишда давом этар эканмиз, асосий мавзумиз бўлган "Бобурнома"да Алишер Навоий сиймоси ва довруғининг ёритилишига алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. Энди Бобур улуғ шоирнинг номини тилга олган иккинчи қизиқарли маълумотга диққат қилсак. Муаллиф уни асарнинг таниқли фозил инсон сифатида тарихда қолган, Ҳиротда ўн йил ва Самарқандда ҳам маълум муддат ҳокимлик қилган Аҳмад Ҳожибек билан боғлиқ тарихий лавҳада ёдга олгани қизиқишимизни янада орттирди. Бобур китобнинг Султон Аҳмад Мирзонинг "Умароси" номли фаслида ушбу темурий ҳукмдорнинг саккиз нафар умароларидан бири Аҳмад Ҳожибек эканлиги ҳақида алоҳида лавҳа ёзган ва ушбу лавҳада Алишер Навоий номини зикр қилган, унинг Самарқандда 1466-1469 йилларда кечган ҳаётини шарҳлар экан, ўша вақтда темурийлар давлати тасарруфида бўлган Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанд шаҳрининг ҳокими бўлган ва Вафоий тахаллуси билан яхши шеърлар битган соҳибдевон шоир Аҳмад Ҳожибекнинг унга ўз вақтида кўрсатган "мураббий ва муқаввий"лигини эсга олган. Мазкур хабар ва ишора асарнинг Алишер Навоий фаолияти ёритилган яна бошқа икки лавҳасида хабар ичида хабар тарзида тамсил қилинган. Чунончи: "Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандға келган фурсатларда Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди. Султон Ҳусайн Мирзо подшоҳ бўлғондин сўнгра Ҳириға келди. Асру улуғ риоят топди" (45). Агар мазкур сиқа маълумотга диққат қилсак, унда бир қатор тарихий воқеалар баёни борлигини кўриш мумкин. Яъни, биринчидан, йигирма беш ёшлардаги шоир йигитнинг Хуросон давлатининг пойтахти Ҳиротдан Мовароуннаҳр давлатининг пойтахти Самарқандга келиши, маълум муддат яшаши, мадраса таҳсили, темурийлар Уйғониш даврининг машҳур фақиҳи Абуллайс Самарқандийдан унинг хонақоҳида икки йил давомида фиқҳ, ҳадис илмлари бўйича олган хусусий дарслари, бағрикенг устози томонидан унинг одоби, иқтидори, илмий, адабий иқтидори юксак қадрлаб "фарзанд" мақомида кўрилиши. Иккинчидан, фозил шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек билан унинг дўстона муносабатлари аслида пойтахт Ҳиротдан бошланиб, пойтахт Самарқандда давом қилгани. Учинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 йилда Хуросон давлатининг ҳукмдори сифатида дор ус-салтанат Ҳирот тахтига ўтирар экан, у қосид — расмий чопар орқали унга расмий мактуб жўнатиб, мусоҳиби Алишер Навоийни ўз ҳузурига, Ҳиротга чақириб олиши. Тўртинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон ҳукмдори сифатида тахтга ўтириш маросимида эса Алишер Навоийнинг Султонга қутлов сифатида машҳур "Ҳилолия" қасидасини ёзиб, тақдим қилиши ва унга муҳрдорлик кейинчалик эса улуғ амир (навоийшунос олим Қ.Эргашевнинг фикрларига кўра, тарихчилар соҳибихтиёр деб ҳам ёзишади — Б.Р.) лавозимларининг берилиши. Бешинчидан, Бобур маълумотда ҳукмдор дўстидан "Асру улуғ риоят топди", деб Алишер Навоийнинг ўттиз беш йиллик саройдаги қизғин фаолиятига, серқирра ижодига урғу бериши. Олтинчидан, унинг ҳам ўз навбатида Султон Ҳусайн Бойқарога, хонадонига, хусусан, темурийлар давлати бошқарувининг барқарорлашувига садоқат билан қилган фидокорона хизматлари, кўрсатган сиёсий иродасига ҳамда эришган обрўйи, темурийлар Уйғониш даврининг "Шамс ул-миллат"и ва "Макорим ул-ахлоқ"и деб топилишига, шоншарафга тўла мазмунли, ибратли ва шонли ҳаёт йўлига ишора қилиши. Еттинчидан эса у ўзининг "Тарихи мулуки Ажам" асарида "Агар бўлса умрумға муҳлатфизой", яъни агар умрим вафо қилса, Султон Ҳусайн Бойқаро тарихига бағишлаб

тарихий асар ёзаман, деб улуғ ният қилиши.

Бобурнинг улуғ шоир ҳақидаги ушбу қисқа маълумотларининг айрим тарихий изоҳ, тафсилотлари Алишер Навоийнинг "Хамса", "Мажолис ун-нафоис", "Насойим ул-муҳаббат", "Вақфия", "Тарихи мулуки Ажам", "Лисон ут-тайр" ҳамда ҳасби ҳол характеридаги дурдона асарлари, шеърларида ҳам санъаткорлик билан баён қилганини кўриш мумкин. Масалан, "Мажолис ун-нафоис"да темурийлар Уйғониш даврининг фозил шаҳарлари ҳисобланмиш Ҳирот, Самақанднинг фозил ҳокими ва ўзининг "мураббий, муқаввий"си Аҳмад Ҳожибек шундай ёзади: "Аҳмад Ҳожибек — Султон Малик Кошғарийнингким, замонининг бебадалларидин эрди, ўғлидур. "Вафоий" тахаллус қилур. Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур. Хуросонда тарбият топти. Ҳирот дор ус-салтанатида ўн йилға яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди. Ва бир қари бўла бордиким, истиқлол била аморат ва истиқрор била подшоҳға наёбат қиладурким ҳеч киши андин бир номулойим нимаким, мужиби эътироз бўла олғай, нақл қилмайдур. Бовужуди бу Бекнинг сипоҳийликда жалодат ва баҳодурлуғун ҳар кишиким танир, мусаллам тутар. Ва таъби бағоят хуб воқеъ бўлубтур ва назмға кўп илтифот қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Гирифти жони ман аз тан, ба зулфи пуршикан басти,

Кушода парда аз рухсори хушу чашма ман басти .

(Таржимаси: "Танимдан жонимни олиб кўп занжирли сочинг билан боғладинг, юзингдан пардани олиб, бу билан кўзимни боғладинг")

Биринчидан, Алишер Навоий ва Бобур ёзган тарихий маълумотларда ўзаро муштарақликни кўрамиз, иккинчидан, Бобурнинг "Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандға келган фурсатларда Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди", деб айтган изоҳининг моҳиятини тўлиқроқ англаймиз, учинчидан, улуғ шоирнинг фозил ҳокимнинг ҳасби ҳоли билан боғлиқ ишончли маълумотлари билан танишамиз, тўртинчидан, унинг ўз замонида ўта маданиятли шахс, муомала одоби юксак ва маънавиятли раҳбар бўлганини ифодаловчи "Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур", деб битган эътирофидан хабардор бўламиз, бешинчидан эса унинг лирикасидан намуна сифатида тазкирада келтирилган форс тилида битган бир гўзал ва ниҳоятда мазмунли матласи билан танишамиз. Хуллас, юқорида айтган фикрларимизни устод Мақсуд Шайхзоданинг "Навоийнинг Самарқандда кечирган кунлари" номли мақоласи билан мустаҳкамласак ва қуйидаги шарҳини тамсил қилиб келтирсак: "Умуман, буюк шоиримизнинг Самарқандда кечирган кунлари унинг дунёқарашининг кенгайишига, халқ ҳаёти ва маишатини яқиндан ўрганишга кўп ёрдам берди. Бу икки йиллик ҳаёт Алишер Навоийнинг буюк ижодида ҳам ўзининг чуқур изларини қолдирди. Ўзининг энг кучли ва реалистик асарларидан бири бўлмиш "Мажолис ун-нафоис"ни ёзаркан, Навоий Самарқандда текширган ва тўплаган материалларидан фойдаланди ва ўз "тазкира"сини юзлаб фактлар ҳамда номлар билан бойитди. "Фарҳод ва Ширин" достонининг охирида Улуғбек ҳақида Навоий зўр ихлос билан ёзган мадҳиясига, шу машҳур олимнинг ўлмас хизматига бағишлаб яратган таърифига, албатта, шоирнинг Самарқанддан олган таассуроти катта илҳом берган эди".

"Бобурнома"да Алишер Навоий номи тилга олинган учинчи хабар ҳам ўзига хос бўлиб, у темурийлар "Темурбекнинг юрти" бўлган Хуросоннинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан давлат аҳамиятига молик Астробод ва Балх шаҳарлари бошқаруви учун шоҳ ота ҳамда валиаҳд ўғил ўртасида кечган низоли вазиятни сулҳу саломатлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилган элчи образида намоён бўлади: "Ушбу йил Султон Ҳусайн Мирзо била Бадиуззамон Мирзо орасидаги нифоқлар урушга тортти. Тафсили будурким, ўтган йил Балхни ва Астрободни Бадиуззамон Мирзоға бериб юкундуриб эдилар, нечунким мазкур бўлди, ўшал муддаттин бу муддатқача ғалаба элчилар бордилар ва келдилар.

Охир Алишербек ҳам элчиликка келди. Ҳарчанд саъй қилдилар, Астрободни инисига бермакка ризо бўлмади. Дедиким, менинг ўғлум Муҳаммад Мўмин Мирзо хатно қилғонда Мирзо анга бағишлабтур" (56).

Мемуарда битилган Алишер Навоийнинг нурли сиймоси гавдаланган тўртинчи тарихий лавҳа ниҳоятда ибратли ва жуда таъсирли бўлиб, унда улуғ шоирнинг оддий, "кичкина" одамлардек ўксиб, ўки-

ниб, сиқилиб узоқ йиғлагани айтилган. XV аср ҳаёти, улуғ шоирнинг мулк иши ва кўнгул ишининг бир парчаси акс этган ушбу ибратли тасвирда икки улуғ сиймонинг тарихда жуда камдан-кам учраши мумкин бўлган ўзаро мулоқотлари битилган. Диалог усулига қурилган мулоқотда ростлик, холислик ифодалангани, сир сақлаш, аҳд ва шарт талқин қилингани билан ҳам ажралиб туради. Ушбу таъсирли лавҳада давлат раҳбари Султон Ҳусайн Бойқаро ва давлат арбоби улуғ амир Алишер Навоийнинг бир-бирини нафақат ижодда, давлат бошқаруви билан боғлиқ мулку миллат ишларида, балки қалбан, руҳан ҳам якдил, ҳаммаслак эканлиги чин маънода очиб берилган. Агар буюкларнинг ўзаро муносабатларидаги нозик, махфий нуқталарни рамзий маънода тушуниб баҳоласак, "муҳри ихфо" (маҳкамлаш муҳри) ҳолати акс этганини кўрамиз. Бу ибратли "муҳри ихфо" ҳолатини "салтанат дағдағаси", "мулкгирлик доияси"-ни бошидан кўп бора ўтказган, юракдан қайта-қайта ҳис қилган шоҳ ва шоир Бобур ҳам таъсирланиб ёзганига ўхшайди. Чунончи: "Бир кун Алишербек била Мирзонинг орасида бир суҳбат ўттиким, Мирзонинг тез фаҳмлилиға ва Алишербекнинг риққати қалбиға долдур. Алишербек сирий (борий) сўзларни Мирзоға гўшаки ғалаба (қилиб) айтти. Доғи дедиким: "Бу сўзларни унутинг!" Мирзо филфол айттиким: "Қайси сўзларни?" Алишербек бисёр мутаассир бўлуб кўп йиғлади" (56-57).

"Бобурнома"да битилган Алишер Навоий тўғрисидаги бешинчи маълумот ҳам ўзига хос бўлиб, унда иккинчи марта Самарқанд тахтига қайта ўтирган Бобурга довруғи оламга кетган улуғ амир, машҳур шоирдан мактуб келиши ва унинг фахр билан жавоб ёзиб йўллаши тўғрисидадир. Хабарда, биринчидан, ўзаро адабий алоқа ва адабий таъсир масаласи қисқа тарзда ифодаланган бўлса, иккинчидан эса бизга қайсидир маънода Алишер Навоийнинг темурийлар давлатининг истеъдодли кадрлар захираси учун ташаббус кўрсатиб истеъдодли ёшларни излаб топиши, уларга ҳомийлик қилиши, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши каби муҳим масалаларни ҳам эслатгандек бўлади. Шайхзода таъбири билан айтганда: "Шундан кўриладики, Навоий ўз умрининг сўнгги йилида ғойибона равишда Бобурни эшитиб, унга қизиқади ва мактуб билан алоқа боғлаш ташаббусини ўзи бошлайди. Ўн тўққиз яшар фарғоналик (Фарғона давлати назарда тутилмоқда — Б.Р.) ёш шоирнинг кўтарилаётган юлдузини узоқ Ҳиротдан кўра олган Навоий ҳамма гениал шоирларга ўхшаб бир ажойиб хусусиятга эга эди, у ҳам бўлса ҳақиқий талантни топа ва кўра билишдир" . Умуман, Навоийдай улуғ зотнингг "Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале ғазал тугатмайдур эрдим деб" илк ижод намуналарини ёза бошлаган ёш шоир, тарих ва сиёсий майдонга чиқаётган жасур темурийзода, шижотли тахт вориси Бобурни таниб, унга ўзининг катта умидини боғлаб ва қизиқишини билдириб мактуб йўллаши каби тасвир ҳар қандай ёш қаламкашда ёки ўқувчида ҳавас уйғотиши табиий. Бобурнинг Самарқанд тахтига иккинчи бор ўтириб топган ҳаяжони, илк ижод завқига йўғрилган бахтли даври, илҳомий онлари акс этган лавҳага мурожаат қилсак: "Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди.

Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди" (81). Бобурнинг Алишер Навоий номи билан боғлик мазкур маълумотидаги "Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим", деган хабари унинг ўзига хос бобурона услубидан далолат беради. Яъни "Бобурнома"да битилган яна учта лавҳада у кимгадир юборган туҳфа ёки жўнатмасининг орқасига адресат учун йўллаган саломи, қутлуғ дуоси, эзгу тилаги, нек ниятини, дўстона ёки дипломатик муносабатларини, бобурона гинасини ҳам бадиий тарзда ифодалаб, рубоий, қитъа ёки ғазалидан бир байт ёзиб юборгани ҳақида бебаҳо тасвирлар ҳам учрайди.

Хулоса шуки, аслида Бобур "Бобурнома"да битган Алишер Навоий ҳақидаги маълумотларнинг ҳар бирида, биринчидан, гениал шоир, улуғ амирнинг бетакрор олами, ҳаёт ва ижоддаги ўзига хос навоиёна услуби ўз аксини топган. Иккинчидан, темурийлар Уйғониш даврига хос тараққиёт, уйғониш, қизғин ҳаёт ҳамда бир қатор тарихий характердаги адабий, илмий, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳам тасвирланган. Учинчидан, эса Бобур, Алишер Навоий мактабининг улуғ давомчисидир.

Собиқ Иттифоқ даврида халқ қўлидаги қўлёзмаларни сотиб олишга эътибор сусайган эди. Давлат томонидан маблағ ажратилмади. Натижада қўлёзмалар етарли баҳоланмади. Бироқ 2017 йилдан бошлаб вазият ўзгарди. Президентимиз Ш. Мирзиёев шарқ қўлёзмаларига катта эътибор қаратди. Юртбошининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда аҳоли қўлида сақланаётган қўлёзма, тошбосма китоблар ва ҳужжатларни аниқлаш ва сотиб олиш ишлари йўлга қўйилди.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари доктори.

ВАҚТДАН ЎЗГАН КИТОБЛАР

ЎзР ФА ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИНГАН ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА АСАРЛАР, УЛАРНИНГ ИЛМИЙ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

ЎзР ФА Шарқшунослик институти томонидан жорий йилда 222 та қўлёзма, тошбосма ва турли ҳужжатлар сотиб олинди. Институтдаги махсус баҳолаш комиссияси аъзолари томонидан белгилаган пуллар шартнома асосида Инновацион ривожланиш вазирлигининг Новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан фуқароларнинг ҳисоб жамғармаларига ўтказиб берилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунларда ҳам ўтмишдан қолган қўлёзма ва тошбосма асарлар халқ қўлида сақланиб келмоқда. Уларни сотиб олиш, етарли баҳолаш ва Институт фондига жалб этиш олдинда турган муҳим вазифалардан биридир. Шу соҳада етарли ишлар олиб борилмоқда ва институт ходимлари шаҳар ва қишлоқларга бориб, халқ билан учрашиб, қўлёзмаларни сотиб ол-



моқдалар. Бу иш бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Жорий йилда институт томонидан сотиб олинган 222 та қўлёзма, тошбосма ва қўлёзма ҳужжатларнинг 82 таси қўлёзма, 84 таси тошбосма ва қолганлари турли мавзулардаги қадимий ҳужжатлардир. Қўлёзма ва тошбосма асарлар фаннинг ҳар хил соҳаларига бағишланган. Тасаввур ҳосил қилиш учун мавзуларни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Қуръони карим;
2. Фиқҳ (Ислом ҳуқуқшунослиги);
3. Ақоид:
4.Қуръон тафсирлари;
5. Фалсафа;
6. Мантиқ (логика);
7. Илоҳиёт;
8. Ислом тарихи;
9. Наҳв (араб тили грамматикаси);
10. Адабиёт;
11. Тасаввуф;
12. Табобат;
13 Дуолар китоби;
14. Турли мажмуълар;
15. Қадимий ҳужжатлар.


Маълумки, Ўрта Осиёда қитобларни тошбосма усулида босиш пайдо бўлгунча бутун Шарқ оламида китоблар қўлда кўчирилган. Бу соҳада етук хаттотлар етишиб чиққан ва китоб кўчириш санъат даражасига кўтарилган. Сотиб олинган қўлёзма китоблар хаттотликнинг насх ва настаълиқ хатларида кўчирилган бўлиб, хатларининг чиройли ёки хунук кўчирилиши, муқоваларидаги бадиъий безаклар, матннинг жадвалга олиниши, тилла суви ишлатилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Улар ўзларининг хат турлари, қаерда кўчирилгани, ким томонидан кўчирилгани ва мавзусининг диққатга сазоворлиги билан ўз қимматига эга. Мазкур қўлёзмаларнинг қадимийлари XVII – XVIII асрлага мансуб бўлиб, энг сўнггилари XIX асрга тааллуқлидир. Шуардан айрим мавзулардаги қўлёзмаларнинг аҳамиятини кўриб ўтамиз.

Фиқҳий (Ислом ҳуқуқшунослиги) асарлар. Сотиб олинган қўлёзмалар ичида энг кўпини фиқҳий асарлар ташкил этади. Чунки, ўтмишда давлат асосан фиқҳий асарлар асосида бошқарилган. Ҳозирда ҳам Ўзбекистон диний идорасида Муфтият бўлими бўлиб, одамлар орасидаги юз берган диний маслаларни шу асарлар асосида ҳал қиладилар. Фиқҳга оид ўнлаб асарлар ёзилган бўлиб, улардан энг машҳури Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асаридир. Бу асар асосида бошқа кўпгина фиқҳий асарлар вужудга келган. Фиқҳга оид асарларнинг қисқача рўйхати қуйидагилардан иборат:

1. Маслак-ул муттақин. Сўфи Аллоҳёр.
2. Маслакул муттақин. Сўфи Аллоҳёр.
3. Мухтасар ул-виқоя Убайдуллоҳ ибн Масъуд.
4. Масоил ал-фиқҳия.Мир Ҳабибуллоҳ ибн Қози Миржалол ал- Ҳусайний.
5. Мухтасар. Ҳошияда шархи.Убайдуллоҳ ибн Масъуд.
6. Шарҳи мухтасар ал-виқоя.Убайдуллоҳ ибн Масъуд.
7. Шарҳи мухтасар. Саййид Али ибн Саййид Муҳаммад ал-Бухорий.
8. Танқиҳ. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож уш-шариа.
9. Мухтасар ал-виқоя. Убайдуллоҳ ибн Масъуд.
10. Мухтасар ал-виқоя. Убайдуллоҳ ибн Масъуд.
11. Мухтасар ул-Виқоя. Убайдуллоҳ Ибн Масъуд.
12. Кифоят ул-мунтаҳий шарҳи “Бидоятил мубтадий”. Бурхониддин ал-Марғилоний.
13. Жомеъ ур–румуз. Шамсиддин Кўҳистоний.

14. Ҳидоя. Бурҳониддин Марғиноний.
15. Бидоят ал-мубтадий. Бурҳониддин Марғиноний.
16. Мухтасар ул-виқоя. Убайдуллоҳ ибн Масъуд.
17. Чор китоб. Шарафиддин ал-Бухорий.

Мазкур рўйхатга қарайдиган бўлсак, уларнинг ичида “Мухтасар ул-Виқоя” (“Виқоя” асарининг қисқартмаси”) асари бошқаларга нисбатан кўплигини кўрамиз, яъни саккизтани ташкил қилади. Бу асарларнинг нима учун сотиб олингани ва қимматини баён қиламиз. XIV асрда яшаган Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Маҳбубий “Ҳидоя” китобига шарҳ ёзиб, уни “Виоят ур-ривоя фий масоил ал-Ҳидоя” (“Ҳидоя”нинг масалаларини ҳимоя қилувчи китоб”)[1] деб атайди. Орадан бироз вақт ўтгач, унинг қўлида таълим олган набираси Убайдуллоҳ ибн Масъуд бобоси ёзган “Виқоя” асарни қисқартириб, “Ан-Нуқоя Мухтасар ал-Виқоя” (“Виқоя”нинг танлаб олинганлари”) китобини ёзади ва у “Мухтасар” номи билан кенг тарқалади. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ёзишича, “Виқоя” асари жудда катта ҳажмга эга бўлиб, уни эсда сақлаш қийин бўлган. Шунинг учун у мазкур асарни қисқартирган.[2] Натижада бу асар мадрасаларда асосий дарслик сифатида ўқитилган ва ёдлатилган. “Мухтасар”ни билмаган киши ҳақиқий мулла ҳисобланмаган.



“Мухтасар”нинг институт сотиб олган нусхалари ҳар бири ўз қимматига эга бўлиб, унинг нусхалари кўп экани асарнинг қимматини билдиради. Ҳар бир сотиб олинган нусха ўзининг хати, қайси асрда кўчирилгани, ким томонидан кўчирилгани, кўчирилган ери билан ислом фиқҳшунослиги тарихини ёритишда катта қимматга эга.

Сотиб олинган қўлёзмалар ичида Ислом фиқҳшунослигининг султони Бурҳонудди ал-Марғинонийнинг (вафоти 1197 й.) “Ҳидоя” асари ҳам мавжуд. Бу асар Бухорода бундан икки юз йил аввал кўчирилган. Муқоваси яхши сақланган. Ҳошияларида эса тушунтиришлар қайд этилган. Аввалги саҳифасида унвон мавжуд. Асар шу томонлари билан қимматли ҳисобланади.

Марғинонийнинг сотиб олинган яна бир асари “Бидоят ал-мубтадий” (“Ўрганишни бошловчиларга бошланғич китоб”) деб аталади.[3] Бурҳонуддин ал-Марғиноний энг аввал фиқҳга оид шу асарини ёзган эди. “Бидоят ал-мубтадий”нинг нусхалари жуда кам эди. Унинг янги нусхаси фондимизни бойтишга хизмат қилади. Бу камёб асарнинг сотиб олинган янги нусхаси асар устида илмий иш олиб борувчилар учун қўшимча манба вазифасини ўтайди.

Сотиб олинган қўлёзмалар ичида Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг яна бир асари, яъни “Кифоят ал-мунтаҳий” (“Илмда охирга етганлар учун кифоя қилувчи

китоб”) ҳам бор. Бу асар муаллиф аввал ёзган “Бидоят ал-мубтадий”нинг шарҳи ҳисобланади ва у жуда катта ҳажмга эга. Қўлёзма жуда яхши сақланган. Унинг нусхалари ҳам жуда кам эди. Сотиб олинган бу насха фондимизни янда бойитишга хизмат қилади. Муаллиф охирида бу икки асари асосида “Ҳидоя” асарини ёзган.

Сотиб олинган бошқа фиқҳий асарлар ҳам ўз қимматига эга.

Маълумки, ўтмишда ҳар бир мусулмон эга бўлишни истаган энг муқаддас китоблардан бири Қуръони каримдир. XIX асрнинг ўртларигача, минг йиллар давомида Қуръони карим фақат қўлда кўчирилган. Унинг икки юзга яқин нусхалари ЎзР ФА ШИ фондида сақланмоқда. Уларнинг энг қадимийси IX асрга мансуб. Биз Қуръони каримнинг насх хатида ёзилган яна бешта нусхасини сотиб олдик. Гарчи Қуръони каримнинг нусхалари кўп бўлса-да, бироқ бу нусхалар ҳам, биринчидан, хати ва кўчирилиш тарихи билан ўз қимматига эга бўлса, иккинчидан, уларни ўқишни билмайдиган одамларнинг қўлида қолиб, вақт ўтиши билан эскириб, қуртлар еб, хароб ҳолига келмаслигидир. Қуръони каримнинг бир қисми бўлган 3 та ҳафтияк ҳам сотиб олинди.

Маълумки, Ислом оламида Қуръонга тафсир (тушунтириш) ёзиш кенг ривожланган. Элликка яқин ёзилган тафсирлар фикримизга гувоҳдир. Чунки, Қуръони каримни тўлиғича тушуниш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Шунинг учун камолга етган машҳур олимлар Қуръонга тафсир ёзганлар. Биз тафсирга оид иккита қўлёзмани сотиб олишга муваффақ бўлдик. Улардан бири машҳур олим, ислом маданияти тарихида ўзидан ўчмас из қолдирган Тафтазонийдир. Унинг тўлиқ исми Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний (1332-1390)дир. Тафтазоний Самарқандда яшаб, илмий фаолият олиб борган. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Самарқанднинг сара уламолари” китобида бу зот ҳақида тўлиқ маълумот берган.[4] Тафтазонийнинг тафсир китобини сотиб олишга муваффақ бўлдик.

Тафтазоний ўнллаб асарлар муаллифидир. Унинг беш жилддан иборат “Шарҳ ал-мақосид” асари Шарқ оламида машҳур бўлиб, эътиқод масалаларига бағишланган.[5] Олимнинг машҳур асарларидан яна бири “ Шарҳу Ақоид ан-Насафийя” (“Насафий ақоидига шарҳ”) деб аталади. Ватандошимиз Абу Ҳафс Нажмуддин Умар ан-Насафий (1068-1142) қаламига мансуб бу асарга Тафтазоний шарҳ ёзган. Бу асарнинг бир нусхаси институтимиз томонидан сотиб олинди.

Иккинчи тафсир “Тафсири Чархий” деб аталади. Тўлиқ исми Яъқуд Чархий ибн Усмон ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий (тахм. 1363 йилда туғилиб, 1447 йилда вафот этган) Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси эди. У Душанбенинг Ҳалғату деган қишлоғида яшаган. Ўндан ортиқ асарлари ЎзР ФА ШИ фондида сақланмоқда.[6] “Тафсири Чархий” форс тилида ёзилган дастлабки тафсирлардан бири экани билан диққатга сазовордир. Унинг қўлёзма нусхалари кам эди, биз сотиб олган нусха бу камчиликни тўлдиришга хизмат қилади. Нусха ўзининг мукаммаллиги, хатининг чиройлилиги ва яхши сақлангани билан аҳамиятлидир.

Ўтмишда араб тилини ўрганиш илм-фанни ўрганишнинг калити ҳисобланар эди. Чунки, барча асарлар деярли араб тилида ёзилар ва мадрасадаги дарслар ҳам араб тилида олиб борилар эди. Ҳозирда ҳам Ислом академияси ва Ислом институтида араб тилини ўрганиш биринчи ўринда туради. Араб тилини ўрганиш учун эса араб тилини ўргатувчи дарсликлар керак бўларди. Ана шундай дарсликлардан бирини Алишер Навоийнинг пири Мавлоно Абдурраҳмон Жомий ёзган эди. Жомий ёзган бу асар ёзилган асридан то ўн тўққиз аср бошигача дарслик сифатида қўлланилди. Ҳатто, араблар ҳам Жомий томонидан ёзилган ва “Фавоид аз-Зиёиййа” ёки одатда “Шарҳи Мулла” номи билан кенг тарқалган дарсликдан ўз тилларини ўрганганлар. Жомий бу китобини ўз ўғли Зиёуддинга атаб “Фавоид аз-Зиёиййа”, яъни “Зиёуддинга фойдалар” деб атаган эди. Халқ орасида бу асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари кўплаб учрайди.

Мана шу нодир асарнинг иккита қўлёзма нусхаси институт томонидан сотиб

олинди. Улар, асосан, 18 ва 19 асрда китобат қилинган. Кўп фойдаланганлиги сабабли анча уриниб қолган. Бундан ташқари, Ибн Ҳожибнинг “Кофия” номли араб тилига оид асарига ёзилган “Вофия би ҳалли мушкилот ал-Кофия” (“Кофия” китобининг қийин жойларини тушунтирувчи “Вофия” китоби”) ҳам фондимизга келиб тушди.

Булардан ташқари, мантиқ, фалсафа, илоҳиётга оид 10 та ва Ислом тарихига оид 7 та сотиб оиланган қўлёзмалар ҳам фалсафа, мантиқ ва Ислом тарихини ўрганиш ва тадқиқ қилишда ўз аҳамиятга эга.

Маълумки, ўтмишда адабиёт кенг ривожланган ва бу борада насрий ва назмий асарлар вужудга келган. Форс шоирларидан Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий каби шоирлар Хамса ёзганлар ва ўзларидан ғазаллар девони қолдирганлар. XVI асрда эса ўзбек адабиётининг ривожланишига Алишер Навоий асос солган. Навоий асарларини халқимиз севиб ўқиган ва котиблар томонидан унинг асарлари қайта-қайта кўчирилган. Навоийнинг ўз қўлида сақланиб турган Хамса ва девонлари ҳозирда ЎзР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Биз бу йил Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган бир девонни сотиб олдик. Бу Девон Навоийнинг девонларидан танлаб олиб тузилган экан. Бу тўплам анча қадимий бўлиб, унга кўчириш йили ва кўчирувчисининг номи қўйилмаган. Шубҳасиз, бу тўплам ҳам Навоийга қизиқиш кучли бўлганини кўрсатиши билан бирга Навоийшунослар учун ҳам янги манба бўлиб хизмат қилади. Навоий қаламига мансуб бўлган иккинчи асар “Фарҳод ва Ширин” деб аталади. Бу Навоийнинг «Хамса»даги достон бўлиб, алоҳида ҳолди кўчирилиб ҳам ўқилган экан.

Саъдий Шерозий билан Ҳофиз Шерозийнинг номи нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам машҳур. Биз бу йил Ҳофиз Шерозийнинг “Девон”нини сотиб олишга муваффақ бўлдик. Девон чиройли настаълиқ хати билан кўчирилган. Сақланиши ҳам ёмон эмас. Ғазаллар махсус жадвалга олинган. Бундан ташқари, Ҳувайдойи Чимёний номи билан машҳур бўлган ва ўзбек тилида ғазаллар битган шоирнинг “Девон”нини ҳам қўлга киритдик. Адабий манбалар орасида Қўқон хони Худоёрхон буйруғи билан кўчирилган “Баҳр ал-маввож” (“Тўлқинли денгиз”) номли асар ҳам бор. Худоёрхон, кўпинча, салбий хон сифатида таърифланади, аммо, у ҳам адабиётга қизиққанига бу асар гувоҳ бўла олади. Адабиётга оид сотиб олинган бу асарлар ҳам маданиятимиз тарихини ҳамда китобат тарихини ўрганишда ўз қимматига эга.

Бундан ташқари, “Мажмуа” деб аталадиган қўлёзмалар ҳам сотиб олинганки, уларда ҳам фаннинг турли соҳаларига бағишланган асарлар мавжуд. Улар ҳам олимларимиз томонидан тавсиф қилиниб, диққат билан ўрганилса, маданиятимиз тарихига оид янгиликлар вужудга келиши мумкин.

Биз шу ергача фақат қўлёзмалар ҳақида фикр юритдик. Булардан ташқари тошбосма номи билан машҳур бўлган 84 та асарлар сотиб олинди. Улар ҳам қўлёзмалар каби фаннинг турли соҳаларига бағишланган. Улар, асосан, ўн тўққизинчи асрнинг ўрталаридан бошлаб нашр қилина бошлаган бўлса-да, маданиятимиз тарихини ўрганишда ўз қимматига эга. Халқ ичига тарқаб кетган бу асарларни ҳам сотиб олишимиз зарур, чунки улар энди қайта нашр этилмайди, демак йилдан-йилга нодир китоблар бўлиб бораверади. Улар билан қисқача бўлса ҳам танишиб ўтамиз.

XV асрда Ҳиротда яшаган ва Навоийнинг қадрдон дўсти ҳисобланган Воиз Кошифийнинг “Тафсири Ҳусайний” асари сотиб олинди. Бу асар аслида “Мавоҳиби Алиййа” деб аталади. Воиз Кошифий бу тафсирини Навоийга бағишлаган ва уни “Мавоҳиби Алиййа”, яъни “Алишерга туҳфа” деб атаган.Кошифий бундан аввал “Жавоҳир ат-тафсир” (“Тафсир жавоҳирлари”) номли тафсир ёзиб, уни ҳам Навоийга бағишлаган эди, бироқ унинг ҳажми ғоятда катта бўлгани учун Навоий уни қисқартириб беришни сўраган ва натижада “Тафсири Ҳусайний” юзага келган. Мазкур асарнинг тошбосма нусхасининг олиниши фондимизнинг

бойишига ҳисса бўлиб қўшилди.

Юқорида фиқҳга оид қўлёзмалар ҳақида гапирган эдик. Давлатни бошқаришнинг асоси ҳисобланган фиқҳий асарлар энди тошбосма орқали тарқала бошлаган. Шундай асарлардан бири Шайх Масъуд ибн Юсуф ас-Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” китобидир.Бу асар аввало араб тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик форс тилига, сўнг ўзбек тилига таржима қилинган. Олти жилддан иборат бу асар Самарқандда ёзилиши билан ҳам диққатга сазовордир. Сотиб олинган тошбосма фиқҳий асарлар ичида “Салоти Масъудий”нинг учта нусхаси мавжуд. Улардан иккитаси форс тилида ва биттаси эски ўзбек тилидадир. Улардан ўзбекчаси Тошкентда нашр қилинган. Сотиб олинган тошбосма асарлар қаторида биз юқорида кўриб ўтган машҳур “Мухтасар ал-Виқоя”нинг битта нусхаси ва унга ёзилган “Гўрмирий” номли форсча шарҳи ҳам бор.

Сотиб олинган тошбосмалар ичида тасаввуфга оидлари ҳам мавжуд. Масалан, биз юқорида тилга олган Воиз Кошифийнинг ўғли Али Сафий томонидан ёзилган самарқандлик машҳур шайх ва авлиё Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга бағишланган “Рашаҳоту айн ал-ҳаёт” (“Обиҳаёт томчилари”) китоби ҳам бор. Бундан ташқари, Ҳиндистонда яшаган ва асл номи Аҳмад ибн Абдул Аҳад ибн Зайн ал-Обидин ас-Сирҳиндий ал-Форуқий (1564-1624) бўлиб, Имом Раббоний номи билан машҳур бўлган ҳамда Нақшбандия тариқатининг Мужаддадия йўналишига асос солган олимнинг “Мактубот” (“Ёзишмалар”) асари ҳам хазинамизга қўшилди. Мовароуннҳар, Хуросон ва Ҳиндистонда яшаган авлиёларнинг таржимаи ҳоли ва фаолиятларини акс эттирувчи “Хазинат ал-асфиё” (“Сафо аҳли хазинаси”) китоби ҳам фондга жалб этилди. Бу асрлар тасаввуф тариқати тарихини ўрганишда муҳим манбалар ҳисобланади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида адабиётга қизиқиш кучли бўлган. Тошбосма усули орқали адабиётга оид турли асарлар кўплаб нашр қилинган. Бундай асарлар аста-секин фондимизга келиб тушмоқда. Буларга мисол қилиб, “муршиди Фарғона” (Фарғона пири) деб ном олган ва Қўқонда яшаган Ҳазиний Эшоннинг “Баёзи Ҳазиний” китобини кўрсатиш мумкин. Бу баёздан Ҳазиний ғазалларидан ташқари Фарғона водийсида яшаган ўнлаб шоирларнинг ғазаллари ўрин олган. Уларнинг ичида ҳали ҳаёти яхши ўрганилмаганлари ҳам бор. Демак, бу баёз ватанимиздаги адабий муҳитни ўрганишда ўз қимматига эга бўлади. Мазкур китоблардан яна юири Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” китобидир. Мажзуб Намангонийнинг “Девон”и ҳам шулар қаторига киради. Тошбосмалар ичида Алишер Навоийнинг ҳам терма “Девон”и бор. Машҳур Саъдий Шерозийнинг деярди дунёнинг барча тилларига таржима қилинган “Гулистон” китобига ёзилган шарҳ – “Шарҳи Гулистон” асари ҳам фондга олинди.

Файласуф шоир Мирзо Абдулқодир Бедилни (1644-1721) бутун дунё адабиёт аҳли билади. Унинг фалсафий мазмундаги “Чор унсур” номли адабий асари ҳамда ғазаллар “Девон”и кенг тарқалган. Марказий Осиёда махсус “Бедилхонлик” ўқишлари бўлган. Чунки, унинг ғазаллари шу қадар чуқур мазмунга эга бўлганки, уни ўқиб тагига етиш муаммо бўлган. Айтишларича, бир бедилхон киши уни тушида кўриб қолибди ва унга, икки қатор байтингиздан олтмиш тўққизта маъно топдим, депти. Бедил унга, эй бўтам, ҳали ҳам охирига етмабсан, деган экан. Бедилнинг ғазаллар девони Тошкентда тошбосма усулида нашр қилинган. Унинг битта нусхаси фондимизга келиб тушди. Булардан ташқари, бошқа бир неча адабий китоблар ҳам фондга жалб этилди. Бу китобларнинг барчаси адабиётчилар учун манба вазифасини бажаради.

Маълумки, Ислом шарқида табобатнинининг ривожланишига катта аҳамият берилган. Исломнинг илк давридаёқ Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадиси шариф баён қилиб, бизнинг замонда илм иккитадир, бири бадан (табобат) илми, иккинчиси дин илми, деганлар. Саҳобалар, нега дин илмини аввал тилга олмадингиз, деб сўраганларида, улар,бадан илми ривожланмаса, дин илми ривожланмайди, деганлар.

Шарқда Абу Бакр Розий, Ибн Сино, Беруний, Журжоний каби олимлардан ташқари яна минглаб табиблар фаолият кўрисатганлар ва уларнинг кўпчилиги ўзларидан асарлар ёзиб қолдирганлар. Насрий табобат билан бир қаторда назмий табобат ҳам кенг ривожланган. Шоир табиблар доривор моддалар ҳамда даволашнинг усулларини шеърда баён қилганлар. Бу эса табобатни ривожлантиришга ва табибларнинг тибга оид назмларни осонликча ёдлаб олиб, ўз фаолиятларида фойдаланишига қулайлик яратган. Шундай машҳур шоир табиблардан бири XIII асрда Ҳиндистоннинг Ногур шаҳарида яшаган Шаҳобуддин ибн Абдулкаримдир. ЎзР ФА ШИ фондида шоир табиб томонидан ёзилган “Шифо ал-мараз” (“Касалликлар шифоси”) номли асарининг бир неча қўлёзма нусхаси, кейинчалик “Тибби Шаҳобий” (“Шаҳоб табобати”) номи билан тошбосма усулида нашр қилинган битта нусхаси мавжуд эди. Биз “Тибби шаҳобий”нинг яна битта нусхасини сотиб олишга муваффақ бўлдик. Бу эса табобат тарихин ўрганишда қўл келиши аниқдир.

Бу ерда сотиб олинган 84 та тошбосма асарларнинг ҳаммаси ҳақида гапириш имкониятига эга эмасмиз. Маълмуот учун шунчалик баёни билан чегаралана-миз.

Тарихий ҳужжатлар ўтмишдаги ижтимиий-сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеаларнинг ойнаси ҳисобланади. Уларга подшоларнинг фармонлари, ёрлиқлари ва қозихона ҳужжатлари киради. Жорий йилда 60 дан ортиқ шундай ҳужжатлар сотиб олинди. Бу ҳужжатлар асосан қозихона ҳужжатлари бўлиб, кўп қисмини васиқалар ташкил этади. Ҳар бир васиқада васиқани тасдиқ этувчи қози муҳри, қозининг номи, албатта, кўрсатилган. Биз сотиб олган васиқаларнинг энг қадимийлари XVIII асрнинг иккинчи яримларига тўғри келади. Масалан, 13 – рақамли васиқа 1292/1876 йилда ёзилган. 5 –рақамли васиқа эса 1295/1879 йилда ёзилган бўлиб, унга Айсийбек мулла Сайиид Нор исмли қозининг номи ва муҳри урилган. 16-рақамли васиқа 1317/1899 йили, 17- рақамли васиқа эса 1303/1885 йили ёзилган. 8-рақамли васиқа эса 1316/ 1898 йили, яъни Дукчи Эшоннинг Андижон қўзғолони йили ёзилганини кўриш мумкин. Сотиб олинган ҳужжатлар ичида энг сўнггиси 1340/1922 йилга тўғри келади. Демак, Россияда Октябрь инқилоби бўлганда ҳам Туркистон ҳудудида қозилар ишлаб турганини кўриш мумкин.

Васиқаларнинг мазмуни турли хилдадир. Масалан, 1-васиқа ер олди-сотдиси, 48-васиқа талоқ, 2-васиқа никоҳ, 3-васиқа пул иқрори, 4-васиқа ишончнома, 5- васиқа мерос, 10- васиқа талабнома ва ҳоказолар ҳақида.

Мазкур сотиб олинган васиқалар институт олимлари томонидан диққат билан ўрганилиб, уларга махсус картотекалар тузилади ва қисқача мазмуни кўрсатилади. Олимлар эса улардан бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Ҳужжатлардан кўриниб турибдики, уларни ўрганиш ва тадқиқи қилиш қадимий Туркнстонидаги ижтимоий ҳаётни ўрганиш ва тарихини ёритишда катта қимматга эга.

Хулоса қилиб айтганда, халқ қўлида сақланиб келаётган қўлёзма, тошбосма ва ҳужжатларни аниқлаш ва фондга жалб этиш муҳим масалалардан бўлиб, бу, аввало, уларнинг йўқ бўлиб кетишидан сақласа, иккинчидан, ота-боболаримиздан қолган ёзма маданий меросни келажак авлодга етказишга хизмат қилади.

[1] Собрание восточных рукописей АН Уз., Т.: 1957. Том IV, № 3105 (Бундан кейин СВР)..

[2] Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъул-Мақсуд.Т: Шарқ, 3 б.

[3] Свр, т.IV, № 3081.

[4] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. Т: Ҳилол нашр, 2014.-Б. 11-50.

[5] Аминов Қ. Аллома Тафтазоний эътирофи. Интернет саҳифасида 20.04. 2017.

[6] Қаранг: М.Раззоқова. Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг Нақшбандия тариқати ривожида тутган ўрни. Т.: Мовароуннахр, 2014 й.



Соҳибқирон Амир Темур ўз авлодларига нафақат улкан салтанат балки, айни вақтда яхши анъаналарни ҳам мерос қолдирган эди. Амир Темур ва Темурийларнинг илм-фан ва маданиятга эътибори натижасида салтанатда бир қанча кутубхоналар самарали фаолият олиб борган.

Азизжон ШАРИПОВ,
ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

Хондамирнинг (ваф.1535) гувоҳлик беришича, Самарқандда Амир Темур кутубхонасининг вориси сифатида Мирзо Улуғбек кутубхонаси фаолият кўрсатган бўлса, Ҳиротда Бойсунғур мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий кутубхоналари бўлган[1]. Ҳиротда Шоҳрух Мирзо кутубхонаси қайта таъмирланиб, унга Султон Бадиуззамон китоблари вақф қилинган[2]. Шерозда Иброҳим Султон, Балхда Султон Бадиуззамон, Ахсикентда Умаршайх Мирзо, Кобул кейнчалик Аграда Бобур Мирзо ва унинг авлодлари ўз кутубхоналарига эга эди.

Темурийлар кутубхоналарнинг тузилиши ва ички шарт-шароитлари.

XIV асрдан бошлаб кутубхона бинолари юзага келиши тарихи давомида яхлит мажмуа (сарой, масжид-мадраса) қурилган ёки бошқа иншоотлар таркибида ташкил этилган ва бу анъана XIX асргача давом этган.

Темурийлар меъморчилиги устида изланишлар олиб борган тадқиқотчилар — академик П.А.Пугаченкова ва Л.Я.Елькович шундай хулосага келган эдилар: “Ноҳарбий меъморчилик обидалари орасида кутубхоналарнинг бинолари ҳам бўлиб, улар орасида Марв ва Урганч кутубхоналари айниқса машҳур эди. Мазкур кутубхоналар баланд шифтли мутолаа залларидан, китоблар тахлаб қўйиладиган жуда кўп токчалардан ташкил топганди”[3].

Кутубхона қироатхона (ўқув зал)ларига гиламлар тўшалган, кўрпача, ёстиқ ва суянчиқлар солинган, хонтахта, китоб лавҳлари қўйилган. Уларда эшик (дарча) ва деразалар пардаланган. Кўпинча бу каби залларда турли мажлислар, илмий


мусоҳабалар, мушоиралар, тарихий-илмий, адабий мунозаралар бўлиб турган. Китоб мажмуалари таълим муассасалари (мадрасалар), масжидлар, шифохоналар, мақбаралар, хонақолар, расадхона, ҳатто ҳокимларнинг саройлари қошидаги кутубхоналарида оддийгина токчаларга, сандиқ ва жавонларга, тахталардан ясалган стеллажларга жойлаштирилган, баъзан биргина ёки бир нечта хоналарни банд этган.

Кутубхоналарда китобхонлар бўйра, гилам, кўрпачаларда чордана қуриб ўтириб шуғулланилар эди. Китоб мутолааси, китобдан фойдаланиш маданияти ҳақида ёзилган кўплаб қўлланма-рисолаларда китобни асло гилам (бўйра) юзига қўйиш мумкин эмас, деб уқтирилган. Китоб ўқиш учун махсус лавҳдан фойдаланиш буюрилган. Китоб сатрлари устидан сиёҳ юритиш, китоб устида бошқа қоғозга хат ёзиш ман қилинарди.

Китоблар жовон ва токчаларда ётқизиб устма-уст тахлаб қўйилган. Бунда китобларнинг катта-кичиклиги уларнинг ҳажми (бўйи, эни, қалинлиги) ҳам ҳисобга олинган. Китобларда уларнинг муқовасига ёзилган номи ёки муаллифларнинг исм-шарифи бўйича жавондаги, сандиқ, шкафдаги ўрнини кўрсатувчи бирор белги — шифр бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Темурийлар кутубхоналарини қандай жойлаштирилганлиги ва жиҳозланганини мадраса қошидаги кутубхоналар, хусусан, Улуғбек мадрасаси мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, бу кутубхонада қўлёзмалар махсус хоналарда сандиқларда сақланиб, сандиқнинг ён қисмида унинг ичидаги барча китобларнинг каталогга ўхшаган рўйхат (феҳрист)лари мавжуд бўлган[4].

Олдинги катта хона қироатхона бўлган. Бу мадрасада Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам дарс берган. Жозибадор ва маҳобатли кошинлар, китобалар билан қопланган бошқа бинолардан фарқли ўлароқ, Улуғбек мадрасаси ҳужралари нисбатан содда ва ортиқча безаксиз қурилган. Бундан мақсад — китобхоннинг диққат-эътиборини фақат мутолаа қилишга жалб этиш эди. Кутубхонанинг ёғоч ёки ганж панжара билан безатилган дарчалари баландроқ жойлашган. Бу ҳол биринчидан ҳаво айланишини (вентиляцияни) таъминлаган бўлса, иккинчидан китобхонларнинг ташқаридаги ортиқча шовқинлардан ҳимоялаб илмий иш олиб боришига имкон туғдирган. Кутубхоналарда иқлим мўътадиллиги катта роль ўйнайди, шу боис бутун бино шунга мослаб қурилган, яъни хона ҳарорати ёзда салқин, қишда танча (сандал) қурилганлиги боис илиқ бўлган.



Бу ерда, X–XIII асрлардаги машҳур сарой кутубхоналарида бўлгани каби, қулёзма китоблар фан соҳалари бўйича таснифланган ва махсус жавонлар, сандиқларга жойлаштирилган, уларнинг библиографик ҳисоби юритилган, кутубхоналарнинг китобдорлари китобларни излаш ва жойжойига қўйиш кулай бўлсин учун фақат ўзларига маълум шифрлар тизимидан фойдаланганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Анъанага кўра китоблар мазмун моҳиятига қараб, адабиёт таснифига мос тартибда жойлаштирилар эди. Масалан Қуръон, тафсир ва диний адабиётлар бошқа қўлёзмалардан ажратилган ҳолда

алоҳида жойлаштирилган. Бу ҳол албатга амалий қўлланишда бир мунча кулайликлар яратарди.

Кутубхоналарда ўқувчилар махсус рўйхат қилинмаса ҳам, ҳар ҳолда, китобни маълум муддатга бериш одати мавжуд бўлган. Китобни қайтариб бериш эса китобнинг муқаддаслиги, у учун худо олдида жавобгарлик, виждон амри, бурч туйғулари асосида амал қилинган.

Кутубхонадаги лавозимлар. Ўша давр муаррихларининг ёзишича, Амир Темур ҳарбий юришлар пайтида ҳам ўзи билан мунший, девон котиби, битикчи, тарихчиларни бирга олиб юрар, турли вилоят ва давлатлар билан ёзишмалар олиб борганда уларнинг хизматидан фойдаланарди. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ва улар тугагач ҳам, турли ўлка ва вилоят ноибларига хатлар, нишонлар, фатҳномалар биттириб юборилар эди. Котиблар Амир Темур ёнида кўрган-эшитганларини ёзиб борар, кейинчалик бу ёзувларни шахсан Соҳибқиронни ўзи кўздан кечирарди. Бу кундаликлар дафтар деб юритилиб, Амир Темур ва Темурийлар расмий солномасининг асосини ташкил этган.

Соҳибқирон Рум (Туркия) қўшинлари устидан ғалаба қилгач: "...ҳукм бўлдиким, муншийлар фатҳномалар Эрону Туронга битиб юборсунлар... Муншийлар мисли мавлоно Шамсиддин Мунший ва ўзга муншийлар ўлтуруб фатҳномалар битиб, Эрону Туронга юбордилар. Ва яна бир фатҳнома Султонийаға — ҳарамларға юбордилар ва яна бир фатҳнома Самарқандқа юборди ва яна бир [фатҳнома] Кобул ва Зобул ва Синдға йибардилар. Ва яна бирини Форс вилоятиға амирзода Рустамға йибардилар. Туркистон ва Кошғар ва Хўтан ва Бадахшон ва Хуросон ва Хоразм ва Мозандарон ва Табаристон ва Гилон ва Озарбайжон ва Ироқи Араб ва Ироқи Ажам ва Кач, Мекрон ва Сейистон — барча вилоятларға фатҳномалар йибардилар"[5], — деб қайд этилган эди Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сида.

Кўриниб турибдики, Амир Темурнинг ҳар бир давлатчилик фаолияти мунший, котиб, битикчилар томонидан ёзиб борилган. Бу битиклар шубҳасиз сарой девонхоналари, кутубхоналаридан ўрин олган.

Ибн Арабшоҳ Амир Темур кутубхонасининг энг моҳир хаттотлари ва котиблардан Ибн Бандгир, Абдулқодир, Тожиддин Салмоний ва бошқаларнинг номларини ҳам зикр қилган.

XVI аср тарихчиси Дўст Муҳаммад ҳам хожа Абдулхай Наққош, Пир Аҳмад Боғи Шимолий каби Самарқандда яшаб ижод этган кўпгина мусаввирларни эслатиб ўтади. У Самарқанддаги сарой кутубхонаси бошида машҳур мусаввир Мавлоно Абдулҳай бўлганини эътироф этади. Унинг ёзишича, Амир Темур "ўзининг зафарли лашкари билан бирга хожа Абдулҳайни Самарқандга олиб келди. Устод шу жойда вафот этган. Хожанинг вафотидан сўнг барча рассомлар унинг ишларига тақлид қила бошладилар"[6].

Темурийлар кутубхонасида риёзиётчилар, хаттотлар, мунажжимлар, мусиқашунослар, санъаткорларлар, шифокорлар самарали ижод қилганлар. Хондамир ўша даврдаги лавозимлар, баъзи мансабдор шахслар ҳусусан – вазир, парвоначи[7], мунший[8], муставфий[9], муҳтасиб[10], қалонтор[11], мубашшир[12], ҳофиз[13], доруға[14], котиб[15] , китобдори хос[16], нависанда, истефо[17], мударрис[18], муҳрдор[19], мухтасиб[20], туғранавис[21] кабиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари ҳақида маълумот беради; айрим шахслар тўғрисида, уларнинг асарлари, яшаган йилларини ҳам эслатиб ўтади[22] .

Кутубхоналар ишини ҳукумдорлар томонидан тайнланган китобдори хос (махсус ишюритувчилар)бошқарган. Доруға, котиб, истефо каби мансаб эгаларига кутубхоналардаги китобларни сақлаш, улардан нусха кўчириш, янги-янги китобларни излаб топиш ва харид қилиш, кутубхонанинг молиявий ишлари, кутубхона иш тартибини йўлга қўйиш каби қатор вазифалар юклатилган.

Чунончи, Мавлоно Фасиҳиддин соҳибдор Султон Ҳусайн Бойқаро кутубхонасида, Хожи Муҳаммад Наққош (ваф. 1507) Ҳиротда Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий кутубхонасида, кейинчалик Балхда Султон Бадиуззамон кутубхонасида бошқарувчи лавозимида ишлаган. 1499 йилда Хондамир Навоийнинг шахсий

кутубхонасига етакчилик қилган. 1500 йилда Камолиддин Беҳзод (1456–1537) Султон Ҳусайн сарой кутубхонасини бошқарган эди[23].

Кутубхона турлари. Темурийлар даврида китобат маданияти ва китоб репертуарининг тадрижий ривожланиши натижасида бу ерда сулолавий (сарой), шахсий (хусусий) китоб омборларининг илгари маълум бўлган турлари ҳам, кутубхоналарнинг янги вужудга келган турлари ва шакллари ҳам ривожланди. Бу даврга келиб кутубхоналар мақсади ва вазифаларига қараб ажратила бошланди. Бир қатор махсус кутубхоналар: мадрасайи олия, ўрта ва қуйи мадрасаларнинг кутубхоналари, масжид кутубхоналари, оммавий фойдаланиш учун мўлжалланган кутубхоналар — шифохона, хонақоҳ, мақбаралар қошидаги кутубхоналар пайдо бўлди.

Сарой қошидаги кутубхоналарнинг жамғармаларидан фақатгина ҳукмдор сулоласи, сарой аъёнлари ва мансабдор шахслар, баъзан эса атоқли олимлар ва адабиётчилар фойдалана олардилар. Афтидан, бу чеклашда китобга муқаддас ва дахлсиз бир хилқат деб қараш анъанаси ўзини намоён этган. Бу одат асосида ибодатхоналар ва сарой кутубхоналарига кириш астойдил ва қатъий эҳтиётланган. Шундан хулоса қилсак, кутубхоналарга нисбатан “хазина” сўзи ишлатилиши ҳам бежиз эмас, дейиш мумкин.

Фойдаланувчилар доираси торлигига қарамасдан, сулолавий сарой кутубхоналари ўз моҳиятига кўра ўша давр учун бош давлат кутубхонаси вазифасини ўтаган. Чунки улар одатда бирон давлатнинг олий ҳокими томонидан тузилар, сақланар ва моддий жиҳатдан таъминланар эди. Сарой кутубхоналарининг нуфузи, савияси, улардаги китоб жамғармасининг таркиби, кутубхона таъсисчиларининг маърифат даражаси, маданий савияси билан боғлиқ эди. Шу билан бирга, кутубхоналарнинг савиясини жамиятнинг илмий, маънавий-ахлоқий эҳтиёжлари, маълум маданий муҳит талаблари ҳам белгилаган. Мазкур талаблар, ўз навбатида, у ёки бу даврнинг, маълум давлат, ундаги маданият, илм-фан маркази бўлган шаҳарлар муҳитида шаклланган.

Масжид, хонақоҳ, мадраса, шифохона ва мақбаралар қошидаги кутубхоналарга ҳокимлар, амалдорлар ва бошқа ихлосманд шахслар томонидан китоблар вақф қилинарди. Бу кутубхона китоблари — вақфи хайрия деб юритилган. Кўп сонли хайриялар натижасида бу китоб мажмуалари тўлиб борар, вақт ўтиши билан жамоатчилик фойдаланадиган зарур китобларни топиш осон, йирик ва бой кутубхоналарга айланарди. Бундай кутубхоналардан фойдаланишга ҳар бир мусулмоннинг ҳуқуқи бор эди. Қоида тариқасида, вақф кутубхоналари қисман кўчмас мулкдан олинган даромадлар ҳисобидан ёки вақф таъсисчисининг бошқа даромадлари ҳисобидан таъминланарди.

Масжид ва хонақоҳлар қошидаги кутубхоналар ўз китоб жамғармаларининг бойлиги ва ранг-баранглиги, китобхонларга хизмат кўрсатиш шаклларининг турли-туманлиги билан ажралиб турарди. Масжидлар илм толиблари томонидан ҳамиша ардоқланиб келинган. Мовароуннаҳрнинг иқлим хусусиятларини (дарсларни деярли бутун йил мобайнида очиқ ҳавода ўтказиш мумкин), масжиднинг меъморчиликка оид хусусиятларини (ҳужралари ҳовлига қаратиб қурилган, ҳовлиси тўртбурчак шаклда) эътиборга оладиган бўлсак, масжид ўша даврда ибодатдан сўнг турли йиғинлар, машваратлар ўтказиш учун фойдаланиладиган жамоат жойи бўлиб хизмат қилган. Чунончи, Мовароуннаҳрнинг қолаверса Темурийлар салтанатининг барча масжидларида бошланғич таълим мактаблари ташкил этилган бўлиб, улар ҳам маълум миқдорда китобларга эга эди. Муаллимлар ва кутубхонасидаги китоблар етарли бўлган йирик масжидлар нисбатан катта босқич таълим муассасаси вазифасини ўтаган.

Хонаҳоқлар ҳам маълум даражада ўз китоб заҳираларига эга эди. Хондамирнинг маълумотларига кўра хонақоҳлар нафақат дарвеш ва сўфийлар маскани балки илоҳиёт — тасаввуфга оид билимлар бергувчи даргоҳ вазифасини ўтаган[24]. Бу ерда тавсир, хожагон-нақшбандия тариқатига, тасавуфга оид рисолалар сақланган. Темурийлар даврида Хонақоҳи Халосия (Ихлосия), Хонақоҳи Жадидий, Хонақоҳи Шоҳруҳ, Хонақоҳи Султон Ҳусайн, Хонақоҳи Хожа Фазлул-

лоҳ Абуллайс, Хонақоҳи Амир Ферузшоҳ каби кўплаб хонақоҳлар фаолият кўрсатган эди. 904/1498-1499 йилда Алишер Навоий Хожа Абдуллоҳ Ансорий ҳонақоҳига мударрис этиб Шамсиддин Муҳаммадни тайинлаган эди[25] .

Самарқанд Регистонида ҳозирги Шердор мадрасаси ўрнида Улуғбек хонақоҳи бўлган ва табиийки унда ҳам кўплаб кутоблар сақланган.

Темурийлар даври илмий муҳитининг йирик вакили “Аҳлоқи Муҳсиний”, “Мавоҳиби Алийя” асарларининг муаллифи Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 1505) ҳам ўз навбатида Ҳиротнинг Чохарсук мавзесида жойлашган Дор ус-саодат ҳонақоҳида диний билимлардан маърузалар ўқигани маълум[26].

Мадраса қошидаги кутубхоналар. Кутубхоналар таълим олиш жойи ва катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлгани боис мадрасалар билан узвий боғлиқ равишда фаолият кўрсатган.

Темурийлар даврида мадрасалар араб ва форс тили, ислом ҳуқуқи ва одобахлоқи асослари, баъзи бир диний ва дунёвий фанлар ўқитиладиган олий ўқув юрти (мадрасайи олия) сифатида муҳим ижтимоий муассаса сифатида фаолият кўрсатарди. Мазкур мадрасалар ҳукмдор ва хусусий шахсларнинг хайрия мақсадларига йўналтирган маблағлари ва мол-мулклари ҳисобига таъсис этиларди. Мирзо Улуғбек мадрасаси (Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон), Гавҳаршод бегим мадрасаси (Машҳад, Ҳирот) шулар жумласидандир.

Мадраса ва масжид ва бошқа жамоат кутубхоналарининг эшиги барчага доимо очиқ эди. Айрим йирик масжид ва мадрасаларнинг кутубхоналари хизматидан фақат маориф ва илмий фаолият билан бевосита шуғулланувчи одамларгина фойдаланишлари мумкин эди.

Хондамир асарларида кўплаб мадрасалар ҳақидаги маълумотлар бор. Хусусан 30 дан ортиқ мадрасалар ҳақида эслатади, уларни қайси уста томонидан ва қачон қурилгани, таъмирлангани, мударрисларининг номи ва яшаган вақти, ҳаттоки, уларнинг қайси йўналишда (риёзиёт, хандаса, илм-нужум, илми аруз, тиб қонунлари, тарих, адабиёт) маърузалар олиб борганлиги ҳақида маълумотлар беради. Хусусан, Шифоия мадрасаси ҳақида тўхталиб, у ерда мавлоно Ғиёсуддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин тиб қонунларидан маърузалар ўқиганини маълум қилади.

Темурийлар даврида Бухоро ва Самарқанддаги аксарият мадрасаларда кутубхоналар ташкил этилган. Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувондаги Улуғбек мадрасалари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасаси пештоқи устида кутубхона жойлашган эди. Бу кутубхона иккинчи қаватда бўлиб, унга шарқ томондаги ичкари ҳовлидан, яъни ички пештоқнинг чап томонидан кирилган. Кутубхонанинг мадрасанинг олд қисмида жойлашувидаги қулайлик мутолаачиларнинг ичкаридаги дарс жараёнларига халақит бермаслигини таъминларди.

Мадрасаларга салтанатнинг турли ўлкаларидан келган олимлар ва талабалар, мадраса яқинидан уйлар сотиб олар ёки ижараларда туришарди. Муқим Ҳожи томонидан тузилган 111-2 рақамли ҳужжатга биноан, у ўз ерларининг маълум қисмини Улуғбек мадрасаси кутубхонасига берган[27].

Шуни таъкидлаш жоизки, Улуғбек мадрасаси фасади, тархи, асосан, ҳандасавий уйғунлик асосларида қилинган. Бу меъморий лойиҳаларни тузишда шубҳасиз Мирзо Улуғбекнинг ўзи бош-қош бўлган. Темурийлар даврида кутубхоналар алоҳида ижтимоий бинолар сифатида қурилган эди.

Шифохона қошидаги кутубхоналар. Темурийлар давридаги шифохоналар (Дор уш-шифо) ҳам ўзларининг бой кутубхоналарига эга эди. Турли мамлакатлардан келтирилган тиббиётга оид китоблар шифохона кутубхонаси учун кўплаб нусхаларда кўчирилган. Бу кутубхоналарда Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”дан ташқари бухоролик табиб Абу Мансур ал-Қумрийнинг “Китоб ат-танвир фил истилоҳат ат-тиббия” (“Тиббий атамаларга изоҳлар китоби”) каби нодир қўлёзмалар ҳам сақланган.

Дор уш-шифо ўша даврнинг ўзига хос тиббиёт академияси вазифасини ўтаган эди. Бу ерда табиблар беморларни даволаш баробарида мадрасаларда ва бошқа ўқув юртларида мударрислик ҳам қилишар эди. Уларнинг баъзилари ўзи-

дан аввал ўтган олимларнинг тиббиётга оид асарларига араб, форс ва туркий тилларда шарҳлар, зайллар ёзишган. “Ташрихи Мансури” номи билан машҳур, Соҳибқироннинг набираси Пирмуҳаммад Баҳодирга бағишланган “Рисола дар ташрихи бадани инсон” (“Одам анатомиясига оид рисола”), “Кифояйи Мансури” ёки “Кифояйи Мажоҳидийа” (“Мажоҳид учун мукаммал китоб”) шулар жумласидандир.

Шамсиддин Муҳаммад ибн Одам ва Низомиддин Шерозий Шоҳрух мирзо саройида, Муҳаммад Муин, Қутбиддин Муҳаммад Одам сингари олим табиблар Султон Ҳусайн мирзо сарой шифохонасида хизмат қилганлар. Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Жалолиддин табиб (ваф. 1500) “Муолажоти Ийлоқий” (Абу Абдуллоҳ ал-Ийлоқийнинг (ваф. 1067) “Мухтасари Ийлоқий” асарига шарҳ) асари Ҳусайн Бойқаронинг сарой шифохонасида ёзилганди.

“Фавойид ул-ахёр” (“Хайрли кишиларга фойдалар”), “Мажмуаи дар тиб ва ғайри он” (“Тиббиёт ва бошқа асарлар мажмуаси”) каби қатор асарлар муаллифи Мавлоно Юсуфий (тўлиқ исми – Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Херави, ваф. 950/1543-1544)28 ҳам Бобур мирзо, кейинчалик Ҳумоюн мирзо саройида табиблик қилган эди. Унинг Бобурга бағишланган “Жомиъ ул-фавойид” (“Фойдали даволар мажмуаси” – 917/1511 йилда ёзилган), “Қасида дар ҳифзи сиҳҳати бадан” (“Бадан саломатлигини сақлаш ҳақида қасида”) ва “Тибби Юсуфий” (936/1529-1530 йилда ёзилган) асарлари ўз навбатида бобурийлар сарой шифохонаси кутубхонасидан жой олган эди.

Темурийлар салтанатида дор ул-аморат (ҳукмдор, ҳоким саройи), дор ул-адолат (қозихона), солиқхона, божхона каби қатор давлат мусассасалари мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз архив-кутубхоналарига эга эди. Архив-кутубхоналар ўзида салтанат ҳавфсизлиги билан боғлиқ махфий ҳужжатлар сақланган боис, ундан фойдаланиш фақатгина махсус ваколатларга эга бўлган ҳодимларгагина рухсат этиларди. Бу муассасалар ўз навбатида мамлакатнинг Марказий девонхона (девонбеги)сига бўйсунган.

Дор ул-адолатни адлия ишлари бўйича мутасадди — қозийул қуззот (давлатнинг Бош қозиси — аҳдос қозиси) бошқарган. У фуқаро ишлари билан машғул бўлган. Унинг муассаса архивида ҳуқуқшунослик, фиқҳ ва шариатга ва шу соҳага доир ҳужжатлар, бундан ташқари, махсус котиб томонидан тузилган салтанат маҳкамаларининг кирим-чиқимлари ва кундалик харажатларини қайд этувчи ҳужжатлар, шариат-ҳуқуқга оид китоб ва рисолалар сақланган.

Амирул-умаро(ҳарбий маҳкамаси)да жанг қилиш санъати (ҳарб иши) — шиддатли муҳорабалар тузиш, савқ ул-жайш (стратегия)лар ишлаб чиқиш ҳамда жанг қилиш услублари — таъбият ул-жайш (тактикалари)га оид маҳфий ҳужжатлар, ҳарбийларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилаб бериш, унвонларини кўтариш, ойлик маошини белгилашга доир ҳужжатлар ҳам сақланган. Бобурнинг “Ҳарб иши” номли рисоласи ҳақида маълумотлар бор, аммо асарнинг ўзи ҳозиргача топилмаган.

Арзбегининг архив-кутубхонасида фуқаро ва сипоҳлардан тушадиган арз (арздошт) ва шикоятлар ҳамда мамлакатдаги ижтимоий аҳвол тўғрисида маълумот сақланган.

Садри аъзам архив-кутубхонасида салтанат вақф мулкларини — масжид, мадраса, мақбара ва хонақоҳлар тасарруфидаги вақф хўжаликларининг назорат қилиш дафтарлари, ер ва мулкларни қайд этиш, вақфнома (нотариус) ҳужжатлари, шу соҳага оид китоб ва рисолалар сақланган.

Шайх ул-ислом архив-кутубхонасида мамлакат аҳолисининг турли ижтимоий табақалари ўртасида шариат аҳкомлари ва ислом ақоидларини ўз вақтида ва тўғри бажарилишини назорат қилиш каби ҳужжатлар, шу соҳага оид адабиёт ва қўлланмалар сақланган.

Шахсий кутубхоналар. Темурийлар даврида шахсий кутубхоналар кўп бўлган. Жумладан, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Хожа Муҳаммад Порсо, шайх ул-ислом Исомиддин бин Абдулмалик[29] , Абу Сайд Убеҳий30 , Алишер Навоийларнинг қимматбаҳо қўлёзмаларга бой ўз шахсий кутубхоналари мавжуд эди[31]. Ҳиротда Абдураҳмон Жомийнинг шахсий кутубхонаси машҳур бўлган[32].

Хожа Муҳаммад Порсонинг Бухорода қўлёзмаларга бой шахсий кутубхонаси мавжуд эди. Кутубхона дастлаб Порсо хонадонининг XII–XIV асрлар, яъни қарийб уч юз йил давомида тўпланган оилавий мерос қўлёзма китоблар мажмуи саналарди. Чунки бу хазина Муҳаммад Порсонинг аждодлари томонидан тўпланган эди[33].

Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда кенг жамоатчилик фойдалана оладиган кутубхоналарнинг энг йириги бўлмиш Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси эшиклари омма учун доимо очиқ эди. Кутубхона фонди бир неча асрлар мобайнида турли мазмундаги ноёб ва қадимий қўлёзмалар билан тўлиб борди. Кўплари шайх Хожа Муҳаммад Порсонинг сафар ва саёҳатлари вақтида турли ўлкалардан келтирилган эди.

Хожа Муҳаммад Порсо умрининг охиригача ўз кутубхонасини энг нуфузли қўлёзмалар хазинасига айлантириб, барча китобларини вақф қилиб қолдирган[34] ва шу боис, унинг ўзи ёзган ҳамда кутубхонасига тегишли асарларнинг кўпгина қисми бизгача етиб келган; бу қўлёзмаларнинг бир қисми ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади.

Темурийлар ва ундан кейинги даврларда ҳам шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси китоб ихлосмандлари, илм-маърифат ходимларининг хайр-эҳсонлари ҳисобига ҳамда вақф қилинган китоблар билан тўлиб борди[35]. Бундай китобларнинг ҳошияларига “Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси вақфига” деган ёзув битилган ромб шаклидаги муҳр босиларди. Баъзи китобларнинг биринчи ва охирги саҳифаларида шайх Хожа Муҳаммад Порсонинг ўз қўли билан ёзилган дастхатларини ҳам учратишимиз мумкин.

Умуман олганда, шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси XIX асрнинг 40-йилларигача, яъни ташкил топганидан бошлаб етти юз йилдан кўпроқ фаолият кўрсатди. Кейин эса аста-секин тарқалиб, сочилиб кета бошлади.

Хожа Муҳаммад Порсонинг вақф кутубхонасидаги барча китоблар XIX асрнинг охирларига қадар ўлка китоб бозорларида сотиб тугатилган деб ҳисобланарди. Аммо, 1955 йил ўзбек даврий матбуотида пайдо бўлган хабарларга кўра, “1930–40-йилларда ҳам Бухоро ёйма бозорида шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасига тегишли ромб шаклдаги муҳр босилган қўлёзмаларнинг айрим нусхалари учраб турарди”[36].

Тақдирнинг турли ўйинларидан қатьи назар, мазкур ноёб хазинанинг бир қисми сақланиб қолди ва кўплаб шарқшунослик илмий муассасаларининг қўлёзма жамғармалари таркибига киритилди.

XV аср иккинчи ярмида Ҳиротдаги маданий тараққиёт марказида улуғ шоир Алишер Навоий фаолияти етакчи ўрин тутган. У ҳам ўз навбатида қимматбаҳо қўлёзмаларга бой йирик кутубхона ташкил қилган эди[37]. Унинг кутубхонасида маълум вақт машҳур мусаввир Хўжа Муҳаммад ишлаган. У кашф этган соат кутубхонанинг мутолаа залида ўрнатилганди[38]. Кутубхонадан кенг китобхонлар оммаси фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Машҳур олим Мирхонд (ваф. 1498), унинг набираси Хондамир, бошқа кўпгина тарихчи ва адабиётчилар ўз тарихий асарларини яратишда мазкур кутубхонада жамланган тарихий манбалар ва ўтмиш муаррихларининг асарларидан фойдаланганлар.

Алишер Навоий Абдураҳмон Жомий билан яқин ижодий алоқада бўлган, унинг аксарият асарларини биринчи ўқувчиси, айримлари ташаббускори ва ижоди мухлиси бўлган. “Бобурнома”да қуйидаги сатрларни ўқиймиз: “Алишербек назири йўқ киши эди....иншоларини Мавлоно Абдураҳмон Жомийға тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосила калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштирибтур”[39] . Дарҳақиқат Навоий Жомий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқаларнинг йўллаган аксар мактуб ва номаларини тўплаб, ўзининг “Мажмуайи муросилот”[40] (“Мактублар тўплами”)га киритган эди.

Алишер Навоий шахсий кутубхонаси ўша давр маданий ҳаётида сезиларли рол ўйнаган. Унинг кутубхонасида Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар[41] ва бошқа наққошлик санъатининг моҳир усталари ҳам самарали ижод қилганлар.

“Хулосат ул-ахбар”да келтирилишича Навоий кутубхонасида Мавлоно Султон Али Машҳадий[42], Хожи Ҳофиз Муҳаммад, Султон Али Қойиний, Мавлоно Зайнуддин Маҳмуд, Султон Али Сабз Машҳадий, Алоуддин Муҳаммад, Хожа Мирак Наққош, Али Ҳижроний, Устод Қосим Али Чеҳракушой каби ўндан зиёд санъаткорлар ижод этган[43].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Амир Темур ва темурийлар даврида мавжуд кутубхоналар серқирра фаолият олиб борган ва кейинчалик, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудида Темурийлар даврида китобат, хаттотлик, саҳҳофчилик, рассомлик ва бошқа соҳаларда юксак ривожланиш учун асос бўлган.

[1] Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира. – Т.: Фан, 2006. – С.157.

[2] Ўша жойда.

[3] Пугаченкова Г. Елькович Л.Я. Очерки по истории искусства Туркменистана. – Ашхабад, 1965. - С.49.

[4] Умаров А.XIII–XIV асрларда кутубхоналар меъморчилигининг шаклланиши // “Мозийдан садо”журнали, 2 (26)-сон, 2005. — Б. 13.

[5] Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома // Муҳаммад Али бин Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. – Т.: “Шарқ”.1997. — Б. 262.

[6] Дуст Мухаммад. Трактат о каллиграфах и художниках. Перевод Г.И.Костыговой // В кн.: Мастера искусства об искусстве. т. I. – М., 1965.

[7] Парвоначи – марказий ҳукумат ва унинг девонлари бош котиби ва бош муҳрдори.

[8] Мунший — подшо ва хонларнинг шахсий котиби, воқеанавис.

[9] Муставфий — молия девонининг бошлиғи.

[10] Муҳтасиб — диний урф-одатлар ва шариат қоидаларининг бажарилишини назорат қилувчи мансабдор.

[11] Қалонтор — луғавий маъноси “энг катта”, “энг улуғ” ва ёки, “бошлиқ”. Хондамирнинг “Номайи нома”сида келтирилишича, бирор давлат муассасасининг бошлиғи ҳам шу ном билан аталган. Қаранг: Юсупова Д.Ю. Хондамир ижоди ҳақида // Шарқшунослик. – Т.: “Фан”. 1990.

[12] Мубашшир — ҳукмдорнинг бошқа вилоятларга юбориб турадиган мухтор вакили.

[13] Ҳофиз — ўрта асрларда Қуръонни чиройли тиловат қилувчи киши.

[14] Доруға — кутубхона мудири.

[15] Котиб.

[16] Китобдори хос — Хон ва амирлар кутубхоначиси.

[17] Истефо — Молийвий ишларни ҳал қилувчи ғазначи.

[18] Мударрис — Мадрасалардаги ўқитувчи.

[19] Муҳрдор — Муҳрга эгалик қилувчи шахс.

[20] Мухтасиб — Масжид, мадраса ва кутубхоналар қоида ва тартибларини назорат этувчи шахс.

[21] Туғранавис — Подшоҳ фармонларини махсус хат (расмий) услубида ёзувчи хаттот.

[22] Қаранг: Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира. — Б. 156.

[23] Хондамир. Номаий номий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма № 801. 188б-190а варақлар.

[24] Хондамир. Хулосат ул-ахбор. ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма № 2209. 472 б варақ.

[25] Ўша ерда. 476б, 477а варақлар.

[26] Қаранг: Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира. — Б. 185;. Хондамир. Маосир ал-мулук (Форс тилида). — Теҳрон. 1372 (1994). — С.174.

[27] Умаров А. XIII–XIV асрларда кутубхоналар меъморчилигининг шаклланиши. — Б. 13.

[28] Бу ҳақда қаранг: Бобурнинг хос табиби. Юсуфий табобати. — Т.: “Фан”, 1992.

[29] Бартольд В.В. Улугбек и его время // Соч. Т. 2. Ч.2. – М., 1964. — С. 122.
[30] Ўша асар. — Б.126-127.
[31] Қаранг: Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои // Сборник статей. — М., - Л., изд-во АН СССР. 1946. — С 28-29.
[32] Ўша жойда.
[33] Қаранг: Семёнов А.А. Государственная публичная библиотека и фонды восточных рукописей Узбекистана // Литературный Ташкент. Альманах. № 1. — Ташкент. 1945. — С.115.
[34] Бартольд В.В. Улугбек и его время. — С. 122.
[35] Бўриев О. Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан. — Тошкент. 2009. Яна қаранг: Али Сафий. Рашаҳотайн ал-ҳаёт, 40а варақ.
[36] Стаханов С. Ценнейшие исторические документы // Правда Востока, 1955, № 184.
[37] Қаранг: Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои. – С 28-29.
[38] Охунжонов Э.Ватан кутубхоначилиги тарихи. 1–қисм. — Т.: “BOSPOLIGRAF”, 2004. – Б.79.
[39] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. // Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. — Т.: “Юлдузча”, 1989. –Б.154.
[40] Навойнинг шахсий кутубхонасидан бизгача етиб келган “Навоий альбоми” номи билан машҳур мазкур тўплам ҳозирги кунда ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фондида (инв. № 2178) сақланмоқда. Яна қаранг: Письма-автографы Абдаррахмана Джами из “Альбома Навои” // Введ., пер., примеч. и указатели А.Урунбаева. — Т.: “Фан”, 1982. — С.104.
[41] Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б.164.
[42] Мадраимов А.Султон Али Машҳадий // Шарқшунослик, 1991. № 2. – Б. 68.
[43] Хондамир. “Хулосатул-ахбор”дан. Б.Аҳмедов тарж. / Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи Б.Аҳмедов. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1985.– Б.76-78.

Гулбаданбегимнинг умр дафтари



Шаҳноза АҲМЕДОВА,
Наманган давлат университети немис ва француз тиллари кафедраси тадқиқотчиси.

Гулбаданбегим ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан эди. У жияни Жалолиддин Акбар подшоҳнинг “Фирдавс макон ва жаннат ошиён Хазрат ҳақида воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз”, - деган ишорасига мувофиқ, “Ҳумоюннома” номли ажойиб ва муҳим тарихий асарни ёзишга киришади. “Ҳумоюннома” Бобур подшоҳ билан Ҳумоюн подшоҳнинг ҳаёт тарзи ва саргузаштларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан “Бобурнома”нинг давоми ҳисобланади. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, “Бобурнома” асаридаги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукаммал очиб берилади.

Гулбаданбегим ўз асарида сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учрамайдиган Бобур подшоҳ хонадонининг нозик хусусиятлари, оилавий шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзғор асбоблари, кийим-кечак турлари каби жиҳозлар ҳақида муфассал ҳикоя қилади. Аммо, афсуски асарнинг охирги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқолиб кетган.

Гулбаданбегимнинг бу нодир асари 1555 йил воқеалари баёнида узилиб қолган. “Ҳумоюннома”ни қолган қисми ҳанузгача топилган эмас. Сабоҳат

Азимжанованинг шаҳодат беришича, Ҳиндистон, Покистон, Англия, Франция ва бошқа малакатлардаги қўлёзма хазиналарига қилинган мурожаатлар, Шарқ ва Ғарбнинг йирик шарқшунос мутахассислари ва давлат арбоблари билан олиб борилган ёзишмалар ҳалигача натижа берган эмас. "Ҳумоюннома" Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти ҳамда у яшаган давр муаммоларини қиёсий ўрганиш учун катта илмий аҳамият касб қилишига қарамай, тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган. Бу асар биринчи марта Ҳиндистонда, ҳинд олими "Бобурнома" таржимони Рашид Ахтар Надви томонидан 1870 йили форс тилидаги аслидан урду тилига таржима қилинган.

1902 йилга келиб Лондонда А.С.Бевериж хоним томонидан форс тилида ёзилган нусхаси ва асарнинг инглиз тилига қилинган таржимаси ҳамда 40 саҳифалик сўз боши билан биргаликда нашр қилинади.

Британия музейида сақланаётган қўлёзма эса, 83 варақдан иборат бўлиб, қолган қисми йўқолган.

Инглиз олими Чарльз Рью бу нусхани Британия музейида сақланиб қолган жаҳондаги ягона нусха деб ҳисоблайди.

Гулбаданбегим ҳақида Урсула Симс-Вильямс ўзининг Британияда сақланаётган "Мўғул маликаси Гулбадан таржимаи ҳоли ("Подшоҳ Ҳумоюн ҳаёти ("Ҳумоюннома")) китобида алоҳида сўз юритади.

Британия кутубхонасида кўплаб тарихий ноёб манбалар бор. Уларнинг айримлари мўғуллар ҳаётини ўрганиш учун асосий ўрин тутсада, лекин улар омма эътиборига ҳавола этилмаган.

"Ҳумоюннома" ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1894 йил "Шарқ биографлари луғати" га киритилган бўлиб, тўрт сатрдан иборат. Кейинчалик 1896 йили Самубек томонидан Константинополда нашр қилинган "Қомус ал-аълам"да нисбатан тўлиқроқ маълумот берилган.

1850 йилга келиб инглиз адибаси Маргарет Румер Годен ҳам А.С. Бевериж хоним йўлидан бориб, Гулбадан бегимнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қизиқарли илмий-адабий услубда "Гулбадан" асарини яратди. У ўз асарида тарихий воқеаларни ўзига хос талқин ва маҳорат билан акс эттирган. 2007 йил "Шарқ"нашриёти мазкур асарни Холида Сўфиева таржимасида чоп қилди.

"Ҳумоюннома" 1996 йили Францияда профессорлар Жан Поль Ру ва машҳур шарқшунос, бобуршунос Жан Луи Бакю Грамон томонидан таржима қилиниб, нашр қилинди.


Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри Пьер Пифаретти томонидан амалга оширилган бўлиб, бу таржима орқали янада тўлиқроқ маълумотга эга бўламиз. Гулбаданбегим гарчанд кўплаб антропоним, топоним ва техник атамаларни ишлатгани боис, бу сўзлар унинг табиий ҳаётини ҳаққоний тарзда акс эттиришга ҳисса қўшган.

"Таржима жарёнида бизни қийнаган нарса бу туркча матнлар бўлди. Булар инглизча тасвирланган географик жой номларига аралашиб кетган. Араб мутахассислари билан ҳам мулоқот қилишга тўғри келди. Шу боис матнларни бобларга, сўнг сатрларга ва сарлавҳаларга бўлиб ўрганганимизда асар ғоят чуқур ёзилганига ишонч ҳосил қилдик", дейди таржимон. Айни шу француз тилига ағдарилган таржима Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтининг собиқ раҳбари Сабоҳат Азимжанова ҳамда француз олими Жан Луи Бакю Грамонларнинг махсус илмий муқаддималари билан бошланади. Ўйлаймизки, ушбу таржима бобурийлар сулоласининг беназир вакиласи Гулбаданбегим ҳақидаги тасаввурларимизни янада ёритишга хизмат қилади.

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ВА УНИНГ ЎҒИЛЛАРИ — ИЛМ ЙЎЛИДА

Абдувоҳид ЎРОЗОВ,
Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.

Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий (1069/1070-1142)нинг "Матлаъ ан-нужум ва мажмаъал-улум (Юлдузларнинг чиқиш ва илмларнинг тўпланиш жойи)" асарининг жаҳонда ягона бўлган қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида №1462-инвентар рақами остида сақланмоқда. Мазкур асарда Қорахонийлар даври таълим тизими доирасида ўқитилган 56 та мавзуни қамраб олган матнлар жамланган. Унда ислом илмлари, жумладан, Қуръон, калом, ҳадис, тасаввуф, назарий ва амалий фиқҳ усуллари, шунингдек, этика, тарих, филология, адабиёт, математика ва астрономия, тиббиёт, тарих ва бошқа табиий фанларнинг бир қанча соҳалари ҳақида хабар берилган [8:11-12].



Асарда келтирилган 50 га яқин китоблар номининг ҳар бири қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилган. Муаллиф бошқа ҳанафий алломалар каби фиқҳий масалаларни асосан шофиъий мазҳабидаги қоидаларга, баъзан моликий ва аҳли ҳадисларнинг қарашлари билан ҳам таққослаган. Асарнинг айрим ўринларида, ушбу мавзуда кейинроқ ёзилган "ал-Ҳидоя", "Туҳфатул фуқаҳо" каби бошқа асарлардан ажратиб турадиган фарқларга дуч келинади:

Биринчидан, асарда келтирилган қоидалар ислом динининг асосий манбалари — Қуръон, суннат, ижмоъ билан деярли шарҳланмаган. Иккинчидан, ундаги мавзуларнинг камлиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Лекин муаллиф баъзи мавзуларни умумлаштирган. Масалан, таҳорат ҳақидаги мавзунинг намоз китобига қўшиб юборилгани сабабли қўлёзма намоз китоби билан бошланган. Аммо китобда таҳоратдаги фарз ва суннат амаллари, унинг фазилатлари, мустаҳаб ва одобларигача ҳатто ман қилинган амаллар ҳам бирма-бир баён этилган. Фуруъ соҳасига доир мавзуларнинг ҳажм жиҳатдан энг каттаси муомалот масалалари ҳақидагиси бўлиб, у 100 варақдан, ибодатга доирлари эса 40 бетдан иборатдир. Мазкур мавзулар ичида никоҳ, савдо-сотиқ, ижарага бериш ва мулк масалаларига кенгроқ ўрин берилган. Бу эса, ўша пайтда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг қандай ечилганини аниқлашга ёрдам беради[9:190].


Қўлёзма қалин, яхши ишланган новвот рангдаги Самарқанд (ўша пайтдаги) қоғозидан тайёрланган. Яъни, тўплам 1364 йил Самарқандда кўчирилган ва қоғоз ҳам ўша даврга тегишли. Қўлёзманинг бошида иккита бўш варақ (форзац 01а-02б) мавжуд. 02б-варақда тўпламнинг номи насх ёзувида битилган. Ушбу нодир қўлёмага собиқ иттифоқ даврида "диний асар" сифатида қаралгани боис анча йиллар тадқиқ этилмай (ҳатто очиб ҳам кўрилмай), қаровсиз ҳолда қолган. Ҳатто у асар икки жилдли "Собрание восточных рукописей (Шарқ қўлёзмалари каталоги)"га ҳам киритилмаган [13]. 1976 йили П. Г. Булгаков мазкур тўплам ҳақида хабар бериб, унинг дунё бўйича ягона нусха эканлиги тўғрисида мақола эълон қилади[3:61]. Сўнгра Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг китоб мутахассислар томонидан ўрганилиб, 2015 йилда мазкур қўлёзма асарнинг факсимиле нусхаси тайёрланиб нашр этилди. Яъни, бу иш "ФА-Ф1-027: Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосида) фундаментал гранти доирасида амалга оширилди [11:161б].

Қўлёзмада номаълум шахслар томонидан ёзиб қолдирилган айрим қайдлар ҳам бор. У маълумотлар, албатта, тарихий воқеликларнинг англанишида муҳим ўрин тутади. Жумладан, қўлёзманинг котиблар томонидан бўш қолдирилган 162б-163а варақларида номаълум ўқувчи томонидан кейинроқ ёзилган бир нечта қайдлар учрайди [3:61]. Унда «Улуғбек Гурагоннинг ўғли Абд ал-Латиф 853 (ҳижрий) йил 28 шаъбон жума куни эрта тонгда Самарқандни босиб олди. Мазкур воқеа Самарқанднинг Дамашқ яқинидаги Ҳиндувон қишлоғида содир бўлди», деган маълумотлар бор. Шунингдек, 162б-варақда фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний (1118/1121/1123-1197) авлодларининг силсиласи ҳам берилган бўлиб, унда янги бир маълумотга дуч келинди. Яъни, шу пайтгача илмий адабиётларда Бурҳониддин Марғинонийнинг ўғиллари учта деб зикр қилинган[6:8-9]. Жумладан, О.А. Қориевнинг "Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний" асарида фиқҳ илмининг аҳамиятини чуқур тушунган Бурҳониддин Марғиноний (1118/1221/1123-1197) фарзандларининг 3 нафар ўғли бўлгани ва илмда етук қилиб тарбиялаб камолга етказгани айтилади. Улар: Имодиддин Муҳаммад, Низомиддин Умар, Жалолиддин Муҳаммаддир [14:109].

Аммо ушбу ноёб қўлёзмада қайд этилган маълумотларга кўра, алломанинг 4 нафар ўғли бўлган. Ҳатто уларнинг исми ҳам номма-ном санаб ўтилган:

Қўйида матн (162б,163а): "Ҳазра-

ти Шайхул ислом Бурҳониддин "Ҳидоя" соҳибининг 4 нафар ўғли бор эди. Дарҳақиқат, улар ҳақида шеър ҳам айтилди. Буюк улуғлар сулоласининг ҳар бири ҳимматлик динда пешво, соф мукаррам (авлодлар)-дур. Улар: Низомиддин, Имодиддин, Жалолиддин ва Бадриддин. Дин фазилат ва ҳақ уларда(ни), жамолдур, нурдур, фахрдур ва қадрдур. Булутлар турганича ва чақмоқлар чақиб ёмғир қуюб берганича Саййид бўлиб қолдилар.



Шайхул Ислом Имодиддин Абу Бакрдан 3 нафар ўғил қолди. Шайхул ислом Абул Фараҳ Зайниддин Суржининг қизлари туғилган эди. Боболарига жадди фосид бўладилар. Биз билан у кишиларнинг ўртасида икки тарафлама қариндошлиги бор. Бу 3 нафар ўғилларнинг биринчиси Зайниддин, иккинчиси Бурҳониддин, учинчиси Имодиддин. ("Fусули Имодий" асарининг муаллифи) Шайхул исломлик мансабини Мавлоно Зайниддинга бердилар. Имом-хатиблик мансабини Мавлоно Бурхониддинга бердилар. Шайхул ислом Зайниддиннинг 2 нафар ўғли бор эди: Мавлоно Бурҳониддин ва Мавлоно Жалолиддин.

Мавлоно Бурҳониддиннинг 2 нафар ўғли бор эди. Улардан фақат қиз фарзандлар қолган.

Шайхул ислом Жалолиддиннинг 2 нафар ўғли бор эди: 1) Шайхул ислом Имодиддин Абу Бакр. Ундан ҳам 2 нафар ўғил қолган: 1) Шайхул ислом Имодиддин Котибнинг(отаси) ва Шайхул ислом Бурҳониддин кичик Хожа, яъни Хожа Абдул Авволнинг отасидир.

Шайхул ислом Жалолиддиннинг иккинчи ўғли Мавлоно Сайфиддин бўлиб, ундан бир ўғил, икки қиз қолган. Ўғлидан ва катта қизидан насл қолмади ва кичик қизидан бир ўғил қолди. У Хўжа Муҳаммад Қиртосий Мавлоно Бурҳониддин Хатибнинг уч ўғли бор эди: 1) Мавлоно Низомиддин; 2) Мавлоно Жалолиддин; 3) Мавлоно Бадриддин.

Мавлоно Низомиддиннинг икки ўғли бор эди: 1) Мавлоно Ибонид-

дин хатиб (Шайхул ислом Имодиддин у кишининг боболари эди); 2) Мавлоно Имодиддин Имомдан. Бу Имодиддин Имомнинг бир ўғли бор эди: Мавлоно Низомиддин имом. Мавлоно Низомиддин имомнинг икки ўғли бор эди: 1) Хожа Бурҳониддин Хатиб (ки); 2) Хожа Имодиддинки, у ҳаётдур. У кишининг ўғли



Абул Барака жоме масжиднинг имомидур. Аллоҳ ўтганларни раҳмат қилсун! Қолганларни Ўзи рози бўладиган ишга муваффақ этсун!" [11:161б].

Манбалар гувоҳлик берганидек, Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий (1068/1069-1142)дан Бурҳониддин Мағиноний (1118/1123-1197)нинг таълим олганлиги[7:212] ҳам ушбу ноёб қўлёзмада келтирилган унинг фарзандларини адади ҳақидаги маълумотларнинг саҳиҳлигини қувватлайди.

Алломанинг тўлиқ исми — Абулҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Фарғоний Риштоний Марғинонийдир. Бурҳониддин Марғинонийнинг туғилган санаси кўплаб манбаларда 1118 йил ражаб ойининг саккизинчи куни [4:4; 5:64; 14:103], деб келтирилган бўлса-да, баъзи асарларда аллома 1121 йил [2:146] ёки 1123 йил 23 сентябрда, Марғилон шаҳрининг Риштон туманида туғилган дейилади [10:23]. Аллома бениҳоя чуқур илмга эга бўлгани ва бу соҳада беқиёс дурдоналар яратгани туфайли "Бурҳонуддин (Диннинг ҳужжати)" "Вал-милла (Миллат — халқ, мусулмонлар)" яъни, диннинг исботи, мусулмонларнинг ислом арконларини амалиётга тадбиқ этишда суянадиган ҳужжати ва Бурҳониддин Марғиноний (Марғинон — Ўрта асрларда Марғилон шаҳри шундай аталган) номлари билан машҳурдир .

У зот асосан Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида таълим олиб, ҳанафия мазҳабининг буюк фақиҳи сифатида ном қозонди. Аллома Қуръон, ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, фақиҳ, муҳаддис, муфассир бўлиш билан бир қаторда яна турли илм соҳаларида фаолият олиб борган.

Аллома умрининг охирларида Са-

марқандда яшаб, ижод этиб, 1196 ёки 1197 йилда ўша ерда дунёдан ўтган. Аксар манбаларда, аллома Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристонига дафн этилган, дейилади. Аммо Низомиддин Шомий (XIV аср ва XV аср боши) "Раддул-мухтор"да ёзишича, улуғ фақиҳ Самарқанддаги 400 га яқин Муҳаммад исмли фақиҳлар дафн этилган "Муҳаммадийлар қабристони" — "Турбатул-Муҳаммадиййин" ёнида дафн этилган ("Муҳаммадийлар қабристони" — Чокардизани бир қисми). Абу Тоҳирхўжанинг "Самария" асарида келтирилишича, Бурҳониддин Марғинонийнинг қабри Чокардиза қабристони, катта кўчанинг кунботар ҳовузига ўхшаган чуқурлик ёнида бўлиб, катта йўл ўша ҳовуз орқали (шарқий-шимолга қараб) ўтади[2:146]. Яъни, алломанинг қабри ўша пайтлардаги катта йўлнинг жануб тарафида, пишиқ ғиштдан қилинган баланд суфада, дейилган.

Марғиноний ўзидан бой илмий-маънавий мерос қолдирди, "ал-Мазид фи фуруъил-ҳанафийя (Ҳанафий мазҳабидаги шаръий масалаларга қўшимча)", "Бидоятул-мубтади фил-фуруъ (Шаръий масалалар бўйича бошланғич қўлланма)" каби асарлари ўз даврида манба бўлиб хизмат қилган. Унда айтилишича, муаллиф "Мухтасарул-Қудурий (Қудурийнинг мухтасари)" ва "ал-Жомиъус-сағир (Кичик тўплам)"ни жамлаган, тартибида эса "ал-Жомиъ"нинг тартибини қўллаган. "Шарҳу бидоятул-мунтаҳий (Бидоятул-мунтаҳийга шарҳ)" — алломанинг йирик асари бўлиб, унинг бир нодир нусхаси Истанбул кутубхонасида сақланади. Шунингдек, Бурҳониддин Марғиноний қаламига мансуб "ал-Ҳидоя (Тўғри йўл)", "Кифоятул-мунтаҳий (Якунловчиларни қониқтирувчи китоб)", "ат-Тажнис вал-мазид (Турдош масалалар ва қўшимчалар)", "Мухторул-фатово (Танланган фатволар тўплами)" каби асарларининг барчасида ҳанафий мазҳабига мувофиқ шаръий масалалар баён этилган. Марғинонийнинг бутун ислом оламида машҳур бўлган "Ҳидоя" асари 1178 йили Самарқандда ёзилади[1:6]. Аллома "Бидоят алмунтаҳий" асарининг сўз бошисида "Ҳидоя"нинг ёзилиши хусусида шундай дейди: "Абул Ҳасан Али ибн Бакр Абд Жалил бир куни фиқҳ масалаларига бағишланган ҳажми унча катта бўлмаган, лекин мазмуни тўлиқ бўлган бир яхлит китоб зарур эканлиги ҳақида фикр билдирди. Ироққа сафар қилганимда у ерда "ал-Мухтасар ал-Қудурий (Қудурий қисқартмаси)"ни кўрдим. У фиқҳ бобида ажойиб асар эди. Шу пайтгача каттаю кичик барча "Жомиъус-Сағир (Кичик тўплам)"дан фойдаланар эди. Шунда фиқҳга доир барча асарларни жамлаб, улардан энг зарур масалаларни олдим ва бу асарга "Бидоятул-мунтаҳий" деб ном бердим. Кейинчалик, бу асарга шарҳ ёзиб, уни "Кифояул-мунтаҳий" деб номладим"[15:132-133].

Кейинчалик, ушбу асарларнинг ҳам ҳажми катталик қилиб, Имом Марғинонийнинг янада мўъжаз, бутун ислом оламида ханафия мазҳабининг фиқҳ масалаларида асосий қўлланмасига айланган "ал-Ҳидоя" асари ёзилган [8:11-12].

БОБУР МИРЗО АСАРИ НОМИ «МУБАЙЙИН»ми, «МУБАЙЯН»ми?..

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Бобур номидаги халқаро мукофот соҳиби.

САВОЛ: — Ассалому алайкум. Бобур Мирзонинг "Мубайян" асарини "Мубаййин" деб ўқиганмиз. Шуни изоҳлаб берсангиз. Раҳмат.

Салимжон ҚАҲҲОРОВ.
Ёзёвон туманидан.

ЯНА САВОЛ: — Ассалому алайкум! Устоз, айтингчи, "Мубайян" ва "Мубаййин" сўзлари мазмун ва моҳиятан бир маънони англатадими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат!

ШАҲРИДИН ЎМИРОВ,
Самарқанд вилояти,
Иштихон туманидан.



ЖАВОБ: — Ва алайкумумуссалом. Бобур Мирзонинг назмда битган фиқҳий асари номи, шубҳасиз, "Мубайян"-дир. "Мубайян ва насрий баёни" китобимда бунинг исботини келтирганман.

"Мубайян" дегани "Очиқ баён қилинган (фиқҳий масалалар)", дегани.

"Мубаййин" — "(Фиқҳий масалаларни) очиқ баён қилувчи китоб" дегани.

"Муйбайян" Бобур Мирзо асарининг номи, "Мубаййин" унга Шайх Зайнуддин ал-Хавофий битган шарҳнинг номидир. Чунки "Муйбайян" деганда эътибор шаръий масалаларга қаратилади, "Мубаййин" деганда эса эътибор китобга қаратилади.

Ўша муқаддимадан фойдаланиб, беш-олтита рад қилиб бўлмас илмий далил келтираман.

1. Тарихчи олим Абдулҳай Лакҳнавий-Ҳасаний "Нузҳат ул-хавотир" ("Хотиралар сайри") асарида ёзади: "У зотнинг исмини ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўзлари Заҳируддин Муҳаммад деб қўйганлар, лекин туркий халқлар орасида Бобуршоҳ деб машҳур бўлган, жуда кўп илмларда денгиздек илм олган. Унинг фиқҳи Ҳанафийда (Ҳанафий мазҳаби асосида) "Мубайян" номли асари бўлиб, унга шайх Зайнуддин (ибн Қутбуддин ал-Ҳанафий) ал-Хавофий "Мубаййин" деган шарҳ ёзган" (314-бет).

2. "Урду доираи маъорифи Исломия" ("Маъориф") энциклопедиясининг 3-жилди, 818-саҳифасида Бобур Мирзо ёзган китоблар номи келтирилиб, жумладан, айтилади:

"Мубайян" — بَ (бо) фатҳали, يَّ (йо) ташдидли-фатҳалидир (яъни, Мубайян — مُبَيَّـــن); баҳри хафифи махбун вазнида бир маснавийдир... Бу содда бир панднома бўлса-да, бундан Бобурнинг фиқҳда анчагина дилчасплиги (кўнгли фиқҳга муҳаббатлилиги) ва ақидаси мустаҳкам бир ҳанафий эканлиги маълум бўлади. "Мубаййин" китоб шарҳининг номидир. Уни Бобурнинг муншийси шайх Зайн ёзган. Бу асар "Фиқҳи Бобурий" деб ҳам аталган" (Панжоб университети нашри, ҳижрий 1392, милодий 1972 йил. 3-жилд, 818-саҳифа).

3. Ҳасанхожа Нисорий "Музаккири аҳбоб" ("Севимли зотлар ёдномаси") (XVI аср) асарида айтади: "Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир. Аруз хусусида ёзган рисоласи ("Рисолаи аруз") бир денгиздирки, ичи жавоҳиру дурлар билан тўладир. Фиқҳ масалаларини яна бир рисолада мубайян қилган (очиқ баён қилган)ки, ёзувчиси донишмандлигидан нишонадир. Туркий ва форсийда яхши шеърлари бордир. Ўшал фиқҳ рисоласининг номи ҳам "Мубайян"дир" (Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. 51-53-бетлар).

4. "Музаккири аҳбоб"нинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 4282-рақамда сақланаётган нусхасидаги "мубаййан карда" ("очиқ баён этган") ва "номи рисола низ" ("рисоланинг номи ҳам") ибораларига кўра, асар номи "Мубайян" эканлиги шубҳасиздир.

5. Бобур Мирзо китоб хотимасида ёзади:

Чун баён этдим анда шаръийёт,

Не ажаб, гар дедим "Мубайян" от,

яъни, "Унда шаръий масалаларни баён этганим учун китобни "Мубайян" ("Очиқ баён қилинган шаръий масалалар") деб номладим" Бу ўриндаги "шаръийёт" ("шаръий масалалар") сўзи "Мубайян"га ишорат қилади. Яъни, "Очиқ баён этилган шаръий масалалар" демакдир.

6. Асар Туркияда йиллар давомида неча марта нашр этилган бўлса, ҳамиша "Мубайян" деган ном билан нашр этилган. Бу эса Туркия тадқиқотчи олимлари мазкур масалани диққат ва илмий холислик билан ўрганганларини кўрсатади.

Демак, барча турдаги дарсликларда ва барча турдаги энциклопедияларда асар номи "МУБАЙЯН" деб тўғри қайд этилиши зарур.

Увайсий шеъриятида фақру фано

Барно ИСОҚОВА,
ЎзР ФА, Алишер Навоий номли Тил ва адабиёт институти тадқиқотчиси.



Мумтоз адабиёт намояндалари фақру фано образини етарли даражада ёритганлар. Увайсий ғазалларида фано ҳақиқатининг ифодаси ўзига хос хусусиятга эгадир. Тасаввуф истилоҳига кўра, фақрлик биз тушунган маънодаги камбағаллик, бечоралик эмас, балки Аллоҳ олдидаги ғариблик, ожизликдир. Ушбу қарашга кўра, “фақир шундай кишики, у фақат Ҳақ маърифатига етишга муҳтож бўлади, холос”. Фано эса тариқатнинг тўртинчи мақоми бўлиб “тарки дунё қилиб, ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир”. Айни пайтда, “Шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам”- деб ёзади адабиётшунос олим Нажмиддин Комилов. Фано йўқлик оламининг ифодалари ҳам увайсийлик ҳисобланади. Шоира бу ифодаларни тасаввуфий талқинлар билан асослаган ҳолда ижодий баркамолликка эришган. Увайсий ғазалларида тариқатнинг талаб ва қоидаларига мос талқинлар, қайдлар кўп учрайди. Инсоннинг комиллик даражасига етишликдаги қийинчиликлар ифодаси шоира шеъриятида қуйидаги каби ўз аксини топади: Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса



йўқ огоҳ, Қабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди. Фано ҳолини кўпчилик англашга қодир эмас. Шунинг учун “Қабиҳ гуфтор мардумлар” – қабоҳат, ифлос гаплар айтувчи, ғийбатчи одамлар “Фано мардумларига” доимо озор етказиб келишган. Шоира худди шу ҳақиқатга эътиборини қаратар экан, ўзининг кўнгли доғ бўлганини таъкидлайди. Демак, унингча фано аҳли ўзини ҳақиқий ишқдан маҳрум кимсалардан узоқ бўлишини ҳам ўйлаши ҳам керак. Аммо шоиранинг уқдиришича, фано “Ҳол илми”дан юзага келади. Иззат – икром талаби эса зоҳирий бир ишдир: Ки иззат қолдин, ҳол илмидин бўлгай фано ҳосил, Келан атфол тоши, бу фано аҳлигадур давлат. Тасаввуфда одамлар икки гуруҳга ажратилади. Бири – қол илми, иккинчиси ҳол илми. Қол аҳли дунёга боғланган, даъво ва оғзаки фикр мулоҳазаларга таяниб кун ўтказувчи кимсалар. Ҳол аҳли эса ишқ ва маъно соҳибларидир. Шоиранинг таъкидлаши бўйича, фано ҳол илмидан ҳосил бўлса, кишининг иззат нафси турли гап сўзлар(қол)-дан озор топмайдиган кайфиятга етишади. Иззатпарастлик, дунёсеварлик ҳиссиётлари фано завқини англай олмайдиганлар кимсалар учун хосдир. Улар ёш болаларга ўхшаб “тош ўйини”дан овунишганки, бундай кимсалардан етган ранжу озорларга алоҳида аҳамият бермасдан, уларни бир “давлат” каби қабул айлаш лозим. Ҳол илмидан фано ҳосил бўлиши ва бу натижа фано аҳли учун давлат эканлиги ўзининг тиниқ ифодасини топган бу байтда. Дунё ташвишлари билан банд инсоннинг ҳаётида ИШҚ тубдан бурилиш ясайди. Аввал у ҳайрат саҳросида ёлғиз юриб, ўз ҳақиқатини излайди. Ҳайрат эса ишқнинг бир лаҳча чўғидан ҳосил бўлиб, ошиқ қалбини куйдира бошлайди. Энди у бир тутам нур билан олиша бошлайди. Унинг ботинида ўрнашиб ётган кибр, ғурур, ҳасад, кин, адоват, қаҳр, гумроҳлик каби ўнлаб иллатлар ўз давосини топа бошлайди. Бошқа ошиқлар каби унда ҳам малолат туйғуси йўқолиши, мушт берганга таъзим бажо этиш ҳоллари ўша йўқлик оқибатидан юзага келадики, у қаҳрга меҳр билан жавоб бера олади. Ошиқ томонидан етказилган ҳар қандай жабру ситамларни хуш кайфиятда қабул қилгувчи бўлади. Унинг бу мажнунвор кайфияти ўзгаларда таажжуб уйғотади. Ўша ўзгалардан келаётган таҳна, маломат тошларини ҳам у ўзига давлат, дея қабул қилади. Отилаётган бу тошларни (атфол болалар) гўдакларнинг билиб билмай етказган азиятлари каби осонгина кечира олишида ҳам ҳикмат бор. Сабаби, у аллақачонлар ўз ҳақиқатини, ўзлигини топиб улгурган, дили

покланган – комил инсон. Шунинг учун “Ломакондан” жой олган фано аҳлига ўзгалар томонидан тинимсиз таъна тошлари отилаверади: Фанои фақр малбусин танингга айласанг кисват, Ўшал атфол тоши бирла сен жисмингни равзан тут.

Фақру фано масаласини ёритишда шоира кўпроқ “атфол тошига” эътиборни қаратади. Магарам, сен фақру фано либосини танангга кийиб олган бўлсанг, ўшал атфол тоши кийимингни тешикларини беркитишга хизмат қилсин, деб уқдиради шоира юқоридаги байтда. Босқичма босқич юқорига кўтарилиб кетаётган, йўқлик олами сари сайр этишни кўзлаган инсон учун бу дунёда кўрган барча азоб уқубатлари ҳечдир. Чунки фано аҳли асл ҳақиқатни – Маъшуқа васлини кўзлаб кетмоқда. «Фано аҳли» ҳоли ва тақдирига ҳавас шоирани ҳаёт ва турмуш муаммоларидан четлаштира олмаганини ҳам таъкидлаш керак: Увайсий эмди бу дайри фанода беғам ўлтирма, Ўтибон муддаолардин ажаб чархи самоъ урсам. “Фано аҳли” учун дунёга ҳавас, ҳаёт ва турмуш муаммолари деган тушунчалар ётдир. Энди у фақат узлатни маъқул кўрувчи, ўз олами ҳақиқатидан доим мағрур ва масрур ҳаёт кечирувчи орифга айланди. Унинг ҳақиқати эса Увайсий шеъриятида бош мавзу ҳисобланган ишқи илоҳийга тааллуқли. Бу дайри фанода ўзини кўрган шоира бошқа ошиқлар каби малолат туйғусидан фориғ бўлади. Бас, шундай даражага етган ошиқнинг беғам ўтириши яхши эмас, у барча муддаолардан ўтиб, чархи самоъ уради. «Излабон қон йиғласанг ҳам, ўтти вақти фурқати, Фоний оламда гадоу шаҳни меҳмон айламиш». Асл ҳақиқат сирларидан огоҳ орифлар учун ғофил бандаларнинг таънаю маломатлари оғир ботмайди. Чунки ориф билган ҳақиқатни зоҳид билмайди, авом эса умуман гўдак каби дунёни кўришга, фикр юритишга ва уни билишликка имкони йўқ, “ёшлик” қилади. Фоний дунёда шоҳу гадо бирдек меҳмонлиги, яшаш – имконият, унинг ҳар бир дақиқасининг ҳисоби борлиги, ориф қалби кечинмалари шоира томонидан қайта таъкидланади: Кел, эй зоҳид, топиб бир ёрни олдида жон бергил, Ки қурбон айламаклик ҳар моҳи тобонадан келмас. Тасаввуфдаги зоҳидлик ва орифлик даражаларини англаб етган шоира мазкур байтда ёр олдида жонни қурбон қилиш кераклигини, бу амал орифлар учун азоб эмаслигини билдиради. Зоҳидлар эса ҳали бундай мақомга етмаган. Жонни ёр йўлида қурбон айлаш «Ҳар моҳи тобонадан келмас»лигини ҳис этган шоира шеърларининг аксариятида ориф қалби кечинмалари ўз аксини топади. Ҳолбуки, орифлик ҳам увайсийликдир. Ориф қалби ҳам пинҳона ишқ, ғойибона тарбият завқидан баҳра олади. Жаҳон отин Увайсий шеъриятининг асосий йўналиши Ишқи Илоҳий билан боғлиқ. Шоира шеърларида увайсийликнинг бошқа шаклларини ҳали кўп кузатиш мумкин.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Барно Исоқова 1974 йилнинг 19 августида Ўш шаҳрида туғилган. Адабиёт муаллимасининг илк машқлари маҳаллий матбуотларда эълон қилинган. Кейинчалик у Қирғизистондаги ўзбек газеталарининг («ДДД», «Демос Таймс», «ХОШ», «Ахборот») бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган. «Увайсийнинг бадиий маҳорати» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзган.

Тарихий ҳақиқат билан уйғунлашган юксак бадиият талқини хусусида

Барно БЎРОНОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти тадқиқотчиси.

Аннотация
Ушбу мақолада ёзувчи П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” тарихий романининг яратилиши, муҳташам “Бобурнома” билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари, Бобур сиймосининг романда юксак маҳорат ва самимият билан тасвирланиши, макон ва замон, тарихий шароит ҳамда бадиий талқин ҳақида сўз юритилади.
Таянч сўзлар: бош образ, руҳий олам, тарих ва давр драмаси, инсон ва замон боғлиқлиқлиги, буюк шахс ва ижтимоий муҳит,сўнгги нашрдаги янгиланишлар хусусида

Аннотация
В данной статье мы узнаём о создании исторического романа «Звёздные ночи», народного писателя Пиримкула Кадирова, сопряженности к «Бабурнаме», образе Бабура в спектакле, вопросы, связанные с пространством и временем, исторические условия и искусство и тд.
Ключевые слова: духовный мир персонажа, исторические конфликты, историческая драма,человеческая и возрастная зависимость, отношения между человеком и социальной средой, последняя версия романа и.тд.

Ўзбек адабиётида шундай тарихий сиймолар борки, улар гўё адабиёт осмонида порлаган чароғон юлдузлардир. Ана шундай буюк сиймолардан бири хассос адиб, моҳир таржимон, етук адабиётшунос олим П. Қодировдир. Агар ёзувчининг ижод йўлига эътибор қилсак, “Кафтдаги қуёш”, “Жон ширин”, “Кайф” номли ҳаётий ҳикоялари, “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос”, “Яйра институтга кирмоқчи”, “Акрамнинг саргузаштлари” сингари завқли қиссалари, “Уч илдиз”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар”,”Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Она лочин видоси” (Шоҳруҳ ва Гавҳаршод),“Амир Темур сиймоси” каби бетакрор роман, илмий бадиалари билан ўзбек адабиётида мукаммал,жиддий асарлар яратганига гувоҳ бўламиз. Фикримизча, китобхонлар орасидаушбу асарларнинг лоақал биронтасини ўқимаган, ундаги қаҳрамонларнинг кўнгил мулки, қалб баҳси,образ ва персонажларнинг чексиз руҳий олами, суронли давр зиддиятлари билан ўртоқлашмаган ўқувчи бўлмаса керак.

Айниқса, адибнинг бир қанча тилларга таржима қилинган, қардош халқлар ва жаҳон китобхонларининг юксак эътирофига сазовор бўлган, тари-

хий ҳақиқатни, тарихий шахслар тақдирини, суронли давр драмасини, ўтмиш сабоқлари, мозий садосини ниҳоятда таъсирчан ёритиб берган “Юлдузли тунлар” тарихий романи адабиётимизнинг дурдона,энг сара асарларидан бири ҳисобланади. Ушбу қимматли асарнинг дастлабки нашрининг кенг ўқувчилар қўлига етиб бориши ҳақида раҳматли ёзувчи П.Қодировнинг ўзи куйиниб шундай деган эди:

“1972 йилда романни нашрга топширганимда тоғдай бир юк елкамдан тушгандай бўлган эди. Лекин мустабид тузум тазйиқи остида роман олти йил чоп этилмай ётди. Қўлёзмани кўпгина масъул мутасаддилар, катта академиклар ўқиб, фикр айтишди. Қўлёзманинг сатрма-сатр таржимасини Москвада ҳам ўқишиб, ёзма тақризлар беришди. Хилма-хил фикр ва мулоҳазалар чангалзоридан тиканларга тирналиб ўтдим, аммо йўлимдан адашиб кетмаслик учун доим тарих ҳақиқатига, хусусан, “Бобурнома”дай асл манбаларга таяндим. Олти йил давомида романга киритган янги таҳрирларим кўпроқ уларнинг бадиий нуқсонларини тузатишга,тарих ҳақиқатини чуқурроқ очишга қаратилди. 1979 йилда раҳматли устоз Шароф Рашидовнинг ёрдами билан роман китоб бўлиб чиқди. 1981 йилда унга Давлат мукофоти ҳам берилганлиги мустабид тузум золимларининг қаҳрини келтирган бўлса керак, улар Бобур Мирзога қарши янги ҳужумлар уюштириб, мени ҳам роман билан бирга лойқа селлар гирдобига тортиб туширишга уриниб кўрдилар”.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 80-йилларида мазкур тарихий роман матбуотда феодализмни тарғиб қилувчи асар сифатида қаттиқ қораланди. Муаллифга миллатчи, буржуа ёзувчиси деб туҳматлар қилинди. Адиб ва романнинг бахти шундаки, мустақиллик адибни ҳам, романни ҳам халққа қайтарди.

Маълумки, “Юлдузли тунлар” шоҳ ва шоир, етук саркарда, – беназир инсон, мумтоз сиймо Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёрқин,нурли сиймоси бадиий маҳорат билан акс эттирилган тўлақонли, дурдона асардир. Адабиётимиз тарихида шоҳ ва шоир ҳаёти ва ижодининг айрим жиҳатларига бағишлаб битилган асарлар талайгина. Масалан, Ойбекнинг “Бобур”, Э.Воҳидовнинг “Келажакка мактуб”, Б.Бойқобиловнинг “Кун ва тун” , Х.Султоннинг “Саодат соҳили”, “Бобурнома” сингари турли жанрлардаги асарларини тилга олиш мумкин. “Юлдузли тунлар”нинг юқорида биз санаб кўрсатган асарлардан кескин фарқи шундаки, асарда Жавоҳарлал Неру таъбири билан айтганда “дилбар шахс” Бобур Мирзонинг тарих саҳнасига чиққан кундан бошлаб то ҳаётининг сўнгги дамларига қадар салкам қирқ йиллик ҳаёти “Бобурнома” билан уйғунликда ҳаққоний, теран тарзда ёритилган. Жумладан, асарда Бобур Мирзонинг буйруғи билан Ўш яқинидаги Буратоғда Мулла Фазлиддин нилий гумбазли шинам ҳужра қуради. Ёзувчи бу воқеанинг тарихан мавжуд эканлигини романда шундай акс эттирган: “Кечки пайт ҳужрада Бобурнинг ёлғиз ўзи қолди. Қўрчилар Бобурнинг қўзига ташланмасликка тиришиб, ҳужранинг орқа томонида қўриқчилик қила бошладилар. ...Бундай тинч осуда дамларда уни қоғоз қалам ўзига тортарди. Савдарлар ҳужрага олти оёқлик миз келтириб қўйишган. Бобур миз ёнига ўтириб “Вақоиъ” деб атаган хотира дафтарини очди. Сўнгги ёзувлари – ўзи яқинда кўрган Конибодом ва Исфара ҳақида эди. Энди бу ёзувларни давом эттириб, Ўш тўғрисида бита бошлади: “Ўш қасабаси Андижондан тўрт йиғоч йўлдир... Буратоғнинг тумшуғига тарих тўққиз юз иккида (милодий 1497) мен бир айвонлик ҳужра солдим. Бу ҳужра бисёр яхши воқеа бўлубдур. Тамом шаҳар ва маҳалла оёғ остидадур...” Бобур Ўшнинг бинафшаси, лолалари, оқар сувлари, оқ мавжли

қизил тошлари ҳақида ҳам берилиб ёзаётган эди...”

Шу ўринда романда Бобурнинг кенг руҳий олами, ички дунёси, ўткир хаёллари, орзу армонларининг юксак бадиий маҳорат билан тасвирланганини алоҳида таъкидлаш зарур. Онаси Қутлуғ Нигорхоним билан Бобурнинг нафас олишдаёқ бир-бирларини тушунишлари, уканинг Хонзодабегимни наинки сўз, балки юрак билан англай билиши, кетма–кет мағлубиятлар, машаққатли сарсону саргардонликлар (Андижон қўлдан кетиши, Самарқанд мағлубияти, Шайбонийхон муҳорабаси)дан сўнг Қобулда мустақил ҳукумат тузиб, уни пойтахт қилгандан кейин ўзига хос нуфуз билан темурийлар давлатининг пойтахти Ҳиротга ташриф буюриши,Хадича бегим билан бўлган суҳбатдаги, Бадиуззамон мирзо, Музаффар мирзолар уюштирган зиёфатдаги муносабатларда ўта мулоҳазакорлик ва вазминлик каби ҳолатларда П.Қодировнинг руҳият манзараларини тасвирлаб кўрсатишдаги усталигидан далолат беради.

Ёзувчи роман сюжетида Бобурни кўп ҳолларда ички зиддият,азобли изтиробли вазиятларда кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Асарнинг бош қаҳрамони ўз-ўзини ичдан жиддий таҳлил этади, ўзга қаҳрамонлар билан баъзан сўз орқали эмас, ичдан, яъни вужуд тили орқали мулоқотда бўлади. Хусусан,у ўсмирлик чоғида ҳазрат Навоий суратига қараб: “Улуғ амир, насиб қилса, ҳузурингизга борсам, йўлимда Ахраману аждаҳо учраса, Фарҳодингиздай ҳаммасини енгиб ўтсам. Ўшанда сиз менга шеърият тилсимини очгувчи калит берурмисиз?”, дея ҳаёлан суҳбатлашган (“Юлдузли тунлар” 53-б), Самарқандда ул зотдан табрик мактуби олиб фахру ифтихор билан севинган темурийзода орадан йиллар ўтиб тақдир тақозоси билан темурийларни бирлаштириш мақсадида Ҳиротга боради, Навоийнинг “Унсия”номли уйида йигирма кун яшар экан, у ўзини гўё мармар зиналарда Алишер Навоийнинг изларини босиб ўтаётгандек ҳис қилади .

Роман Бобур сиймосини тарихий ҳақиқатга анча мос қилиб тасвирланиши билан ҳам эътиборлидир. Яъни, ўғли Ҳумоюн оғир бетоб бўлиб ётганида кўнгли хуфтон бўлган ғариб Бобур ичи эзилиб фарзандига шундай дейди: “Сенинг бетоқатлигингга мен тоқат келтирай! Сенинг шу оғир дардингни Худо сендан олиб менга берсин...

...Бобур умумий жимликда Ҳумоюннинг бошидан уч марта айланди-ю: — Э парвардигор!-деб илтижо қилди: — Менким,Бобурмен, агар жон бериш мумкин бўлса,умр-у жонимни Ҳумоюнга қурбон қилдим! Азройил менинг жонимни олсин-у, Худо Ҳумоюнга шифо берсин!”

Ҳумоюн кўп ўтмай оғир дарддан батамом фориғ бўлади. Бобур қазоси ҳам шу воқеаларга тўғри келади. Бу ҳодиса “Бобурнома”, қизи Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома”, Бобур билан Аграда шахсан учрашган мумтоз тарихчи Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” каби тарихий ва ишончли манбаларда ҳам яхши баён қилинган. Асарда Бобур қўлида шамшир ўйнатган моҳир ҳарбий саркарда, шоҳ ва шоир сифатида тасвирланишдан ташқари у оддий инсон сифатида ҳам тасвирланади. Бунга мисол сифатида романнинг Малика Байда томонидан уюштирилган заҳарланиш воқеасидан сўнг уч кун деганда ўзига келган Бобур ҳолатига диққат қилсак: “Бошидан ўтган ўлим даҳшати ҳамон хаёлидан кетмасди. Унинг жони шунча вақт қил учида осилиб турганини ўйласа, беихтиёр ваҳми келарди. Шу қил узилса, ўлим деб аталадиган зулмат қаърига қулаб тушишини икки кун давомида муттасил ҳис қилиш унда яшаш ис-

тагини беҳад кучайтириб юборган эди. Ҳаётнинг бир лаҳзаси, бир учқуни дунёнинг барча бойликлари-ю, тож-у тахтларидан ҳам азиз эканлиги унга энди астойдил сезилди". Ёки худди шу ҳодиса "Бобурнома"да муаллиф тилидан "Жон мундоғ азиз нарса эмишки, ким ўлур ҳолатга етса ул билур жон қадрини", деб битилганини кўрамиз.

Адабиётшуносликда маълумки, бадиий асар қаҳрамонининг руҳиятини шу қадар теран, жонли, ҳаққоний тасвирлаш учун ёзувчи шу каби ҳис-туйғуни қалбан ўзи ҳам ҳис қилмоғи лозим. П. Қодиров ўзи айтганидек, адиб "Тарихий шахсларнинг ички дунёсига ўз ички дунёси орқали йўл топади". Шу боис ёзувчининг барча тарихий асарларида XIV-XVI асрнинг улуғ сиймолари – Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн Мирзо, Акбаршоҳ кабиларнинг характер сажияси санъаткорлик билан яратилди. Ёзувчи инсон ва замон боғлиқлиги, шахс ва ижтимоий муҳит алоқадорлигини ниҳоятда ишонарли тасвирлашга, ҳаққоний кўрсатишга ҳаракат қилди. Натижада эса адибнинг асарлари нафақат ўзбек, балки кўплаб қардош ва жаҳон бадиий маданиятида ҳам катта адабий ҳодиса бўлди, дейиш мумкин.

Агар биз ўзимизнинг илмий кузатишларимизга таянадиган бўлсак, юқорида кўрсатилган қардош тилларга таржималар асарнинг 1979-1980-йиллардаги нашрига асосланган. Бироқ 2000 йилги сўнгги нашрига эътибор қилинса, асар воқеалари янада теранлик касб этиб ва бадиий образлар билан бойитилганига, тарих зарварақларидаги саргузаштлар билан сайқалланганига амин бўламиз. Жумладан, 2000 йилги сўнгги нашрда Самарқанднинг эгалланиши, Аҳмад Танбалнинг хиёнати акс этган "Увол бўлган орзулар" деб номланган бобдан кейинги "Амир Темур сабоқлари", "Чингизийлар яна ҳукмрон бўлмоқчи", "Ҳирот", "Довулдан олдинги осудалик", "Ҳиндикуш, Кобул", "Ўлим билан юзма-юз" номли фасллларида Қутлуғ Нигорхонимнинг валиаҳд ўғлига Соҳибқирон бобоси Амир Темурнинг қиличи, узуги ва "Темур тузуклари"ни мерос сифатида топшириши, Аҳмад Танбалдан Андижон қўрғонини қайтариб олган Бобурнинг уни Чотқол тоғи этакларигача таъқиб этиши, Аҳмад Танбалнинг акаси Бектелба Султоннинг инисига ён босиши, Ҳиротдан қайтишда эса Кобул йўлида аскарлари билан бир сафда туриб, улар учун жидду-жаҳд билан қорда шамолпана қазиши, Кобулда ўзи ҳақида "Бобурни Ҳиротда Ихтиёриддин қалъасига ҳибс қилишибди" деб тарқатилган фитнани тезда бостириши ва ҳ.к ҳодисалар романнинг 1980 йилги аслиятида,афсус билан айтиш мумкинки, давр тақозосидан келиб чиққан ҳолда бўлса керак, ўзининг тўлақонли бадиий ифодасини топмаган эди.

Умуман, хулоса ва истагимиз шуки, мазкур дурдона асарни қардош тилларга энг сўнгги нашри асосида яна қайта таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, миллатларнинг бир-бирига яқинлашуви, бири иккинчисидан ўрганишда бадиий таржиманинг роли ғоят улуғдир, чунки турли миллат вакиллари бадиий алабиёт орқали бири иккинчисининг тарихи, маданияти, этнографияси каби қатор жиддий ва ҳаётий масалалар билан яқиндан танишадилар, муҳими, уларни ўз она тилларида ўқиб, ўзлари учун ҳаётий сабоқ оладилар.

КИТОБ ЎҚИЁТГАН ОДАМ – БАХТЛИ ОДАМ



Азал-азалдан инсонлар икки мезон асосида табақага бўлиниб келинган. Яъни, моддий ва маънавий табақа. Бу ҳақда менга бобом тез-тез айтиб юради. У кишининг фикрича, бугунги замонда моддий фаровон одамнинг шайдоси кўп экан. Бошқача айтганда, ҳамма уни ҳурмат қилади, тўй-ҳашамларда давранинг тўридан жой беради. Кўча-куйда "фалончи бой" дея йўл беради. Аммо буларнинг бари ўткинчи. Фалакнинг гардиши тескари айланиб, ҳалиги одамнинг елкасидан бахт қуши учиб кетса, одамлар уни тезда унитишади. Ҳатто танимасликлари ҳам мумкин. Афсуски, бу инсониятнинг қон-қонига сингиб кетган амал.

Маънавий бой, комиллик сари интилиб яшайдиган одамни эса ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди. Йиллар давомида ўрганган илми, орттирган тажрибаси ва маҳорати унга сотқинлик қилмайди. Ҳаётнинг сўнгги кунларига ҳамроҳлик қилади. Ҳаётдан кўз юмганидан кейин ҳам эзгу амаллари ва ишлари яшайверади.

Бундай инсонларга кўпчилик ҳавас қилади. Бироқ маънавий етукликка эришиш бозорда бир қоп картошка сотиб фойда топишдек осон иш эмас. Инсон ўқиб-ўрганиши, изланиши учун сабр-тоқат, қунт керак бўлади. Бобомнинг айтишича, инсонни етукликка элтувчи энг асосий унсур

китоб экан. Китоб мутолааси инсонга катта завқ бериш билан бирга, дунёқарашини бойитишига, дунё сир-асрорларини ўрганишига кўмаклашади. Ўзини қизиқтирга нарсалари ҳақида мукаммал билим ва кўникма олишига ёрдам беради. Мунтазам китоб ўқиган одам эса ўзини-ўзи тарбиялаб ҳам боради. Натижада инсоннинг ҳаётга, жамиятга, даврга қарашлари ўзгариб бораверади.

Етти-саккиз йиллар бурун менга бу гаплар эриш туюларди. Ҳудди баландпарвоз гаплардек таассурот уйғотарди. Бугун эса бу борада фикрларим тамоман ўзгача. Китобсиз яшашни, кун ўтказишни тасаввуримга сиғдира олмайман. Нега?


Бобомнинг тавсияси, кўрсатган йўл-йўриғи, баъзи пайтлар қистови билан мен ҳам қўлимга китоб олишни ургандим. Аввалига мутолаа иши жуда зерикарли машғулот бўлиб кўринди. Гоҳида китобни қўлга олишим билан ухлаб қолардим. Баъзида китоб варақлашдан телевизорда фильм кўриш энг яхши ишдек бўлиб кўринарди. Барибир бобомнинг юзидан ўтолмай, қолаверса, ота-онамнинг дўқ-пўписа қилиб қолишларидан чўчиб китоб титкилардим. Кунлар шу зайлда ўтаверди. Охир-оқибат қачон китобга меҳр қўйганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Мен бахтли одамман. Чунки кўп (албатта менинг наздимда) китобларни ўқидим. Кўп ёзувчи ва шоирларнинг дунёси билан танишдим. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, яна бир қатор жаҳон адибларининг асарларини ўқимасдан яшаш ўлимга тенг. Ушбу ёзувчи ва шоирларнинг китоблари ҳақида билмаслик энг катта бахтсизлик, деб ўйлайман.

Шунингдек, китоб башариятнинг, жумладан, миллатнинг, алоҳида шахснинг ҳаётида, такомилида қанчалар муҳим ўрин тутишини тушундим. Унинг ўрнини ҳеч бир восита боса олмаслигини англадим. Ер юзидаги турли мамлакатлар, миллатларнинг тарихи, уларнинг тафаккур даражаси, ўй-мушоҳадалари, орзу-интилишлари, топганлари ва йўқотганлари, кучли ҳамда ожиз жиҳатлари, қувончу қайғулари — барча-барчаси ўша китобларда муҳрланганини билдим.

Йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши мени янада бахтиёр этди. Боиси энди китоблар янада чиройли, янада арзон бўлади. Эл орасида китобхонлик ташвиқот қилинади. Китоб ўқийдиган одамларнинг сони яна ортади. Демак, юртимизда ўзини бахтли ҳис қиладиганлар ҳам кўпаяди. Қалблар эса илм нуридан баҳра олаверади.

Роза ХОЛНАЗАРОВА,
Яккабоғ туманидаги
37- мактаб ўқувчиси.



ЗАЙТУН УНМАС ЖОЙЛАРДА



Ҳаким САТТОРИЙ

Поша Салаевич қаердан ҳам зайтун уруғини келтирди, қаердан ҳам Дангал тентак ўша зиёфатда у билан ёнма-ён ўтириб қолди, ширингуфторликка нима сабаб бўлди — энди ўша жоми жамшиднинг жабрини Жумодил тортаяпти. Бу гадойтопмас жойга ит азобида уч марта келиб-кетди, қани натижа бўлса, қуруқ ваъда билан қуюшқонни босиб жўнатишади. Поша Салаевич яна тирғалиб олганда, йўқ деб бўлмади, ҳаммасини келишиб, охирги тўчкасига етказиб қўйган эмиш, боради-ю, олиб, ғирра изига қайтади. Фақат йўлда киссавурларга ҳушёр бўлса, етарли. Поша Салаевич бу сўзларни мийиғида кулиб айтди, чунки ўзининг киссавурларга иши тушганини, чўнтаги шип-шийдон қилинганини бутун жамоа биларди.

Гадойтопмас маконнинг одамбезор бекатида юмшоқ автобусдан тушиб қолар экан, оёғи ерга тегиши билан сойнинг тубига бориб қолгандек туюлди. Қияликдан тайпанглаб, асфальтга қадами етгач, қуюқ тутун бурқситиб гувлганча узоқлашаётган автони унсиз кузатаркан, бир фароғатдан айрилгандек бўлди. Янтоқ ва ёвшонлар қоплаган йўл четида туриб, уни қандай саргузаштлар кутаётганини тахминан ҳис қилди. Бу манзаралар унга анча “қадрдон” эди. Ўтган йил яккам-дуккам бўлган бозор расталари қаторлашиб қолибди. Уларнинг сони ҳийла кўпайган.

Автоуловдан тушган Жумодил катта издиҳомнинг устидан чиқиб қолди. Қўнғизчалардек дўмпайиб турган дўконлар қаторининг ўртароғида одамлар ғуж бўлиб олган, улардан атрофни батанг қилаётган шовқин тараллар, халқобдай айланган оломоннинг ўртасидан сидирға чанг ҳам кўтарилар эди. Жумодилнинг қулоғига кирган ягона сўз “Меҳмон... меҳмон” бўлди. Нима, меҳмон кўпкариси бўлаяптими? Жумодил ўзи истамаган қизиқиш билан издиҳомга юзланди. Ўртада бир одам букчайиб, даврадан қочиб чиқишга уринар, унинг аҳволи ночор, телпаги тушган, ўсиқ сочлари пешонасига осилган, афт-ангори чанг, жон ҳолатда йўл топишга уринар, уни ўраб, забт этиб келаётганлар эса “Меҳмонга қараш, меҳмонжон, нима бўлди?”, яна алмойи-алжойи сўзларни бақириб такрорлаганча ожизни қистовга олиб турар, кўринмас жойлардан унинг биқинига, орқасига, елкасига — дуч келган жойига мушт тушарди. Тилида ширин бир лутф, қўли мушт бўлиб тугилган бу оломоннинг мантиғига тушунмай, Жумодил ўзини четга олди. Ниҳоят, қадди дол жабрдийда бир нави чорраҳага чиқиб олгач, оломон тарқалди. Унинг изидан “Яхши боринг, меҳмонжон! Келиб туринг, меҳмонжон! “ сингари хитоблар янгради. Бу қандай илтифот бўлди экан?

Кейин маълум бўлишича, жанубга кетаётган йўловчи машинадан тушиб қолган одам бозор расталарини айланиб, ҳар нарсага қизиқавер-

ган, “Нега нарх юқори, вақти ўтган, сифати ёмон” деб сотувчиларни писқантираверган, бири билан тортишиб ҳам қолган. Шу пайт иш кўрган йигитлардан бири унинг чўнтагига бир бойлам пул тиқиб юборган. Меҳмон тафтишини давом эттираверар экан, “Пулимни йўқотдим, кимдир олиб қўйибди. Ўғрини ушла” деганча, “дод” солиб кимдир келган. “Ўғри” ҳам тезда топила қолган. Оқибатда, тартиб ўрнатмоқчи бўлган меҳмон шундай сийловга дуч бўлган. “Эй, художон! Бунақасини бегона қилгин”, деди ичида ўтакаси ёрилиб Жумодил. Дастлабки таассуротлар вазият анча жиддий эканлигидан дарак берарди.

Маҳкамага борганида, тушликдан қайтган ходимлар мудраб ўтиришарди. Иш юритувчи Серкабой уни дарров таниди, афтини буриштириб, ўз муносабатини яшириб ўтирмади. Жумодил тинимсиз қатнашларим уларда тирноқча шафқатни уйғотгандир, бу гал одамгарчилик қилишар, деб кутганди. Боз устига Поша тўла ишонтирганди. Бундай муносабатни кўриб, Жумодилнинг ҳафсаласи илк сонияданоқ пир бўлди ва хаёлан келгуси саргузаштларни кўз олдида суратлантирди. Уч-тўрт марта келиб, бу жойнинг ҳавосини анча олган, ўр-чуқурини тушуниб қолганди. Ўзи, зайтун уруғининг пулидан кечиб юборса ҳам бўларди, унинг ҳисобкитоблари шундай қилиш ақлли иш эканлигига тобора ишонтирмоқда эди. Қўшниси “Қаерларга серқатнов бўлиб қолдингиз?” дея лузум қилганда, ташвишини айтувди, оғир-босиқ одам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. “Сиз Чўқморчидан пул оламан, деб юрибсизми?” деди у бўғриқиб кўз ёшларини артганча. “Уларнинг совунига кир ювмабсиз. Улар бермайди, олади”. Кейин бир қатор ҳангомаларни, жумладан, “микрокредит” можаросини айтиб берди. Юзлаб оилаларга миллион сўмлаб қарз берилган. Уларни қайтариш муддати тўлгач, мутасаддилар қарзни ундиришга жаҳд қилишса, ҳамма бир гапни такрорлар эмиш: “Отамиз бизга совға қилганлар”. Ҳар қандай замонавий, ҳар қандай молиявий тушунтиришлар зое кетаверибди. Ҳамманинг оғзида ўша гап. Мутасаддилар жаҳли чиқиб, босимни кучайтираверишса, шунда ҳам пинакларини бузмай “Отамизнинг обрўларига путур етказманг. Совғани ҳам қайтиб олама? Отамизнинг ҳимматлари чексиз. Ҳаддингиздан ошаверсангиз, ООН га ёзамиз” дейишаркан. Мана, уч-тўрт йилдирки, давлат бу можарони ҳал қила олмаяпти. Жумодил йўл бўйидаги воқеани кўз олдига келтириб, буларнинг турқи-ангорини кўриб, ҳафсаласи бутунлай пир бўлди ва ичида ўзини аямай сўкди: “Ўзим ахмоқман. Билардим-ку буларнинг неча пуллик одамлигини”.

Энди кеч, парда кўтарилган, томоша бошланган, ўйинни давом эттириш лозим эди. Совуқ, тунд башараларга қараб, ичидан бир ғазаб қўзғалди. Кейин бу туйғу ақлга бўйсунди-да, ҳаракатга туртки бўлди. Ўзининг мавқеи, идорасининг обрўйи кўз олдига келиб, “Наҳот улардан ғолиб кела олмайман. Улар қилган лўлилик ҳамманинг қўлидан келади” сингари фикр уйғонди. Ҳеч кимга парво қилмай, сўрамасдан Серкабойнинг ёнидаги юмшоқ курсига ўзини ташлади. Уларнинг ҳушини ўзига келтириш учун аччиқ бир сўкинди-да, овозини яна ҳам баландлатиб, “Катта борма?” деди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Гўё бу жойда Жумодил йўқ, у ҳеч нарса гапирмади. Фақат Серкабой олдидаги компьютернинг тугмасини ишқалаб, ёнидаги озғин, сариқ болага зарда билан деди: “Анкеталардинг нечави тайяр бўлди?”.

Нимадир жавоб қайтди. Шу билан ташкилотда иш бошланди гўё. Бири телефон гўшагини айлантириб, қаергадир қўнғироқ қилди, бошқаси

варақларни титкилай бошлади. Фақат уларнинг даврасида ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Жумодил буларга тенг келиб бўлмаслигини шу лаҳзада сезди, энди “подход”ни ўзгартириб, бир оз ялинганнамо оҳангда сўради: “Катта келадиларми?”.

Серкабой компьютер ойнасига суқланиб қараб ўтирар, киприк ҳам қоқмасди. У гўё уммондан балиқ изларди. Топди чоғи, чуқур сўлиш олиб, унга томон шох ташлади-да, худди биринчи марта кўраётгандек, сўлғин тикилиб, гап қотди: “Нимадир дедингизма, дамла?” “Каттани... сўраётувдим”. “Ҳа, катта жоқ, — меҳмоннинг овозини эшитишни хоҳламади, шекилли, гапига аниқлик киритди, — вилоятга кетган. Вазирликдан келган камиссия билан журипти”.

Тунд бўлиб ўтирган одамнинг шунчалик очилганини илтифот билган Жумодил бир оз бидирлаб, маълум гапларни такрорлади.

— Ўша, зайтун-да. Биласиз-ку, олдин ҳам келувдим. Ўшанинг...ҳалиги харажатлари (ҳуркитиб юбормай, деб “пули” демади) бўлиб қолган бўлса... дегандим.

— Бу масалаларни “катта” ҳал қилади. Ўзи билан гаплашасиз.

— Тўғриси, қатнайвериш ҳам жонга тегди. — Серкабой баттар бўл, сени ким чақириб келаяпти, дегандек тикилиб турарди. Қабулхонага қараган эшик очиқ, ундан ўтган-қайтган кўзга ташланарди. Кимдир гулдираб яқинлашаётган эди. Бирданига коридорда чорпахилдан келган, юзи рапидадек сербар, олтмишлардан ўтиб қолган одам пайдо бўлди. У унниқиб кетган костюм, дазмолланмаган куйлак кийган, бироқ қип-қизил тусдаги галстуг осиб олганди. Мабодо у галстугсиз бўлганда одми одам бўлиб қолар, бўйинбоғ унга маҳаллий даражадаги салобат бағишлаганди. Бу жойларда ҳамма ҳам галстуг осиб юрмайди, бу даражанинг ўз мезонлари бор. Кимки бўйинбоққа лойиқ бўлмаса, ҳамма унинг устидан кулади, кулгуга қолмаганларгина бўйинбоғ осади. Бундай одамлар ҳақида эса бошқалар “Тушни ҳам галстуг тақиб кўради” дейишади. Бу ухлаганда ҳам бўйинбоғи бўйнида бўлади, дегани.

Энг кўнгилли томони — галстугли одам Жумодилга таниш эди. У “Болаларни тўғри эмизиш” жамғармасининг шу тумандаги вакили эди. Тошкентда дуч келган, ҳар эҳтимолга яраша телефонини олиб қўйганди. Омадни қарангки, “Эшаклининг олдидан тулки чиқади” деганларидек, кўзи учиб турган одамининг ўзи йўлиқиб ўтирибди.

Кўчим бобо (танишнинг исми шунақа эди чамаси) бу маҳкамаларга эркин экан, Серкабой ва бошқалар билан шовқинлаб, бош уриштириб кўришди. Жумолдилни кўриб эса яйраб кетди. Ҳайтовур, уни пойтахтдан комиссия бўлиб келган деб тахмин қилди чоғи, ошиғич ширингуфторлик билан омонлашди. Бундан атрофидагиларга “Биз ҳам юқори билан гаплашамиз” дегандек писанда бор эди. Бундай илтифот Жумодилга ҳам ёқди, енгил ошиб, даврага қўшилиб ўтирди. Меҳмоннинг чеҳраси очилгани бошқаларга ҳам кўчди. Ўртада салмоғи йўқ гап-сўз айланаётган эди. Жумодил вазиятга ишчан тус бериш учун:

— Каттанинг қачон келиши аниқ эмасми? — деди.

— Йўқ, — деди Серкабой олдингидан ҳам баттар совуқлик билан. Жумодил гапни шамоллатмаслик учун Кўчим бобога юзланди:

— Вазир салом деб юборди (республика ташкилотининг раҳбари ўзини жуда катта тутар, “вазир” деб аташларини талаб қиларди). Ният холис экан-да, ўша йиғилишда “биз томонларга боринг...” деган эдингиз. Мана,

Чўқморчида учрашиб турибмиз.

Бобонинг виқори йўқолиб, попуги пасаётганини сезган Жумодил бу жойда “катта”ни пойлаш фойдасиз эканини билди-да, чолга “Ташқарига чиқиб гаплашайлик” ишорасини қилди. Уни қўлдан чиқармаслик лозим, ахир иш битмай, кечда қолишга тўғри келса, борадиган жой ҳам йўқ. Кўчим чол ҳеч қуриса уйига таклиф қилар, ўйларди меҳмон. Яна кўришишга келишиб (ҳолбуки, Серкабойнинг башарасидан “Сенга кўзим учиб ўтиргани йўқ” деган ифодани уқиш қийин эмасди), учинчи қаватдан қуйига туша бошлашди.

Кўчим бобо Жумодилнинг нима мақсадда келганини фаҳмлай олмаётган, агар жиддийроқ юмуш билан келган бўлса, имконини қилиб, унинг воситасида бирор “осилиб ётган” ишини чамаларди. “Агар ҳокимга кирса, катта ўғилга томорқани шипшитсам бўлади” деган ёрқин фикр калласига келди ва ўзини чуқурроқ таништиришга киришиб кетди.

— Буларнинг ҳаммаси шогирдим, — гап бошлади Кўчим (“Шогирдларинг шулар бўлса, ўзинг гўр бўлармидинг” — мулоҳаза қиларди Жумодил орттирган тажанглиги билан). Кўчимнинг эса чакаги очилганди. У чанг босган қаровсиз йўлаклардан пўрим кийинган одам билан ёнма-ён кетаётганидан шишинар, ўзининг кимлигини бошқалар — увадаси чиқиб кетган одамлар кўриб қўйишини хоҳларди. — Йигирма етти йил бир мактабни бошқардим. Атрофдаги қишлоқларда бўладиган тўйларнинг ҳаммасига ўзим раислик қиламан. Э, тўйлар қанақа ўтарди? Маслаҳат ошига етмиш яшик ароқ етмасди. Вечерда приз қўяман — энг кўп ичганларга биринчи, иккинчи, учинчи ўрин. Ўзим ҳам юзта шеър ўқийман, ҳамма “ётиб” қолади. Давранинг учи-қири кўринмайди. Кейин районога мўдир бўлдим. Унда ҳам ишлар зўр эди.

— Чўқморчиликлар бунча кўп ичади, десам, уларни ичишга сиз ўргатган экансиз-да.

Кўчим беғубор ҳазилни тушунди, яйраб кулишдилар.

— Бир абед қилайик, — деди Кўчим бобо. — Учта ресторан ўзимга қарайди. Худога шукур, ўғиллар эсли-ҳушли чиқди.

— Уларнинг онаси нечта?

Кўчимнинг жаҳли чиқмади, аксинча, яйраб кулди.

— Ҳамма балони биласиз-а, раис бобо.

Бу жойларда маст бўлиб юриш, расвоси чиқиб, турли қилиқлар қилиш, хотинлар билан гап-сўзга қолиш обрў саналишини Жумодил сафарлари давомида сезганди, гурунгларда шунақа саргузаштлар дев билан жанг қилиб енгандек, ғурур билан тилга олинарди. Шунинг учун атайлаб “қаҳрамонликлар” ҳақида эркинроқ гап қилар, булар суҳбатдошига ёқаётганди. Ичувчи, расво, хотинбозни бу жойларда “зўр” деб билишар, улардан ҳайиқишар, аниғи — қўрқишар, аммо катта “давра”ларни ўшалар бошқарар, уларнинг айтгани-айтган бўларди. Қўрқишадими!?

Катта асфальт йўл четида, олдида арчалар бўлиқ ўсган, “Нигора” деган ёзув ўқлоқдек нигоҳларни туртиб турган қўш қаватли бино олдида Кўчим тўхтади. “Бир ўғлим шунинг шепи, — деди овози бир оз қалтираб. — Дўстёрди чақир”.

Одам кўп, ҳамма ўринлар банд экан. Шовқиндан холе, салқинроқ жой бўлса, бир пас роҳат қиладиган кайфият бор. Фақат четроқдаги столда бир нусха ўтирар, у емагини аллақачон тановул қилиб бўлган, кимнидир кутардими, атрофга аланг-жаланг боқиб турарди.

— Жойлар бўшми?

— Бўш-бўш, — тепакал, қалин гардишли кўзойнак таққан одам тик қараганча жавоб берди. Шу жойга қўнишди. Дўстёр келди, истарали, чаққонгина бола экан. Кўчим жиловни қўлга олиб, буюртма берди:

— Ярим кило жиз. Ёғли бўлмасин, меҳмон келган. Чакки, битта ароқ, кўк чой.

— Бозор жа зўр бўлибди, — деди Жумодил кайфиятни кўтариш учун яхши гапларни эслаб.

— Бу ҳоким зўр чиқди. Мапияни синдириб қурди-да.

Нарху наво, обу ҳаводан гурунглашиб ўтиришди. Таомлар ҳам келди. Шунда Жумодил оч қолганини сезди. Ваҳима билан ўзини эсдан чиқариб қўйибди. Жиз тотли эди, бу жойларда жайдари қўйлар боқиладида. Пиёлалар айланиб турибди, ҳаммаси яхши. Фақат ҳалиги нусха аллақачон косаси бўшаган бўлса ҳам қўзғалишни хаёлига келтирмас, боз устига уларнинг дастурхонидан кўз узмас, ўқтин-ўқтин суҳбатга ҳам чил солиб турарди. Гап эски хотиралар, таниш-билишлар юзасидан айланарди.

— Абдимутални танирмидингиз?

— Ҳа, биламан. Райкомда орготделда ишлади. Қўли очиқ, шалдираган одам эди, — деди Кўчим чол кўнгли очилиб.

— Э, бекор айтибсиз, Кўчимбой, — бирдан ўртага суқилди нусха. — У қанчани додайлатган.

— Қариндошингиз ўғри чиққан бўлса, айб ўзида-да, — деди Кўчим. Нусха баттар ўдағайлади. “Ҳали бу иккаласининг ўртасида қози бўлиб қолсам эди”, деб ўйлади-да, Жумодил:

— Бобо, шунга қараманг, — деди. Нусха аллақачон унга ёқмай қолган, фақат “Тур, кет” деб айта олмаётганди. Орада муроса пайдо бўлди, тановул давом этди.

— Нав синаш станцияси ҳам тугаб кетди-я, - сўз қотди Жумодил. Унинг ваҳми зайтун уруғларининг “тақдири”ни билиш, уларнинг аниқ бир одамга етиб борган-бормаганини аниқлаб, иши битиш-битмаслигини чўтлаш эди. Зайтун уруғини бошқа бировга сотиб юборган ёки кўмиб ташлаган бўлишлари ҳам мумкин эди-да. Қув, каззоб одамлар гап нимадалигини очиқ айтишмайди-да, одамни сарсон қилишади, деб ичидан жиғибийрон бўларди.

— У жойларни дачага бериб жубарди-а, — деди нусха яна ўртага суқилиб. Асаблари таранглашган Жумодил бу сафар тутиб туролмади:

— Илтимос, бизга халақит берманг. Ўзимизнинг гапларимиз бор...

Кўчим “Бекор қилдингиз” дегандек қараб қўйди. Нусха эса ранги учиб:

— Мен сени таниб турипман, нима менга жириллайсан, - деди.

— Мен сени... сизни танимайман, танишни ҳам хоҳламайман.

— Ҳа, ўшанда танирдинг, ёдингдан чиқдима?

Ё, тавба, зўравонлик ҳам шундай бўладими? Овқатингни ҳам тинчроқ ея олмасанг.

— Ҳеч сизни танимайман, — гап қуюшқондан чиқиб кетаётганини сезган Жумодил бир оз ён бериб гапирди. Кўчим ерга қараганча жим бўлиб қолди.

— Биласан, нимага билмайсан, — нусха андишани ҳам унутиб, чинакам ҳужумга ўтгани аниқ эди. — Эшпўлат, Турсунали, сени ҳар якшанба куни ошга олиб чиқар эдим, киссангга пул тиқиб қўяр эдим.

— Полвон, — деди ниҳоят Кўчим тилга кириб, — берган бўлсангиз, юзига солманг, эркакнинг иши эмас.

Бу гап Жумодилнинг ҳамиятига ҳам тегиб кетди.

— Э, нима деяпсан? Сен қачон ош олиб бергансан, мени боққансан?

— Фалон йиллари.

— Мен бу йиллари Марғилонда эдим.

— Йўқ, Тошкентда эдинг.

— Ҳушинг ўзингдами? Ҳаётимни мен биламанми, сен биласанми?

— Ҳамма нарсангни биламан. Марғилондан шарманда бўлиб кетганингни ҳам биламан.

— Бекор айтибсан. Мен Марғилондан обрў билан кўтарилиб кетганман. — Бунчалигини кутмаган Жумодил чинакамига ғазабланиб, ҳатто ўрнидан бир қимирлаб ҳам қўйди. Чамаси, Кўчим чол ҳам бунақасини кутмаган эди, каловланиб қолди чоғи, нуқул “полвон, полвон” дейди.

Буларнинг одати шуми, томошани охиригача кўришни хоҳлайди чоғи, туриб, нусхани олиб ҳам кетмайди. Қўлидан ушласа, муштлаб юборишидан қўрқадими?

— Эй, мени Баҳор полвон дейди, Чордалада ҳамма танийди... - тобора ғазабланарди нусха. Жумодил “Қани биров келса-да, нарироқ олиб кетса” деб ичикарди.

— Полвон, э, меҳмон ахир, — деди Кўчим аранг ютиниб.

— Ҳалиям меҳмон экан, деб қараб туриппан. Бўмаса, тишингни қоқиб олар эдим, — деди нусха Жумодилга муштини ўқталаб. Ҳаммаси сўнгги чегарасига етган эди. Жумодил бутунлай тилини ютди. Қарзни ундириш эмас, калтак еб шарманда бўлиб кетиш ҳам ҳеч нарса эмаслигини тушунди. Нусха кўзининг пахтаси чиқиб унга тикиларди. Жумодил чўкиб қолдими, ичдан эзилгани билиндими, ҳатто йиртқичда ҳам сақланиб қоладиган сўнгги шафқат билан нусха буни сезди, шекилли, “Ҳали кўрасан” деб ўдағайлаганча ўрнидан туриб кетди. У арчалар орқасига пана бўлар экан, “Бечоранинг егани ҳам заҳар бўлди” деб ўйлаган Жумодил ўзидан хафа бўлиб кетди.

“Бу ...жойларга унинг ити адашган эдими?” Ўртага хижолатпазлик чўкди. Кўчим бобо “Дўстёр, иссиқ чой келтир” деди. Унинг овозида гина йўқ, шахдам эди. “Мияси суюлиб қолган, — деди бепарво. Бекор қилдингиз...” “Тенг бўлиб”, дедими, “қизишиб” дедими, тушуниб бўлмасди. Лекин кайфиятига зиғирча таъсир қилмаган, худди устидан ёмғир қуяётган кўл бақасидай бепарво эди. Жумодил ҳам сездирмасликка ҳаракат қилди. Овқат тўниб қолган эди. Кўчим товоққа ёпишди, унинг бепарволиги Жумодилга ҳам юқди. Барибир иштаҳа билан ейишди.

Кўчим чол бошқаларга ўхшаб, ўктамлик билан ҳисоб-китобни эртага қолдириб кетмади. Ҳисобчини чақирди. Харажатни айтди. Жумодил тилга кирди:

— Кўчим ака, нақд бераман, деб ўтирманг. Менда пластик бор.

— Э, қўйинг, қўйинг, меҳмонсиз. Бизларда бу уят ҳисобланади.

— Бир марта уялиб турасиз. Жа қўймасангиз, кечки овқатни сиз тўлайсиз.

— Одамни хурсанд қиласиз-да, — деди чол беихтиёр яйраб. — Бўлмаса, соат бешлардан кейин телефонлашамиз. Мен ҳозир бир жойга бирров кириб чиқаман, ишим тез битса, сизни ўзим топаман. Сиз ҳам ишингизни битиринг. Пулни ўндиринг. Эрта бир кун мошин уриб кетса, ё ўлиб-нетиб қолса, кимдан ўндирасиз, ким тўлайди?

Ҳозирча Жумодил кечаси қоладиган жойни нақд қилганидан хурсанд, “катта”ни ярим тунгача бўлса ҳам кутишга тайёр эди. Булар қизиқ экан. Биринчи келишида каттаси Серкабойга тайинлади: “Меҳмонни овора қилмайсан, тез ташкиллаштир”. Шу гапни айтган одамни учинчи марта-

ки учратолмайди, буниси кўзини лўқ қилиб, “Катта билади”, деб тураверади. Йўл азоби, бу жойдаги оворагарчиликлар парвосига ҳам келмайди. “Ҳозирги можаро... расво бўлди, шунчаликка бориш шартмиди?” Жумодилнинг боши лўққиллаб кетди. “Ҳаммасидан - катта йўлда йиқилиб қолмай. Буниси чинакам комедия бўлади”.

Дарахт соясига ўзини олди-да, бир салқин шабада келармикан, дегандек атрофга жаланглади. Ён-веридан одамлар ўтиб турар, ҳаммаси шошган, тажанг, бироқ парвойи палак эди. Ҳозир биров туртиб кетса ёки тепиб юборса ҳам пинагини бузмай, ўрнидан туриб, кийимини қоқиб, йўлида давом этадигандек лоқайд эди. Шу тарзи ҳаёт, шундай турмуш мароми уларни ўз ўзанига солиб олган, эҳтимол, қайси бирларидир ҳозир худди Жумодилга ўхшаб, биров билан ёқалашиб келаётгандир, аммо сиртига сув юқтирмас, бепарво ва тепса-тебранмас эдилар. Бу манзаралар Жумодилдаги уят эмас-ку, хижолатпазликка ўхшаган ҳисни қувиб юборди, у ҳам кўча тўлиб кетаётган одамлар оқимига қўшилиб, ҳеч нарса рўй бермагандек, шахдам йўлга тушди. Ростдан ҳам, нима бўлди? Бирон ери шикаст егани йўқ, тўрт мучаси жойида. Орият топталган; бу даҳанаки жангни бундай ҳам деб бўлмасди, шунчаки тушунмовчилик рўй берган бўлса, нима қилибди? Бир тупроқ чангитиб юрган бенаво одам қўлидаги совуқ чойини меҳмонга тутди, чанқаб турган меҳмон уни охиригача сипқориб юборди. Шундай бўлиши лозим эди — шундай бўлди. “Шаън, обрў учун дуэлга чақиришлар, қилич сирпашлар тарих ғаладонида қолиб кетди”. Жумодилнинг ўз мантиғидан дили анча ёришди, энди саргузаштни давом эттиришга бутунлай тайёр эди.

Маҳкама дарвозасининг келаётганларга анча ҳушёр қоровули уни таниб қолган шекилли, ачинганнамо нигоҳ билан қарши олар экан, ҳеч нарса демай эшикни очди. Ялтиратиб тозаланган, юмшоқ гиламлар, оқ чойшаблар тўшалган йўлакдан ичкарига кириб борар экан, ташқарининг ушоғи ҳам бу саришталикка ўхшамаслиги диққатини тортди. “Катталар ҳаётни худди шундай ғуборсиз тасаввур қилсалар керак”, деб ўйлади Жумодил.

Қабулхона рўпарасида икки-уч киши серрайиб турар, уларнинг юзи ташвишли эди. Ичкарида кимнингдир иҳрагани эшитиларди. “Нима гап, тинчликми?”. Жумодилнинг сўровига жавоб бўлмади. Яна ияк қоқиб, бош қимирлатиб қилган ишорасига турганлардан бири аранг эшитиладиган қилиб: “Серкабойнинг ичи юришмай қолибди” деди. Ёнидаги ҳамроҳи “пиқ” этиб кулди-да, шипшиди: “Ҳеч қуриса, овқатдан заҳарланибти, дегин”. Бошқа гапга ўрин қолмади. Барибир нима бўлаётгани номаълум эди. Ичкаридан озғин, сариқ бола сувини чайқалтириб, бир челак билан чиқди-да, ташвишли нигоҳларини яшириб, шашт билан пастга тушиб кетди. Жумодил унинг изидан “Укажон...” деганича қолди. Шу зумда уни тинглайдиган ҳеч ким йўқ, қолаверса, бундай серташвиш ҳолатда қандайдир ўзингнинг майда дардларинг билан ҳукумат одамларини чалғитиш худбинлик ҳисобланарди.

Жумодил катталарга инсоф тилаб, коридорнинг тўрига қараб кетди. Ичкарироқда бурчак бўйлаб юмшоқ ўриндиқлар қўйилган, ҳатто ҳозир урф бўлган каттагина сув ичиш қурилмаси ҳам ўрнатилганди. Сув ичишга идиш йўқ эди. Сув ҳам. Жумодил юмшоқ ўриндиқнинг четига омонат чўкди. Ўтириши билан майин бир ҳузур қувиб келди. Ўзини суянчиққа ташлаб юборди. Панжаларида бир ҳорғинлик сезди-да, ўзича “Ахмоқ каллам тиним бермаган бечора оёқларим бир зум ҳордиқ олсин” деб, пойафзалини ечди. У айни мириқиб ухлаш ҳолатида эди...

Нимадир шитирлаганидан кўзи чарх очилиб кетди. У юмшоқ диванда тойлоқдек яйраб, оёғини узатиб ётарди. Хижолат бўлиб, шарт ўрнидан турди, бошини силкиб, ҳушини жойига келтирди. Биринчи ёдига тушгани пойафзали бўлди, шартта пастга қаради. Туфли жойида йўқ эди. “Ё, тавба!” Уни кимдир ўғирлашига ишонмасди. Кузатиб туришган эканми, халат кийган барваста одам пайдо бўлди. “От чарчабти-да, раис бово”. Жумодилнинг аскияга тоби йўқ эди, бўғилиб “Туфлигим қани?” деди. “Э, ҳали туфлигийиз борлигини ҳам биласизми?”. “Майнавозчилик қилманг. Ахир мен оёқ яланг юрмайман-ку”. “Ҳозир оёқяланглар ҳам кўпайган”, барваста хириллаб кулди. “Милисага телефон қиламан...” “Бизда йўқолган нарсаларга қоровул жавоб беради”. Шовқинни эшитдими, ичкаридан сариқ бола чиқиб келди, гап нимадалигини тушунди, чоғи, барвастага нимадир деди. Иккаласининг ҳам қораси йўқолди, Жумодил диванда тушишни ҳам-тушмасликни ҳам билмай, аросатда турарди. Зум ўтмай, қўлида туфли билан барваста пайдо бўлди, оёқ кийимини “тап” этиб ташлар экан, “Бу жой етимхона эмас-ку, кўчадан келган киши ухлаб жотаверса” деди.

Жумодил “Яна бир қовун туширдим-да, — деганча ўзини койиб, ташқарига чиқди. — Ўзи, фалокатга гирифтор бўлган эканман”. Соат ҳам бешга яқинлашиб қолган экан, Кўчим чолга телефон қилмоқчи бўлди. У бегона одамлар орасида ўзини кимсасиз ва хор сезди, шу аснода унга Кўчимдан яқин, дардкаш одам йўқдек эди. Агар уни топса, энди нима қилишини сўрайди, ҳар ҳолда у шу жойнинг тозиси, тулкини қандоқ овлашни билади. Гудок охиригача кетди, бироқ у томондан жавоб бўлмади. Идорасини ҳам айтмади қитмир чол. Яна соатига қаради. Беш-ўн дақиқа бор экан. “Ҳали Кўчим Тўлаевич айтган вақт бўлмабди-ку” деди Жумодил ўзича шодон.

Негадир воқеалар уни мафтун эта бошлаган эди. Руҳан шунақа ҳолатларга ўзини тайёрлаб келганди. Ўйин эса кутилганидан ҳам чуқурлашиб бораяпти. “Кичкина, жўн бир юмушнинг ҳал бўлиши шунча можаро, бунақада катта, улкан, ҳатто сайёравий муаммолар қандай ечилади?” дер эди ичида Жумодил ўзини аёвсиз эзиб. Шунда эзилиб кетаётганини ўзи ҳам сезди, ички бир туйғу билан “Иродамни қўлга олишим керак. Шундай пайтларда кутилмаган фалокатлар содир бўлади. Кимдир ҳамёнини йўқотиб қўяди. Ваҳимага тушиб, йўлга ирғиб чиқади-да, машина уриб кетади. Буни дард устига чипқон, дейишади. Нима бўлса ҳам уйимга эсон-омон етиб олай”, тарзида бамаъни мулоҳаза қиларди..

Шовқиндан четга чиқиб, яна рақам терди. Гудок кетиши билан у томондан жавоб бўлди. Бу айнан Кўчим Тўлаевич эди. “Э, катта бува, — дер эди у. — Срочни иш чиқиб қолди, мен Чамбелга кетдим”. “Нечи соатда қайтасиз?”. “Э, бугун боролмайман, иш жиддий...” Жумодил биров чимчилаб олгандек сакраб кетди. “Бу нима қилиқ? Менинг кўчада қолишимни биларди-ку”.

Энди ростдан иродани қўлга олиш керак эди. “О, туллак чол. Тушликка ҳам пул тўламади, яна алдаб қочиб қолибди”. Англаб бўлмайдиган, майда нарсаларни ўзи ҳам майдалашиб муҳокама қиларди. Буларнинг бори шуми? Қаршисида “Нигора” деган ёзув ўқлоқдек пайдо бўлди. Бу таниш манзара, гарчи хижолатли бўлса-да, ўзига чорлади. Кўчимнинг ўғлиники — ўзи шундоқ деди-ку. Бир илинж билан яқинлашди, балки отаси кўрсатмаган ҳимматни ўғли кўрсатар, кечқурун уйига таклиф қилар; югурдак болалардан бири унга “Овқат ейсизма?” деб пешвоз чиққан эди,

“Директор ким, борми?” деб сўради. “Дириктир Мурадбой”. Қўшимча саволлардан сўнг маълум бўладики, хўжайин бутунлай бегона одам, Кўчимнинг ўғли бор-йўғи буфетда сотувчи бўлиб ишларкан.

Вазият бировдан хафа бўлишни ҳам, ишни чала ташлаб кетишни ҳам тақоза этмасди. Қайсарлиги тутиб, буфетчини ҳам кўришга аҳд қилди. Буфетда бир зумга кириб, стаканни бўшатиб, турпни газак қилувчилар кети узилмасди. Хилват бўлгач, минг истиҳола билан гап бошлади:

— Отангиз билан бирга ишлаймиз. Мен Тошкентданман. Иш билан келувдим. — Бола турқини ўзгартирмай, “Ҳозир” деди-да, ҳафсаласизлик билан рақам терди. Яна терди.

— Жавоб бермаяпти, — деди. Мижозлар кутиб қолишганди, ишига машғул бўлди. Жумодил яна ҳам мақсадга яқинлашиб, “Бу жойда мусофирхона борми?” деди. Бола ҳушёр тортди, бир балодан халос бўлгандек чеҳраси очилиб, мусофирхонани қандай топиш мумкинлигини шошиб тушунтирди-да, бутунлай ўз ишига машғул бўлди.

“Йиримра етти йил мактаб директори бўлган, районони бошқарган ота нима қилди-ю, ўғил қандоқ каромат кўрсатарди?” Гўё жунглилар орасида бир кеча тунаш ҳаётий муаммога айланган Жумодил шафқатсиз мулоҳаза юритар, энди ўзини койимай қўйганди. “Чиқмаган жондан умид” деган нақлга амал қилиб, бола тушунтирган йўл билан мусофирхонани ҳам топди. Анча пиёда ҳам юрди. Тўйхонанинг ёнидаги бир қаватли уй экан, эшиги берк. Тўйхонада базм авжида, атрофда алаҳсираган, ўғжиган одамлар, ичкарида ҳамма рақс тушмоқда. Қийқирув-шовқин, биров гапни эшитмайди. Деразага илиб қўйилган рақам бўйича қўнғироқ қилувди, бир зумда бир бола пайдо бўлди. “Жой бор” деди, эшикни очди. Бирдан зах ва кўланса ҳид димоққа урилди. Ҳеч ким турмас экан. Сувараклар рақс тушиб юрарди. Нархи пойтахт баҳосида. “Шунақа ҳам бўладими?” — қўлини силтади-да, орқага қайтди.

Энди бу ёғи тақдир ҳукмига ҳавола эди гўё. Қоронғи тушаётган, машиналар ҳам сийраклашиб қолганди. Бекатга етиб келгунча бўлари-бўлди. Қулоғига “Тошкент, Тошкентга кетамиз” деган сўзлар чалинди. “Тақдир мени бошқараяпти” деб мулоҳаза қилди Жумодил. Қайрилишда шалпайиб турганди, оққушдай машина ғийқиллаб тўхтади-да, афти-ангори бинойидек одам энгашиб, “Ока, Тошкентгами?” деди. Топқирлигингга қойил. Ўзи, ҳаммаси жонига тегиб бўлганди, миқ этмай эшикни очди.

Олдинги ўринга шошилибгина ўрнашиб олган Жумодил яна бир марта ҳайдовчи билан саломлашди. У тартибли кийинган, чеҳрасида сокинлик, виқор бор зиёли одам эди. Жумодилнинг кўксига шамол теккандек бўлди, энтикиб нафас олди. Орқа ўриндиққа ҳам кимдир бор эди.

— Омадингиз бор экан. Шошиб кетаятувдим, тўғри келиб қолдингиз.

— Ўзи омадли одамман-да. — Енгил кулишди. Шу билан ўртадаги бегонасираш ҳам, дилтанглик ҳам кўтарилди. Машина пастқам, лойсувоқ уйлар қуршаган кўчалардан анча-бунча чапга-ўнгга қилиб юрди-да, яйдоқ далага чиққач, елиб кетди. Йўл равон эди, шу билан беҳуда ташвишлар ҳам ортда қолди. Жумодилни чарчоқ элитди, бошқа гапга ҳуши ҳам бўлмай, ўриндиққа ясланиб олди.

У кўзини очганда деразадан уйлар лип-лип ўтар, майин шамол юзга уриларди. Ҳайдовчи бу йўлларнинг рафтини роса олган шекилли, гоҳ тезликни ошириб, гоҳ тушириб, машинани денгиздаги кемадек бошқариб борарди.

— Ҳали нонга келмадикми?

— Анча бор. Самарқанд нонларини ёқтирасизми?

— Ҳа, ўзимга ёқади, лекин болалар ейишмайди. Уларга Тошкентнинг патири ёқади. Биз, энди, қишлоқда тандир нон еб катта бўлдик. Самарқанд нонида тандирнинг иси гупиллаб туради.

— Ишлар битдими? Меҳмонга ўхшайсиз.

— Битади-да. Битмаса, битирамиз.

Шу зайл боғдан-тоғдан гаплашиб кетишди. Жумодил саргузаштларини ипидан-игнасигача ҳикоя қилиб ўтирмади-да, ҳамони дилида оғриқ бўлиб турган бир саволни изҳор қилди:

— Одамлар нега бунча тажанг? Қандай яшашади? Қийналиб кетишмайдими?

Ҳайдовчи ҳам кечинмаларини ўртоқлашадиган ҳамфикр излаб юргандек, тезда суҳбатга

киришиб кета қолди:

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Бир ишни бошлашдан олдин ҳаприқиб, сенменга бориб олмагунча қулоқ ҳам солишмайди, гап тушунтириб ҳам бўлмайди, муомала қилиб ҳам. — Ҳайдовчи иссиқ-совуқни кўрган, мулоҳазали одам экан, ҳаётий кузатишларидан анча гаплашиб кетди.

— Бу жойларнинг тўйларига келсангиз. Чинакамига яйрашади. Эрталабдан гўшт ейишади, ёнида бир яшик ароқ ҳам бўлади. — Ҳайдовчининг ўзи ҳам завқланиб кетаётганди. — Айниқса, Наврўз байрамида роса очилишади. Басма-басига. Бир қишлоқ минг кило гуруч дамласа, иккинчиси бир минг икки юзга оширади. Бири тўрт минг долларга артис олиб келса, буниси беш мингга об келади.

— Шунча ошни ейишадими?

— Ейди. Қолса, уйига олиб кетади.

— Доллар ҳам етарлича топиларкан-да, — деди шаҳарлик Жумодил тамшаниб.

— Белларига боғлаб юришади, — жавоб берди ҳайдовчи.

— Ҳовлиларининг девори йўқ экан, бола-чақа аралашиб кетмайдими?

Ҳайдовчи тезликни алмаштирар экан, машинага газ бериб деди: “Ҳар бало бўлади”. — Бир оз сукутдан кейин қўшиб қўйди:

— Аслида одамларда ҳам айб йўқ. Ҳаёт шундай қилиб қўйган. Қаранг, боғда гул, чўлда янтоқ ўсади. Одам ҳам шу. — Орадаги сукунатни кўтариш учун гапни анча юмшатди: — Буларнинг тилини топиш керак-да. — Афтидан Жумодилнинг хафа бўлиб қайтаётганини сезди, унга ҳам маслаҳат, ҳам танбеҳ оҳангида сўзлади: — Тилини топсангиз, сонини ҳам кесиб беради.

“Тилини қандай топса бўларкан, улар қайси тилда сўзлашар экан?”, мулоҳаза қиларди меҳмон ўзидан айб қидириб.

— Айтгандай, — деди Жумодил бир оз шошиб, энг керакли гап ёдига тушгандек, — нимага бу жойларни “Чўқморчи” дейишади? Ҳар ҳолда сиз билсангиз керак, кўп гапдан хабарингиз бор экан.

— Ҳа, бу жойларнинг тарихи зўр бўлган. Шерюрак, мард одамлар яшаган. Боболардан эшитганмиз, бу улаҳат* тинг икки четида икки қалъа бўлган экан. Бири Асиф, бири Келеф. Орада саксон-юз чақирим масофа бўлса ҳам икки қалъа бошлиқлари оға-инидек иноқ яшаб, ёв келса, бирга курашиб, шу ҳудудларда тинчликни таъминлашган. Деҳқончилик, чорва ривож топиб, эл фаровон яшаган. У пайтлар жанг қуроллари милтиқ, тўп бўлмаган-ку, калтак, камон, гурзи, чўқмор билан олишган. Шу жойларда чўқмор ясайдиган усталар бўлган, ҳам йигитлари чўқмор урадиган паҳлавон бўлган, дейишади. Бу энди мозийнинг гапи.

Жумодил Серкабой, нусха, Кўчим, ўғлини кўз олдига келтириб, улардан чўқмор тутиб, ҳайқирганча ёвга ташланаётган боболарнинг ҳайбатини изларди. Кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Шуни сезгандек, ҳайдовчи давом этди:

— Кейин замон неччи тур ўзгарган. Бир пайтлар иноқ бўлган икки қалъа аҳлининг урпоқ* лари ёвлашиб ҳам кетишган. Бир-бирларининг молини талаб, қароқчилик, йўлтўсарлик қилишган.

— Бу гапингизда жон бор, — деди Жумодил кўнглининг тагидаги гапни топиб, қониқиш ҳосил қилгандек. Шу пайт салонда нимадир ғингшиб қолди. Орқада қулоқлари шалпайган, қаншари паст бола ўтирарди. У энгашиб, қоғоз қутидаги кучукчанинг бошини силади.

— Ҳа, раис, шер нима дейди?

— Сизди ейман, дейди.

— Э, ундай демайди, тўғри гаплаш. Эсли йигит бўл. Сенга катта ҳовли қуриб қўйдим, ўшатта яшайсан. Ўйлантириб қўяман сени. Уйланасанми?

— Сизга уйланаман.

— Э-э, уят бўлади, бунақа гапирма. Мана бу дода дўхтир, эсам, укол қилиб қўяди. — Бундай суҳбат унга бегона эмас шекилли, пинагини ҳам бузмай, изоҳ берди: — Овсарроқ. Янги участкага элтиб ташлайман. Кучукни боқиб, ҳовлини қўриқлаб юради. Ўргатган нарса эсидан чиқмайди.

Йўлда тўхтаб, нон олишди, ҳангомалашди, мусиқа тинглашди, хуллас, у қилиб-бу қилиб, манзилга ҳам етиб келишди. Бу пайтда қоронғи тушган, юлдузлар сайрини бошлаган, уйқуга ётганлар кўнглини хушлаганди. Жумодил “Жуда ўзига тўқ, бамаъни одамга ўхшайди. Пул олмаса керак” деган ширин хаёлга борарди. “Барибир атаганимни бераман. Йўл ҳақи бор ахир. Олмайман деса ҳам чўнтагига мажбурлаб тиқиб қўяман” деб ўзини тайёрларди. Ниҳоят, енгил чайқалиб, машина тўхтади. Жумодил эшикни қия очиб, атаганини узатди-да, қуюқ раҳмат айтиб тушиб кетмоқчи бўлди. Таажжубки, эшик очилмас, ҳайдовчи пулни ҳафсала билан санарди. Тўғри-да, “Топиб олсанг ҳам санаб ол” деганлар-ку, жуда тартибли одам эканми?

— Бой бува, кам-ку. Қўшинг. Бензинлик машина, олдинги ўринда мазза қилиб келдингиз. Сизни деб бошқа одам олмадим.

— Олманг, демадим-ку. Жуда бамаъни одамга ўхшаган эдингиз, - деди Жумодил бир оз тутақиб, ҳам хижолат бўлиб.

— Бамаъни одамга пул керак эмас, деб ким айтди? — овозда йўлдаги майинликдан асар ҳам йўқ, анча таҳдидли эди. — Яна қўшинг. — Пул мўлжални олгач, “ширқ” этиб эшик очилди. — Хафа бўлмайсиз, ирими шунақа. Шофёрингиз ҳам чакки одам эмас эди-да, ахир... академик, — деди ҳайдовчи шодон машинага газ берар экан.

Жумодил йўл четида серрайганча қолди. У оқимдан қирғоққа чиқиб қолган ходага ўхшарди. “Нариги томонга ўтиб олиш керак, машина уриб кетмасин”. Йўлда эса пашша ҳам учмасди. Бундан мамнун бўлди, кейин жилмайди. Кулиб юбориши ҳам мумкин эди. У меҳрибон хонадони бағрига тобора яқинлашиб борар экан, дилида оғриқли бир соғинч туйди. Бугунги ҳангомалар яна такрорланишини, яна Чўқморчига боришни истаётгандек бўлди. Бу сафар калтакланаётган одамни ажратиб юборади, Серкабой ҳожатини битиради, нусха кутиб олиб, меҳмон қилади, Кўчим чол қўймай уйига олиб кетади. Бу уйқу истагимиди ёки бош кўтараётган буйсунмас иштиёқмиди, билиб бўлмасди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва "Олтин Бешик"

Исмоилжон ИКРОМОВ,
Андижон Давлат Университети "Ўзбекистон тарихи" йўналиш магистранти.

Жаҳондаги ҳар бир халқнинг ўз миллий ифтихори, ғурурига айланган ўз тарихий шахслари, жаҳонгир саркарда, шоир ва адабиёт вакиллари бўлади. Ана шундай сифатларни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган халқимизнинг буюк намоёндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Темурийлар сулоласининг сўнгги йирик вакиллари орасидан ўзининг салоҳият ва иқтидори билан Ҳиндистондек азим юртда янги бир сулолага асос солган Мирзо Бобур нафақат ушбу диёр давлатчилик тарихида, балки ўзбек давлатчилиги тизимида ҳам ўз ўрнига эга. Унинг юртимиз тарихидаги ўрни нафақат шайбонийлар сулоласи даврига қадар балки, XVII-XIX асрлар давомида ҳам ўзининг тарихий номи, улуғ сиймоси билан алоҳида мақомда туради. Бунинг тасдиғи сифатида XVIII аср бошларида ташкил топган Қўқон хонлиги ҳукмдорларининг ўз ҳокимиятларини легитимациялаштириш жараёнида айнан Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига мурожаат қилганлигини кўришимиз мумкин.



XVII аср охири — XVIII бошларида Фарғона водийсида Мингларнинг бошқа ўзбек уруғларига нисбатан мавқеи кучайиб, улар томонидан янги давлатга асос солинади. 1709 йилда Минг уруғи етакчиси Шоҳруҳбий томонидан барпо этилган давлат кейинчалик Қўқон хонлиги номи билан тарихга киради [Аҳмедова, 16]. Ушбу сулола вакиллари томонидан ўз ҳокимиятларини "қонуний"лаштириш, сулола тарихийлиги ва анъанавийлигини кўрсатиш мақсадида "Олтин бешик" номи би-

лан аталувчи шажаравий тизим яратилади. Бу ривоятнинг қисқача мазмунида Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1512 йилда Самарқанддан Фарғона орқали Ҳиндистонга ўтиб кетади. Қочиш пайтида Бобурнинг хотинларидан бири ўғил туғади. Мирзо Бобур атрофидаги вазиятнинг қалтислиги туфайли янги туғилган болани ташлаб кетишга мажбур бўлади. Уни қимматбаҳо зийнат буюмлари қўйилган бешикка ётқизиб, содиқ хизматкорларидан бирига қолдирадилар. Ушбу вақтда қирқ, қирғиз, қипчоқ ва минг уруғларининг вакиллари томонидан ушбу бола топиб олинади ва унга Олтин Бешик дея ном қўядилар [Бобобеков, 21]. Кейинчалик у ва унинг ворислари Фарғона водийси ҳокимиятини бошқарадилар. Ушбу ривоят орқали минг уруғи йўлбошчиларининг ўз ҳокимиятларини легитимлигини таъминлашга қаратган бўлсалар ҳам, ушбу даврда Ўрта Осиёдаги барча уч давлат: Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари учун ҳам хос бўлиб, ҳукмдорлари ўзларини қайсидир маънода ўзларини Чингизхон ворислари эканлигига даъвоси ва ислом ҳомийси сифатида кўринишларининг белгисидир [Воҳидов, 137].

Қўқон тарихнавислик мактабида минг уруғининг келиб чиқиши билан боғлиқ "Олтин Бешик" қиссаси илк бор Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагийнинг "Шоҳномайи Нусратпаём" асарида берилган бўлиб, Умархоннинг саййидлик насаби ҳам "исбот" қилинган. Асар муқаддимасида муаллифнинг ўзи баён этишича, Умархон даставал Фазлий Намангоний томонидан ёзилган "Умарнома" асарини маъқулламайди ва Мушриф Исфарагийга уни қайта ишлаб, назмдан насрга ўгиришни буюради: "Қуръони мажиддаги ҳазрати Юсуфнинг аҳсан ал-қиссаси, "Шоҳнома мулки ажам" ва шунга ўхшаган асарлардагидек, назм олий фармонимиз шундай бу "Шоҳномаи номи" (Умарнома)никим, бизнинг савоб ишларимизни акс этган, фикримизга қарши бино бўлди. ... унинг таҳрир ипига тортиб бизнинг марҳаматимиз саройига ҳадя этгин". Мушриф Исфарагий айтганидек Фазлийнинг "Умарнома" асари "хон фикрига қарши бино бўлди", яъники Фазлийнинг асарида Қўқон тарихнавислик анъаналарига кўра минг қабиласининг аждоди ҳисобланмиш "Олтин Бешик" ривояти келтирилмаган. Шу сабабли ҳам "Умарнома" асари хонга маъқул келмаган ва уни Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагийга таҳрирлаш ва назмдан насрга кўчиришга буйруқ берган. Ана шу "Шоҳномаи нусратпаём" асаридан бошлаб Қўқон тарихнавислигида "Олтин Бешик" қиссаси келтириб ўтилади. Аммо қисса билан боғлиқ жой ва уруғ номларида бироз фарқлар бор. Хусусан, "Тарихи Шоҳруҳи" (Ибрат ул-ҳавоқин) асарида Мирзо Бобурнинг Фарғонадан чиқиб кетишда чақалоғини қолдириб кетиш ўрнини "Ҳўқанд сойининг икки қирғоғи бўйлаб то оҳиригача Чинкат, Пиллахон, Сарой, ва Тарғова ва Тўролғир каби беш-олтита деҳа бор эди, холос. Бу жамоа уч гуруҳ эди" дея белгиланади [Ибратул ҳавоқин, 38]. Мирза Олим Мушрифнинг асарида эса чақалоқни дастлаб учратган қабилалар "жамоаи минг ва жонкентлик ва жамоаи қирғиз ва қипчоқ тилло ва ажносларни иттифоқ бирла тақсим олдилар ва гумон қилдиларким, бул гўдак подшоҳзода турур", дея баён этилади [Мирза Олим Мушриф, 12]. Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли ҳам ўз асарида "Олтин Бешик"ка тўхталиб "... ушбу ерларда Чакат, Сарой, Тўрғова ва Тўрт айғир номли туркий жамоалар истиқомат қилган бўлиб, шулардан бир киши бешикни топиб олиб кетади", дея маълумот беради [Аҳмедова, 16]. Яна шуни такидлаш керакки, Қўқон тарихнавислигида "Олтин Бешик" қиссаси билан боғлиқ жой ва уруғ номларигина турлича бўлмасдан, ривоятнинг ўзи мазмун жиҳатдан ҳам бир неча версияларга эга. Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқан-

дийга кўра "Олтин Бешик" Балх ҳукмдори Муқимхон Тарғова мавзеида Нисобегим исмли аёлга уйланиб, ундан ушбу чақалоқни дунёга келтирилганлиги таъкидланса, яна бир версияда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гўдакни қолдириб кетиш ҳолати Кал Фаттоҳи ва Моҳичеҳра исмли шахслар номи билан ҳам боғлаб кетилади [Бабаджанов, 314]. Бундан кўриниб турибдики турли даврда Қўқон ҳукмдорлари ва тарихнавислари томонидан ёзилган "Олтин бешик" қиссаси якдил шажаравий асосга эга эмас. Бундан ташқари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бевосита ўзи томонидан битилган "Бобурнома" асарида ушбу қолдириб кетилган "Олтин Бешик" хусусида умуман маълумот келтирилмайди. Ёинки, "Бобурнома"да айнан "Олтин Бешик" билан боғлиқ йиллар баёни мавжуд эмас. "Бобурнома"нинг мантиқий давоми ҳисобланмиш Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома"си ва бошқа манбаларда ҳам ушбу қисса тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди.

Сўнгги йилларда Қўқон тарихнавислиги намоёндалари асарларини тадқиқ этишда яна бир "Олтин Бешик" билан боғлиқ янги версияга дуч келинди. Худоёрхон ўғилларидан бири (Муҳаммадаминбек) қаламига мансуб деб таҳмин қилинаётган "Анжум ат-таворих" асарида "Олтин Бешик"нинг шу пайтгача учрамаган, унинг бевосита Мирзо Бобур эмас, аксинча ўғли Ҳумоюн Мирзо орқали боғланувчи тарихи баён этилади. "Анжум ат-таворих"да ривоятнинг қисқача баёни қуйидагича: "Шаҳзода Муҳаммад Муқим (Муҳаммад Муқимнинг отаси Муҳамма Ҳаким Ҳумоюн подшоҳнинг кенжа ўғли, Акаршоҳнинг элотий укаси экан) Кобулда истиқомат қила олмасдан ўз мулозимлари билан Туркистон сари азимат қилади. У ердан Бухорога Вали Муҳаммадхон ҳузурига келиб катта ҳурмат-эътибор топади. Вали Муҳаммадхоннинг ўзи қизи Шарафнисо бегимни катта тантаналар билан унга хотинликка бериб, унга мерос бўлган Фарғона мулки ҳукуматини ваъда берди. Аммо мамлакатдадаги беқарорлик ва Имомқулихоннинг ҳокимиятга келиши билан Вали Муҳаммад Эронга чекинади. 1019 (1610-1611) йилда Вали Муҳаммад Эронга кўчганда, Муҳаммад Муқим ҳам меросий Фарғона мулки сари равона бўлади. У Хўжандга келиб ушбу шаҳарни Имомқулихон гумашталари қўлидан олиб, Фарғонани ҳам эгаллаш ниятида лашкар жамлашга киришди. Бу воқеалардан хабар топган Имомқулихон катта қўшинни юборади ва Хўжанд даштида содир бўлган жангда Муҳаммад Муқим лашкари енгилиб унинг ўзи оғир жароҳатлар олади. Фақат унгинг падари бузруквори Муҳаммад Ҳакимнинг улуғ саркардаларидан отабек Камолиддин уни ушбу уруш жаридан эсон-омон қутқариб чиқади. Улар шу кечанинг ўзида Хўжандни ташлаб Фарғона сари қочадилар. Тарғова мавзеига етиб келганларида Муҳаммад Муқимнинг хотини Шарафнисо бегим бир фарзанд кўради ва аммо унинг ўзи бу оламдан кўз юмади. 1019 (1610-1611) йил Муҳаммад Муқим ва яқинлари фавқулодда қочиш пайтида гўдакни ўзлари билан олиб кетишни ақлдан деб билмай, уни зеб-зийнатли матолар билан ўраб, ушбу мавзега қолдириб, ўзлари Ўш сари равона бўладилар. Лекин Муҳамад Муқимнинг ўзи ҳам орттирган жароҳатларидан зу-л-ҳижжа ойи, 1019 йилнинг оҳирида Ўшда вафот этиб, Осаф Бурҳиё номи билан машҳур мозорга дафн этилади. Шаҳзоданинг мулозимларидан отабек Камолиддин қайтиб келиб, қолдириб кетилган гўдак устида баҳслашиб турган турк, қирғиз, йуз, қипчоқ ва ўзбек тоифалари устидан чиқиб қолади. Камолиддин уларни муросага келиштириб, Мирзо Бобурга авлод ушбу чақалоқни кейинчалик Фарғона ҳукмдори қилиб кўтарадилар". "Анжум


ат-таворих"да берилган ушбу маълумотларни қайсидир маънода ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаш мумкин. Агарда бу маълумотлар тўғри бўлса, "Олтин Бешик" бевосита Мирзо Бобурнинг эмас, аммо Ҳумоюн Мирзо орқали унинг авлодидан бўлиб чиқади. Аммо яна бир асардаги чалкашлик томони муаллиф "Олтин Бешик" ривоятини келтира туриб, асарнинг бошқа қисмида Худоёрхон шажарасини беришда қарама-қаршиликка йўл қўяди: "Абулмузаффар Худоёрхон ибн Шералихон ибн Ҳожибек ... ибн Султон Худоёрхон Биринчиким, баъзи тарихларда Тангриёрхон деган. Мазкур Султон Худоёр ибн Султон Элик ибн ... лақаби Олтун Бешик ибн Заҳириддин Муҳаммад Бобурхон", дея насабни бевосита Мирзо Бобурга улайди [Анжум ат-таворих, 29].

Тарихий манбаларни бевосита солиштириш билан "Анжум ат-таворих" асарида келтирилган Муҳаммад Муқимнинг отаси бўлмиш Муҳаммад Ҳакимнинг айнан Ҳумоюн Мирзога ўғил эканлиги тасдиқланади. Гулбаданбегим "Ҳумоюннома" асарида "Моҳ Чучакбегим тўрт қиз ва икки ўғил кўрдилар: Бахтнисобегим, Сакинабонубегим, Оминабонубегим, Муҳаммад Ҳаким мирзо ва Фарруҳфол мирзолар" дея, унинг онасини ҳам аниқлаштириб кетади [Гулбаданбегим, 100]. Бевосита Муҳаммад Ҳаким ва подшоҳ Ҳумоюннинг вориси Акбаршоҳ муносабатларига тўхталсак, мамлакатда Акбаршоҳ томонидан турли дин вакилларига нисбатан кўрилаётган тенглик, уларнинг ювори лавозимларга кўтарилишидан нозори кучлар ўша вақтда Кобул ҳокими Муҳаммад Ҳаким номига хутба ўқийдилар ва уни тахтга кўтаришга ҳаракат қиладилар. Бундан фойдаланган Муҳаммад Ҳаким ўз қўшини билан Панжоб водийсига бостириб киради ва Лоҳур шаҳрини забт этади. Акбаршоҳнинг катта куч билан келётганлигини эшитган Муҳаммад Ҳаким тоғларга қочиб кетади. Аммо, акаси Акбар ижозати билан Муҳаммад Ҳаким Кобулни идора қилишда давом этиб, 1585 йил июлда ичкиликка берилиш оқибатида вафот этади [Ҳошимов, 38]. "Анжум ат-таворих" асарида ҳам Муҳаммад Ҳаким вафот санаси айнан бир хил: "993 йили шаъбон ойида (1585 йил) Муҳаммад Ҳаким ... ўттиз икки ёшда фоний оламдан мангулик боғига кўчиб кетти. Ундан гўзал юлдуздек учта ўғил: Муҳаммад Муқим, Муҳаммад Раҳим ва Муҳаммад Мўмин ва иккита покиза ҳислатли қиз ёдгор қолди" [Анжум ат-таворих, 76]. Лекин, асардан маълум бўлишича Муҳаммад Ҳакимнинг катта ўғли Муҳаммад Муқим Абаршоҳ вафотидан сўнг Жаҳонгир подшоҳ билан чиқиша олмай юқорида таъкидланганидек Туркистон сари ўтиб кетади ва "Олтин Бешик" номи билан аталган шажаравий қиссага асос солинади.

"Анжум ат-таворих" асарида шу пайтгача Қўқон тарихнавилигида учрамаган, боз устига асарнинг Худоёрхон ўғилларидан бири томонидан ёзилганлиги эътироф этилаётган бўлса-да, "Олтин Бешик" қиссасини тўлақонли ҳақиқат дея айтолмаймиз. Сабаби, муаллиф ўз асарини айнан қайси манбалар асосида ёзганлиги келтирилмаган бўлса, бошқа томондан ушбу маълумотларни тасдиқловчи бошқа бир ўхшаш манбанинг ҳали топилмаганлиги. Энг муҳими, бу ерда XVIII асрда янги давлат шаклланиши жараёнида водийнинг минг уруғи вакиллари кейинчалик Қўқон хонлиги деб аталувчи давлатга ўзларини Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари орқали Фарғона водийсининг расмий ҳукумат давомчилари сифатида кўришидир. Бу ўз навбатида бир неча асрлар ўтса ҳамки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ўз ватанида бўлган муносабат, хотираси ўчмаслигининг намунаси дея оламиз.

ХЭРОЛД ЛЭМБНИНГ «БОБУР — ЙЎЛБАРС» (BABUR THE TIGER) АСАРИДА З. М. БОБУР ШАХСИ

С.АКОБИРОВА,
доцент.



Умуминсоний туйғулар тасвири, ўлмас ғоялар ва ахлоқий ўгитлари билан Шарқ барчани ўзига ҳамиша жалб этиб келган. Шарқ адабиёти жаҳон цивилизациясига беминнат хизмат қилган. Муаззам Шарқ бешигида камол топган буюк зотлар тафаккури инсониятни доим ўзига мафтун этган. Шундай сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосидир.

Бизга маълумки, Бобур асарлари XVII асрдан бери бир неча бор Европа тилларида қайта-қайта нашр этилди. Илм оламида улар ҳақида мулоҳаза ва муносабатлар билдирилди. Бугунги кунда техника билан уйғунлашиб кетаётган бир пайтда XX аср Европасининг бу борадаги қарашлари қандай? Хусусан, Америка адабиётининг Бобур шахсига нисбатан муносабати қай ҳолда? Бу хусусда кичик изланиш олиб бориб, Америкада З. М. Бобур шахси ва ижодига ўзига хос қизиқиш мавжудлигига гувоҳ бўлдик.

XX асрда Бобур асарлари таржималари орқали Америка қитъасига етган, мақола ва тақризлар билан бир қаторда АҚШда Хэролд Лэмбнинг «Бобур – Йўлбарс» (Babur the Tiger) номли асари яратилган ва бу китоб 1961 йили Нью-Йоркда босмадан чиққан.

Х. Лэмб шарқшунос ижодкор. У 1892 йил Нью-Жерсида туғилган,

Колумбия университетининг шарқшунослик факультетини тамомлаган, араб ва форс тилларини жуда яхши ўрганган олим. АҚШ армиясида хизмат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида араб давлатлари ва бошқа Шарқ мамлакатларида алоҳида вазифаларни бажарган, бу ишлари учун кўплаб орден ва медаллар билан мукофотланган. У ўз ҳаётининг етуклик даврини Осиё, Россия ва Яқин Шарқ маданияти тарихини ўрганишга бағишлаган.

Унинг қизиқишлари IX-XV асрлардаги Шарқ Уйғониш даври бўлган ва шу йўналишда бир қатор ишларни амалга оширган инсон.

Х. Лэмбнинг тарихий эссе ва мақолалари бевосита ижодий сафар ва ўрганишлар асосида яратилди. У Марко Поло, Чингизхон, Искандар Зулқарнайн, Амир Темур, Умар Хайём ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахси ва фаолиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида кўп ерларда саёҳатда бўлган. У қайси халқ ҳақида ёзса, ўша халқнинг адабиёти, оғзаки ижоди ва анъаналарини синчиклаб ўрганиб, сўнг Уйғониш даври миллий хусусиятлари ҳақида сўзларди.

«Бобур – Йўлбарс» (Babur the Tiger) романи рус тилига таржима этилиб, 1979 йили «Звезда Востока» журналида босиб чиқарилди. Х. Лэмбнинг «Бобур - Йўлбарс» асари биз учун катта аҳамиятга эга, чунки бу роман орқали биринчи марта жаҳон адабиётида шоир ва жангчи, фарзандларга меҳрибон ота, ажойиб фазилатларга эга чин инсон образини кўрсатишга уриниш кўзга ташланади.

Бобур ҳақидаги бу китоб кириш ва саккиз бобдан иборат. Асарни яратиш жараёнида Х. Лэмб Тошкентда бўлиб кўзга кўринган шарқшунос олимлар билан суҳбатлашди, академик В. В. Бартольд, профессор С. Азимжонова ва бошқа шарқшунос олимлар ишларини ўрганди.

Китобнинг тузилиши, бобларга бўлиниши «Бобурнома»даги тартибни эслатади. Муаллиф Бобур асарига тўла суянган, ундан жуда кўп, айрим ўринларда бир неча варақлаб парчаларни айнан келтириб, кейин воқеанинг давомини шарҳлаб берган. Бу келтирилган парчаларни, «Бобурнома»нинг ўзбек тилидаги асл нусхасига солиштирганимизда улар инглиз тилига тўғри таржима қилинганлиги аниқланди.

Китоб Бобурнинг Шайбонийхон билан кураш ва чекиниши ҳақидаги ҳикоя билан бошланади. Бобурнинг Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари оралиғидаги саргардонликлари, Кобулни ишғол қилиш, Ҳиротга келиб, Шайбонийхонга қарши лашкар тўплаганлиги ҳақидаги воқеаларга батафсил тўхтаб ўтилган. Кейинги боблар Бобурнинг Ҳиндистонни босиб олиши ва Буюк империя ташкил этишига бағишланган.

«Бобур – Йўлбарс» (Babur the Tiger) китобининг охирги саккизинчи бобида Ҳиндистонда Улуғ бобурийлар салтанатига асос солиниши, Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаёти жонли лавҳаларда чизиб берилган. Х. Лэмб Бобур Мирзонинг мамлакатни бошқариш давридаги ижобий томонларини романда қуйидаги сатрлар билан ифода этади:

«With him he brought to India the Timurid devotion to music and verse – and wine. His fondness for building gardens in the most unlikely spots earned him the name of the Gardener King. More than tree-shaded gardens followed him to Agra. Out of white and red stone, palace dwellings, great mosques, and tombs

began to rise in the pathway of the moguls. Babur hardly lived to see if, but Samarkand, his lost city, was brought to India».

Мазмуни: «У ўзи билан темурийларнинг куй ва шеъриятга ва яна ... шаробга бўлган қизиқишларини ҳам Ҳиндистонга олиб келди. Нобоп ерларда ҳам боғ-роғлар барпо этишга интилиши унга «Боғбон шоҳ» деб ном берилишига сабабчи бўлди. Соя-салқин боғлар у билан бирга Аграгача чўзилди. Оқ ва қизил тошлардан улар қадами етган ерда саройлар, буюк масжидлар, мадрасалар қад кўтарди. Шундай қилиб, Бобур қўлдан бой берган севимли шаҳри Самарқандни ыҲиндистонга олиб келди» (таржима бизники).

Китобнинг хотимасида ёзувчи Х. Лэмб Бобур Мирзо амалга оширган ишларга холис баҳо беради. Х. Лэмб асарда Бобур образини ёритар экан, унинг фаолиятини ҳаққоний баҳолашга ҳаракат қилган:

«The Tiger had torn the map of India apart, across the old mountain barriers, joining Kabul and Kashmir to the Punjab rivers and the Ganges 'basin, and ended, in so doing, the feudal hegemonies of the Lodi sultans and Rajput princes, and religious conflict as well. He restored the power of a single monarch, long absent in Indian lands. His dominion had a new outlook, toward the future rather than the past. Local traditions and economies were preserved. Government, however, came, into the hands of the ministers of the throne. The monarch remained aloof, to judge the conduct of his administrators. His subjects could appeal to him as judge against his own government".

Мазмуни: «Йўлбарс Ҳиндистон харитасини парчалаб, нуроний тоғ тизмалари тўсиқларини олиб ташлади ва Кобул билан Кашмирни Панжоб дарёларига ва Ганг дарёсининг қуйилишларига боғлади. Шундай қилиб, Лўдий султонлари, Ражпут шаҳзодаларини феодал гегемонлигига ҳамда диний низоларга барҳам берди. Ҳиндистон заминида кўп йиллардан бери унутилган якка ҳокимлик давлатини қурди. Буюклиги шундан иборатки, унинг нигоҳи ўтмишга эмас, балки келажакка қаратилган эди. Миллий анъаналар ва маҳаллий иқтисодиёт сақлаб қолинди. Шунга қарамасдан, ҳукумат, тахт, вазирликларнинг қўлига ўтди. Шоҳнинг ўзи ягона маъмурий бошқарувнинг ҳаками бўлиб қолди. Унинг қўл остидагилар ўз шикоятларини Бобурга етқазар эдилар. Хуллас, Бобур ҳам шоҳ, ҳам қози эди» (таржима бизники).

Сўнгги сўзда муаллиф Бобур вафотидан кейинги айрим воқеалар, уни дафн этиш, Бобур мақбараси, сўнгги давр Осиё тарихидаги айрим ўзгаришлар устида тўхтаган.

Бобур буюк сўз устаси сифатида тўғри имло, равон услуб ва талаффузга катта эътибор берган. У содда ва тушунарли ёзишни тавсия қилиб, фарзанди Ҳумоюннинг хатида айрим имловий хатолар борлиги ва мураккаб услубда ёзгани учун танқид қилади, мактубни тушунарли, содда ва равон ёзса, ўзига ҳам, ўқувчига ҳам қийин бўлмаслигини уқтиради:

"Хатингни худ ташвиш билан ўқиса бўладур, вале асру (жуда) мутлоқдур (чалкаш). Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас, агарчи хили рост эмас ... хатингни худ ҳар тавр (равишда) қилиб ўқиса бўладур, вале бу мутлоқ алфоз (сўзлар)ингдин мақсуд тамом мафхум (тушунилмоқ) бўлмайдур.

Голибо, хат битирда қоҳиллигинг (сустлик) ушбу жиҳатингдур. Такаллуф

(безак) қилай дерсан, мундин нари бе такаллуф ва равшан пок алфоз била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқувчига". Айнан шу сатрлар Х.Лэмбнинг асарида ҳам келтирилган:

«Again, you have written me a letter as I ordered. But did you read it over? If you tried, you couldn"t have done it. I managed to puzzle out the letter, with much trouble. It certainly was not meant to be an enigma in prose! Your spelling, while not too bad, is not good ... it can hardly be understood because of your obscurity. And that is due to your embroidered wording. In future, don"t embroider words; make them plain, and clear. That will cause less trouble to you and to the reader»...

Ёзувчи ўзининг «Бобур-Йўлбарс» романини яратишда «Бобурнома»нинг А.Б.Илминский (Қозон, 1857), С.Азимжонова (Тошкент, 1958) нашрлари, шунингдек Э.Барри, Л.Булват, И.Прасад ва академик В.В.Бартольд асарларидан унумли фойдаланганини қайд этган.

Х.Лэмб Покистонга қилган сафарида доктор Азиз Аҳмад ҳузурига ташриф буюриб, Бобурнинг Лаҳургача бўлган ҳарбий маршрутини аниқлаган, шоир тўғрисида кўп маълумотларни қўлга киритиб, Бобурнинг «Мубаййин» асарига оид қимматли маълумсотларни С. Азимжонованинг илмий ишларидан олганлигини қайд этган.

Х. Лэмб 1960 йил ёзида Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бўлиб, олимлардан Шайбонийхон характери ва одатлари, темурийлар даврида Самарқанд шаҳри меъморчилиги ва бошқа масалалар бўйича ёрдам олганлигини романда миннатдорчилик билан эслаб ўтади.

Х. Лэмбнинг Шарқ тарихига бағишланган романлари, хусусан Бобур ҳақидаги мазкур асари биз учун катта аҳамиятга эга.

Бу асар орқали америкалик китобхонлар ҳам Бобур шахсияти, шижоати, жасорати билан танишади. Шу аснода 47 йил умр кўриб буюк ишларни амалга оширган наср, назм, ҳарб илми, мусиқий ва давлат бошқарувида ўз қарашлари, собит сўзи, амали билан ном қолдирган. Шарқ ўғлонига таҳсинлар айтиб, унинг ҳаёт тарзига қизиқувчилар ошади. Буни эса таржимон, шарқшунос Х. Лэмбнинг хизматлари натижаси деб баҳолай оламиз.

Қадимий тарихимиз, маданиятимиз ва маърифатимиз бугунги ғоявий юксалишимизнинг асосий манбаи бўлиб турибди. Уларни билиш, миллий ўзликни англаш ва ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Инсон идроки ва қўли орқали яратган дурдоналар бугунги кунда ҳаммани ҳайратлантиради. Буни Шарқ билимдони Х. Лэмб ўз ижодида жуда яхши кўрсатган.

Бу ҳол ўзбек халқида ҳақиқий ғурур уйғотибгина қолмай, балки Ватанимиз олимлари илмий-тадқиқот ишларига қўйиладиган талабларни ҳам оширади. Шу билан бир қаторда Ўзбек бобуршунослиги жаҳон бобуршунослик тадқиқот йўлини мунтазам ёритиб боради ва белгилаб бериши лозим бўлган вазифаларни аниқ мақсад қилиб қўяди.

Таниқли ўзбек халқ бахшиси Қодир бахши Раҳимовдан ёзиб олинган "Ойчинор" халқ достони тарихий достонлар сирасига кириб, XVI асрнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўринга эга шахс темурийлар салтанатининг сўнги вакили шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида. Достонда Бобур шахсияти ва унинг ижодига бўлган халқ муносабати яққол акс этган бўлиб, халқнинг суюкли фарзанди ва шоирига бўлган соғинчи ифодаланади.

«ОЙЧИНОР» ДОСТОНИДА ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

Й. РАҲМАТОВ,
ЎзР ФА, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти докторанти.



Бахши достонда Бобур ва бошқа тимсолларни тасвирлашда халқ мақолларидан унумли фойдаланган.

Мақоллар сўз санъатининг қадимий шаклларидан бўлиб, фольклорнинг бошқа жанрларидан ўзининг сиқиқ шакли ва чуқур дидактик мазмунга эгалиги ҳамда халқ ижтимоий-маиший ҳаётининг барча қирраларини қамраб олиши билан ажралиб туради. Тилшунослик нуқтаи назаридан мақол - авлоддан-авлодга оғзаки формада кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор мантиқий умумлашма сифатидаги бирлик бўлиб, нутқда тайёр ҳолда қўлланилади. Яъни, мақоллар нутқ вазиятига қадар инсон онгида тайёр, барқарор бирлик сифатида яшайди ва вазият тақозосига кўра нутқнинг энг мақбул, энг жозиб, энг муҳим "юк"ини кўтаради: далиллаш, тугаллик, хотима, ечим, хулосани ўзида жамлайди. Энг муҳими, мақол адабиётнинг бош ғояси — адабни тарғиб этади, эстетик таъсирни кучайтиради. Айни шу вазифа боис мақол ёзма адабиётнинг ҳам, оғзаки ижоднинг ҳам барча тур ва жанрларида қўлланилади, таркибига сингиб кетади ва ўзига хос адабий, ғоявий, бадиий-эстетик вазифа бажаради.

Мумтоз адабиётда мақолни қўллаш ирсоли масал саналса, замонавий адабиётда мақол ишлатиш фольклоризм деб юритилади. Ирсоли масал фикр далилига хизмат қилса, фольклоризм ижодкорнинг халқ ижодига муносабатини аниқлаш ҳамда ундан фойдаланиш маҳоратини очишда ёрдам беради.

Кўринадики, мақол адабий ҳодисанинг номланишига ҳам, ижодкор туйғуларини ёритиш, фикрларини далиллаш, ижодий маҳорат масалаларини ёритишга ҳам хизмат қилади. Мақолнинг бундай кўп вазифалилиги бевосита унинг спецификасини кўрсатади.

Гарчи халқ ижоди оғзакиликка асосланган бўлсада, унда яратилган ҳар бир асар ўзига хос эпик қонуниятлар асосида шаклланади. Бу эпик қонуниятлар биринчи навбатда асарнинг мазмун ва шаклида намоён бўлади. Айни шу қонуниятлар асосида фольклор асарларининг умумий ва хусусий томонлари, жанрий табиати, идивидуаллиги ҳамда жанрлар аро муносабатлари-

ни ўрганиш ва маълум хулосаларга келиш мумкин. Ўзига хос тизим сифатида шаклланган халқ достонларида бу хусусият яққол намоён бўлади.

Бахши достон ижроси давомида воқеаларни таъсирли қилиш мақсадида халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган кичик ва ўрта ҳажмли жанрларни достон мазмунига сингдириб юборадики, бу досталарнинг мураккаб композицион тузилишини шакллантиради. Жумладан, Қодир бахши Раҳим ўғли репертуаридан ўрин олган "Ойчинор" тарихий достонига эътибор қилинса, унинг таркибига мазмунга мос тарзда кичик ҳажмли кўплаб фольклор намуналари киритилгани кузатилади. Мазкур достоннинг таркибида жуда кўп халқ мақол ва маталлари, топишмоқлар, шунингдек, фольклорнинг алоҳида жанрига мансуб бўлган олқиш, қарғиш, лирик қўшиқ, айтишув, йиғи-йўқлов каби жанрларига дуч келиш мумкин. Биз бу мақолада фақатгина халқ мақолларининг достонда тутган ўрни ва бахшининг халқ мақолларидан фойдаланиш маҳорати ва образ яратишда халқ мақолларининг ўрнига эътиборимизни қаратамиз.

Мақол ихчам шакл, кенг маънога эгалиги билан алоҳида диққатга сазовор.

Рус фольклоршуноси В. П. Аникин шундай ёзади: "Мақол - бу халқнинг ўзаро фикр алмашиш воситаси, яъни қисқа поэтик шаклда акс этадиган ва мустақил равишда ҳукм чиқарадиган жумласидир". У лисоний бирлик сифатида миллий тилнинг ажралмас қисми. Мақолдан кундалик ҳаётий фаолиятимиздаги нутқий муносабатларда бот-бот фойдаланамиз, сўз каби жўяли ўринда қўллайверамиз. Бу ҳақида академик Т. Мирзаев: "...ҳар бир кишининг нутқида саккиз юзтача мақол бор экан. Буни биз билмаймиз, чунки у хотирамизда.

Сўралганда, бу мақолларни кетма-кет ҳеч ҳам айтиб беролмаслиги мумкин. Аммо фаолиятимиз давомида уни турли муносабатлар билан қўллаймиз. Хотираси яхши, чечан, сўзамол, кўп мақол билувчилар жуда кўп", — дейди.

Мақоллардан нутқда ўринли ва кўп фойдаланиш сўзловчининг дунёқараши, тафаккури билан бир қаторда унинг сўзга чечанлик қобилиятини ҳам намоён этади. Хусусан, халқ бахшиларининг бадиий тафаккурининг мезони сифатида мақолларга мурожаати ва достонлар таркибида мақоллардан фойдаланиш маҳорати унинг бахши сифатидаги камолини белгилаб беради. Бахши давраларда достонни ёд олгани бўйича эмас, балки бадиҳагўйлик асосида, кайфиятига қараб куйлайди. Жумладан, унинг жўшиб кўйлашида сўзга чечанлиги, халқ хоҳиш-истагини ички туйғу билан ҳис этиши ва керакли ўринда керакли сўз қўллай билишига боғлиқ бўлади. Бундай пайтда халқ кўнглига йўл топишнинг энг осон усули халқнинг ўз ижодидан фойдаланиш саналади.

Худди шундай халқ ижодиётининг чуқур билимдони бўлган Қодир бахши репертуаридан ўрин олган халқ достонлари ўзининг бетакрор бадиий қурилмаси билан ажралиб туради. Бахшининг мақол қўллашдаги маҳорати ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Бинобарин, Қодир бахши ижодидан ўрин олган "Ойчинор" достонида мақолларнинг ўрни бошқача. Бахши ўртача ҳажмли достонда қирқдан ортиқ халқ мақолларидан фойдаланган. Халқ мақолларининг чуқур маъносига таянган бахши достоннинг бадиий жиҳатдан такомиллашувига эришган. Достон таркибида бахши мақолларини ўрни билан айнан ёки шеърий тизим талаби билан ўзгартирган ҳолатда қўллайдики, бу бахшининг юксак поэтик тафаккур эгаси ва бетакрор бадиҳагўй, халқ шоири эканлигини кўрсатиб туради.

Бахши достон таркибида мақолларни қўллар экан, улардан уч мақсадни кўзлайди:

А) образ характерини очиш мақсадида персонаж нутқида. "Зўр билан кўрда уят йўқ", "Қуриган дарахтга сув қуйган билан кўкармайди", "Бадавлатнинг молини бедавлат ея олмайди", "Тешик мунчоқ ҳеч ҳам ерда қолмайди", "Йигитга орқадир гар бўлса оға", "Тенг-тенгига, тезак ола қопига", "Ва-

зиринг доно бўлса, юртинг ҳам обод бўлар, вазиринг бўлса хатак, обод юрт нообод бўлар", "Сиртинг одам боласи, ичинг жайра ё илон", "Ҳеч эгилган бўйинни, урсам қилич кесмайди", "Кўза кунда эмас кунида синади".

Б) параллел қолип ёки бадиий восита сифатида "Толдан химич синдирманг, ярамайди сабашга", "Булбул ошно бўлар боғнинг гулига, Номард чиқолмайди марднинг йўлига", "Майдонда билинар йигит полвони", "Камлик кўрмай йигит қадди букулмас, Кўнгил қўйиб тўқилган тўн сўкилмас", "Гавҳар-гавҳар билан турса очилар".

С) ҳаётий ҳодисалар ифодаси тасвирида фикрни тасдиқлаш ва далиллаш мақсадида. "Одам қарир — кўнгли гул", "Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар", "Жабр ўтса одамга, юки билан қир ошар", "Сут билан кирган нарса, чириганда кетмайди", "Ётиб қолма, отиб қол", "Суймаганга суйканма", "Ота-она ўлиши, бўлган одам мероси", "Танимасни, сийламас". Қуйидаги ҳар учала омил достоннинг композицион қурилишида муҳим ўрин эгаллайди.

"Ойчинор" тарихий достонининг бош қаҳрамони Ойчинор ва унга ҳомийлик қилган, буюк темурийлар салтанатининг сўнгги вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобур достонда халқ симпатиясига эга бўлган, доно шоҳ сифатида тасвирланади. Шу жиҳатдан унинг ташқи кўринишидан бошлаб нутқига қадар халқ эпик тафаккуридаги барча ижобий хислатлар жо қилинади.

Унинг доно ва тажрибали ҳукмдор сифатида кўрсатиш мақсадида ҳам халқ мақолларидан фойдаланилади.

Бобурнинг ақл-заковатини таърифлаб-тавсифлаш учун достонда оддий баёнчилик йўлидан бормай, анъанавий эпик мотивдан ўринли фойдаланилган:

"Бир ёш йигит тўрда чордона қуруб ўтирибди. Бошида тилла тож қўндирилган салла, устида зарбоф тўнлар, мурти лаб устида ўзига ярашиб турибди. Ўзи полвон сиёқли, бургут қабоқли, ҳар егни қирдай, қараши тўқайдаги шердай". Бобурнинг ақл-закоси ва иқтидорини кўрсатиш учун эртаклар сюжетида учрайдиган анъанавий мотивлардан бири: қари одамнинг ўз жисмоний ва руҳий аҳволини ҳисобга олмай, ёш қизга совчи юбориб, қизнинг ғурурини, орзу-ҳавасини оёқ ости қилиши, қиз эса бунга жавобан "тўй қалинининг шарти" ниқобида ушбу нотенг никоҳни фош этувчи чалдирмоқ-топишмоқ айтиши, кекса киши эса бу чалдирмоққа ечим тополмай, ноилож подшо ҳузурига мурожаат қилиб бориши, лекин бунда у ўзининг асл ниятини хаспўшлаб, яшириб, қизни айбдор қилиб кўрсатишга уриниши, бироқ подшо чалдирмоқ мазмунидан ким айбдорлигини англаб етиши ва қизнинг доно ва фаросатли эканлигини сезиши ҳамда шу тарзда чалдирмоқ жавобини уятсиз "ошиқ"қа айтиб бериши ва унинг кирдикорини фош этиши мотиви ўринли келтирилган.

Мол йиғибсан, нега ақл йиғмадинг,
Шу ақлман келиб бизни алдадинг,
Тенг-тенгиман, тезак ола қопига,
Деган сўзни қариганда билмадинг.

"Ойчинор" достони сюжетида бундай мотивни келтириш орқали Бобурнинг эпик қаҳрамонлар сингари бетакрор ақл-идрокка, фаҳму фаросатга эгалиги таъкидланади ва шу йўл билан Бобур шахсига хос фазилатлар очиб берилади, эпиклаштирилади. Демак, Бобурнинг Назарбойга Ойчинор томонидан қўйилган топишмоқ қалин жумбоққа юксак ақл-идрок билан жавоб топиши эртак ва достон қаҳрамонлари саргузаштларида учрайдиган анъанавий мотивлардан бири саналади. Шу ўринда Бобур образи эпик қаҳрамонлар каби муболағалаштирилган, эпиклаштирилган бўлиб, беҳад донишманд, зукко ва топқир қиёфада намоён этилганки, бунда халқона панд насиҳат ва мақолларнинг ўрни бўлакча бўлган.

Достондаги Назарбой, Қайсар, Ойчинор нутқида учрайдиган мақоллар ҳам

бир қадар уларнинг характерини очишда хизмат қилади. Жумладан, гўл ва ақлсиз Назарбой нутқида ҳам ўзига мос мақоллардан фойдаланилади. Бу билан у Бобур олдида ўзининг аслида ким эканини фош этиб қўяди:

Питик битмай киши хотин олмайди,
Тешик мунчоқ ҳеч ҳам ерда қолмайди,
Кўндиришди, қалинини айтибди,
Буни топиш ҳеч қўлимдан келмайди.

Назарбой кимлигини яшириш ва ўзини бечора ҳол қилиб кўрсатиш мақсадида, Бобуршоҳга ёлғон сўзлайди. Ёлғони орасида халқнинг икки мақолини қўллайди. "Тақдир битмай, киши бахтли бўлолмас", "Тешик мунчоқ ерда қолмас". Биринчи мақолдан Назарбой ўзини бечораҳол, ожиз ва тақдирига кўнувчи шахс сифатида кўрсатиш мақсадида фойдаланса, иккинчи мақолдан камбағал кишиларга раҳм қилувчи, сахий киши қилиб кўрсатиш ниятини кўзлайди. Бироқ у қиз қўйган халқ чалдирмоғининг туб моҳиятига етмайди, унинг асли кимлигини чалдирмоқ фош этиб қўяди. Доно шоҳ топишмоқнинг таг маъносини осонгина фаҳмлайди ва Назарбойга нисбатан "Тенг тенги билан, тезак қопи билан" мақолини қўллайди.

Достонда жабри-ситам ва ноҳақликка қарши исёнга чоғланган халқ тимсоли Ойчинордир. У жамиятда ҳуқуқи топталган барча аёлларнинг ёки мазлум халқнинг типик образи. У достон воқеалари ривожида ўсиб боради ва қўрқмас баҳодирга айланади. Ойчинор образи динамикасида ҳам халқ мақолларидан ўринли фойдаланилади. Унинг тақдирига тушажак қийинчиликлар изоҳи мақоллар билан берилади. "Жабр ўтса одамга юки билан қир ошар", "Мард бошига иш тушса, этик билан сув кечар", "Ётиб қолма отиб қол, орингга ор оласан". Ойчинор ўзига ишончи ошгани сайин, унинг ақли теранлаша боради ва ҳаётда учрайдиган камчиликлардан етарли хулоса чиқарадиган етук инсонга айланади. Унинг инсон сифатидаги баркамоллиги ҳам халқ мақоллари мазмунга тенг хулосаларга келиши билан кўрсатиб берилади. "Душман ҳар дам душман-да, ўлдирмасанг ўлдирар" ёки "Кўза кунда эмас, кунида синар".

Ичи қора ниятинг,
Ўлсангда оқ бўлмайди,
Сут билан кирган нарса,
Чириганда кетмайди.

Достонда бахши ижодий салоҳиятини ишга солиб мақолларни ҳам шеърий, ҳам насрий кўринишдаги турларидан фойдаланиш баробарида, уларнинг шакли ва оҳангини ўз усулига мослайди, мақолга мос янги сатрлар қўллайди. Биргина халқ орасида кенг тарқалган:

Эр бошига иш тушса,
Этик билан сув кечар,
От бошига иш тушса,
Сувлиқ билан сув ичар.

Халқ мақолини бахши достон мавзусига мос тарзда иккинчи компонентини ўзгартиради ва мазкур мақолни достон таркибида икки марта ўзгартирилган шаклда қўллайди:

Эр бошига иш тушса,
Этик билан сув кечар,
Мард бошига иш тушса,
Тортинмай жондан кечар.

Иккинчи ўринда:

Эр бошига иш тушса,
Этик билан сув кечар,
Иш тушганда бошига,
Сувни қўйиб қон кечар.

Бу мақолларнинг иккинчи қисмининг ўзгаришига достон сюжетидаги воқеалар таъсир этган. Дастлаб мақол Ойчинорга қилинган ноҳақ зулумга қарши исёни ўрнида келтирилса, иккинчи бор Шайбонийхон қўшини билан якка ўзи жанг қилган ўрнида қўлланади. Мақолнинг биринчи компоненти халқ томонидан яратилган ғоядан чекинмаган, бироқ мақолнинг иккинчи компоненти достон воқелари мазмунига мослаштирилган.

Худди шунингдек "Одам оласи — ичида, мол оласи ташида", "Киши оласи ичида, йилқи оласи ташида" мақоли достон таркибида вазн талаби билан ўзгарган ҳолатда қўлланади. Бундай ҳолатларда бахши халқ мақоллари шаклига эркин ёндашади. Унинг мазмунига мос қўшимча мисралар ижод қилади.

Сиртинг одам боласи,
Ичинг жайра ё илон,
Сенсан олам оласи,
Нима тирик сен билан.

Ёки халқ мақоли "Эгилган бўйинни қилич кесмас" достонда:

Ҳеч эгилган бўйинни,
Урсам қилич кесмайди,
Муте бўлиб турганда,
Отсам, найзам ўтмайди.

...тарзда қўлланади.

Бахши халқ вакили, у кўп сўзни халқ орасиадан олади ва ўзининг эпик тафаккури билан омухталаштириб репертуаридаги мавжуд қўшиқ, терма, достонларида ўрни билан фойдаланади. Бундан ташқари илм аҳлига таниш бўлмаган, фольклоршуносларимиз томонидан ёзиб олинишга улгурилмаган оҳорли мақолларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, "Кўнгил қўйиб тўқилган тўн сўкилмас", "Қуриган дарахт сув қуйган билан кўкартмас", "Нима бўлсанг, қариндош ичида бўл" каби мақоллар достон таркибидаги оҳорли мақоллар саналади.

Хуллас, халқ мақолларининг бахши репертуари ва халқ достонларида тутган ўрни ҳақида қуйидаги хулосаларга келиши мумкин.

Халқ мақоллари халқнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фалсафий фикрлар мажмуи бўлиб, халқ бахшилари улардан ижодий ва эркин фойдаланиб достон термаларида кенг фойдаланадилар.

Халқ бахшилари халқ мақолларидаги ихчам шакл ва кенг маънодан унумли фойдаланиб, достон мазмунини бойитишда унумли фойдаланадилар ва достоннинг халқ онгига таъсирини кучайтирадилар.

Мақоллардан достон композициясининг муҳим элементларидан бири сифатида фойдаланиб, уни мукаммалаштиришга эришадилар. Бахшилар мақоллардан сюжет жараёнида образлар тасвирида, характер очишда, фикрни далиллашда, достон тилини соддалаштириш мақсадини кўзлайдилар.

Бахши достон таркибидаги халқ мақолларига икки хилда ёндошади, яъни ўзгартиришсиз, халқ тилида мавжуд шаклини ва ўз ижодий маҳорати билан ўзгартирилган шаклидан фойдаланади. Бу ўзгаришларга баъзан шеърий вазн сабаб бўлса, базан воқеалар ривожидаги ҳодиса сабаб бўлади.

Бахшилар халқ вакили сифатида халқ орасида кенг тарқалган, бироқ фольклоршунослар эътиборини тортмаган мақолларни ҳам достон таркибига киритадилар, уларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш орқали ўзбек халқ мақоллари хазинасини янада кенгайтириш мумкин.

КЕНГЛИКЛАРГА ТАЛПИНАР КЎНГИЛ...

Эркин Оролов Ўзбекистон бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом.


1976-йил Сурхондарё вилояти Музрабод туманида туғилган.

1998-2005 йилларда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангтасвир йўналиши бўйича таҳсил олиб, бакалавр ҳамда магистр даражасини олган.


Эркин Оролов тасвирий санъатнинг портрет, манзара ва натюрморт йўналишлари бўйича ижод қилади.


2001-йилдан буён Ўзбекистон Республикасида ва хорижий давлатлардаги халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келмоқда.

Э.Оролов асарлари Ўзбекистонда ва хорижий давлатлар, жумладан, Америка, Россия, Корея, Германия, Туркия мамлакатларида ҳам сақланмоқда.



















МУЗГА АЙЛАНГАН ХАЗИНА

БОЛА ВА ЧАҚА

Афандидан бир таниши сўради:

– Бола-чақангиз кўпми?

У бироз ўйланиб, жавоб берди:

– Болам кўп-у, лекин чақам камроқ.

ЙЎЛДА КАСАЛ БЎЛИШ

Йўлда кетаётган бир кишидан сўрашди:

— Қаерга кетяпсиз?

— Табибга.

— Соппа-соғсиз-ку! Табибда нима қиласиз?

— Навбат етгунча касал бўлиб қоларман!

ШОҲ ВА ФОЛБИН

Сарой фолбинини шоҳ ўз ҳузурига чақириб дебди:

— Менинг тақдиримни биласанми?

— Ҳа, биламан, - дебди фолбин.

Шоҳнинг жаҳли чиқиб:

— Сен ўз тақдирингни билиб олгин аввал, - деб унинг бошини танасидан жудо қилибди.

Иккинчи фолбинни шоҳ ҳузурига келтиришибди.

— Менинг тақдиримни биласанми? – дея сўрабди яна шоҳ.

— Мен тақдирингизни эмас, қачон ўлишингизни биламан, - дебди тадбирли башоратгўй.

— Қачон? - даргазаб бўлибди шоҳ.

— Менинг ўлимимдан икки кун ўтгандан кейин, — жавоб берибди фолбин.

УРУШДАН КЕЙИНГИ ҚУЛУПНАЙ

1945 йилда афанди немисларга асир тушиб қолибди.

— Сўнгги тилагингни тила! – дебди немислар унга.

— Қулупнай есам, армоним йўқ эди, - дебди афанди.

Немислар:

— Майли, қулупнай пишса ейсан, кейин отамиз, - дейишибди.

Қулупнай пишгунича уруш тугаб, афанди омон қолган экан.

АЖОЙИБ ТУШУНТИРИШ

Бир куни подшоҳ вазирларни йиғиб дебди:

— Салтанатимда солиқлар кун сайин ошиб борса ҳам хазинада пуллар кўпаймаяпти!? Бунинг боиси недир?

Доно бир вазир катта муз бўлагини олибди-да, “Шоҳимга узатиб юборинглар!” дебди.

Ҳалиги муз бўлаги қўлма-қўл бўлиб подшоҳга етиб келгунча кичкина томчига айланиб қолибди.

Шунда подшоҳ вазирнинг ақлига таҳсинлар айтиб, барча қўл остида ишлаётган амалдорларни ва хазинага келадиган пулларни қаттиқ назоратга олган экан.


ИЛТИМОС

Араблар орасида хасислиги туфайли тилларда достон бўлган кишининг олдига бир камбағал илтимос билан келибди. Хасис:

— Аввал сен менинг бир илтимосимни бажар, ундан кейин мен нимаики истасанг, бажонидил ижро этарман, - дебди.

— Албатта, қанақа илтимос? — дебди хурсанд бўлиб фақир.

— Илтимос шуки, мендан бирор нарса сўрама, — дебди хасис.



Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ тайёрлади.

Summary

This issue of the magazine «Bobur and the World» began with a quote from the congratulatory message of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the people of our country on the occasion of the Uzbek language holiday. It includes the following words: “As our famous enlightener Abdullah Avloni said, language is a great force that lifts the spirit of the nation.

In this sense, it is safe to say that love and devotion to the motherland begins with love and devotion to the mother tongue.

The article of the candidate of philological sciences, associate professor Otabek Juraboev «The world and national scale of the heritage of Hazrat Babur» has a special place in the magazine. It provides in-depth information about the scientific and spiritual heritage of Z.M. Babur.

Azizjon Sharipov’s article «From the history of libraries in the time of Amir Temur and the Temurids» is also in the reader’s attention. It deals with libraries of the Timurid period, their structure and activity.

In general, in this issue of the magazine there are articles by Burobiya Rajabova, Candidate of Philological Sciences, «Navoi’s image in» Boburnoma «», «Burhoniddin Marginoni and his sons» by Abduvahid Urozov, researcher of the International Research Center named after Imam Bukhari, «Man reading a book» by Roza Kholnazarova and other scientific and literary developments are also noteworthy.

The magazine shares also some depth analytical articles and stories as well as interesting informations.

МУАССИС:
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таъсисчилигидаги «Zaytun bog`lari» МЧЖ.

Бош муҳаррир ўринбосари Ситора ТОЖИДДИНОВА

Таҳрир ҳайъати:

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, геология-минерология фанлари номзоди.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эйжи МАНО,
профессор (Япония).

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

Сйед Нақи АББАС,
Рампур-Ризо кутубхонаси Вице-Президенти, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди Ҳиндистон бўлими раҳбари, шоир (Ҳиндистон).

Мирза КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир, таржимон.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
журналист.

Навбатчи муҳаррир: Яшнар МЎМИНОВА

Саҳифаловчи-диз@йнер: Ғафуржон МАДАЛОВ

Мусаҳҳиҳ: Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Матнлардаги маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул. Таҳририят барча ижодий ишларни белгиланган тартибда таҳрир этишга ҳақли. Журналдан кўчириб босилганда манба номи кўрсатилиши шарт.
e-mail: boburvadunyo@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 26 мартда 0954-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган. Журнал йилига 4 марта, ҳар 3 ойда бир марта чоп этилади.

Босмахонага топширилди: 2020 йил 9 ноябрь соат 11:00 да. Босишга рухсат этилди: 2020 йил 9 ноябрь соат 16:00 да. Бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозида босилди. Шартли босма табоғи 9.
400 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Буюртма №20-414. Журнал «IZZATILLA PRINT» МЧЖ босмахонасида нашр этилди.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-18-67, факс: 241-09-21.
Нашр индекси: 2543

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 131-уй

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА